


1.2
77

Г. БЛИНОВ

**АВВАЛИГА
РОМЛИ
КОНФЕТ...**

ГЕННАДИЙ БЛИНОВ

АВВАЛИГА
РОМЛИ КОНФЕТ...



УзССР «Медицина» Тошкент
1980

Блинов, Геннадий.

Б 77 Аввалига ромли конфет.../[Тарж. А. Шомаҳмудов]. — Т.: Медицина, 1980. — 140б.

Психиатр-врач ва адиб Г. М. Блинов омма орасида кўпларга манзур бўлган «639 сонли касаллик тарихи» номли публицистик повести билан ўқувчиларга маълум. Унинг шу асари эркаклар орасида учрайдиган алкоголизмга бағишланган бўлиб, ўзбек тилида таржимаси («Психиатр врач хотиралари» номи билан) босилиб чиққан эди. Муаллиф ўзининг «Аввалига ромли конфет...» деган ушбу янги китобида аёллар орасида учрайдиган алкоголизмга алоқадор масалаларга тўғталар экан, болалар, ўсмирлар ва ёшларга спиртли ичимликларнинг қалокатли таъсир кўрсатиши ҳақида гапириб, ичкилик ичишининг меъёри тўғрисида баъзи одамларнинг хаёлидаги хурофот ва хато фикрларини фож қилиб ташлайди.

Бу меъёرنинг боши ромли конфет бўлса, охири конфетсиз ромнинг ўзига бориб тақалади. Шунинг учун спиртли ичимликларни барвақт тотиб кўришдан сақланиш масалаларига муаллифнинг кўпроқ аҳамият бериши бежиз эмас.

Бу китоб ҳам ҳикоя тарзида ёзилган бўлиб, кенг китобхонлар оммасига мўлжалланган.

Блинов, Геннадий. От конфет с ромом...

51.204

Б $\frac{52400-71}{M354(04)80}$ 53—80 4118000000

© УзССР «Медицина» нашриёти, 1980.
Ўзбекчага таржима.

Ваннахона эшиги ёнида тўдалашиб турган беморлар олдидан Вячеслав Сергеевич — «салом, салом, азизлар» — дея ҳаммага бош иргаб, ординаторлар хонаси томон лип этиб ўтиб кетди. Худди темир йўлчиларниккига ўхшаган тўрт қиррали калитини солиб, эшикни очди, «жинни калитни» — ия, шунақа ҳазил қилиш мумкинми, шу деворлар ичида ҳазил қилиб бўларканми? Хўш, нима бўпти, шунча қайғу ҳасрат, туганмас шунча дарду алам макон топкан экан бу ерда, нечук баъзи-баъзида ҳазил қилиб турмаслик керак экан? Бир кун эмас, бир ой эмас, бир йил ҳам эмас-ку, ахир. Вячеслав Сергеевич тўққиз йилдан бери шу ўн биринчи бўлимда ишлайди.

— Салом, Алексей Петрович.

— Доктор Беловга саломлар бўлсин!

Вячеслав Сергеевич билан Алексей Петрович бири бири билан анчадан бери қадрдон дўст бўлиб қолишган. Неча-неча йиллардан бери улар ёнма-ён туриб ишлашиб келишади. Фақат Вячеслав Сергеевич психиатрия касалхонасининг ординатори бўлса, Алексей Петрович ушбу касалхонадан база ўрнида фойдаланиб келаётган илмий-текшириш институтининг ходими. Ўн биринчи бўлим алкоголизм ва алкоголь психозлари клиникаси бўлиб ҳам ҳисобланади.

Доктор Белов чўнтагидан сигарета, гугурт чиқариб, столга қўйди, кейин пальтосини ечиб, шкафга осиб қўйди ва халатини кийди.

— Мумкинми? — ординаторлар хонаси эшигини очиб сўради, навбатчи ҳамшира.

— Келинг, Лидия Степановна. Жанговар постингизда аҳволлар қалай?

— Ҳаммаси жойида.

— Иситмалаётганлар йўқми?

— Йўқ.

— Қайиқда сайр қилишга қачон борамиз?

— Неча куздан бери шуни айтасиз, ҳар кўкламда коньки сайрига таклиф қиласиз!

— Нима бўпти, эртами-кечми борамиз-да, ахир. Нима, биз одаммасмизми? Бошқаларга ўхшамаймизми?

— Бизларга янгиси келди.

— Чақиринг-чи.

— Мен ҳозир муолажахонага кириб, касаллик варақаси бланкасини олиб келай.

— Раҳмат.

Вячеслав Сергеевич ўз столига ўтириб, кўзойнагини артди ва папирос чекди.

— Славик, янги келин-куёвлар учун лекциям бор, бугун. Сенинг олдинда машқ қилиб кўрай, келишмаган жойи бўлса, айтарсан.

— Қўйсангчи, Алексей, ўша лекцияларингни! Топган янги куёвингни қара-ю... Хўп, хўп, профессор консультациясидан кейин майин овозингни эшитиб ўтириб, мизғиб оларман. Ҳозир — кўраяпсан-ку! — олдимга янги касал келяпти. Хизмат юзасидан эмас, дўстлик юзасидан, эшикни очиб юбор унга, дўстим!

— Доктор сизни кутиб ўтирибди, киринг, — дея Алексей Петрович касалхона кийимидаги қизга эшикни очди.

«Ё раббим! Ҳа, бу Таня Иванова-ку! — деб қотиб қолди доктор Белов. — Қуйиб қўйган Танянинг ўзгинаси-я!».

— Марҳамат, бу стул сизга. Салом.

Қиз ийманибгина стол ёнига келиб, рўбарў ўтирди. Доктор бир неча секунд жим қолди. Бемор қиз ҳам жим.

* * *

Олтинчи сиф тугаган, Левобережная станциясидаги пионерлар лагери. Тая Иванова. Кейин МВО боғида учрашув...

Хат ёзишиб туриш учун Тая ўз адресини ва тўлиқ исми шарифини хайрлашув вақтида бир парча қоғозга ёзиб берди: Иванова Татьяна Васильевна деб. У билан эртасига кечқурун соат олтида уйи ёнида учрашишга келишиб олишди.

У келди. Тая кўчада кўринмас эди. У бир соат кутди, икки соат кутди. Тажанг бўлди. Танялар уйининг деразалари олдини хира қилиб, у ёқдан буёққа юриб турди. Ахийри йўлакдан етти ёшлар чамаси жуда кичкина бир қизча югуриб чиқди, ҳойна-ҳой Танянинг синглиси бўлса керак. Кела солиб, унга хат узатди: «Мен сен билан ўртоқ бўлмайман». Ва имзо: «Т. И».

* * *

— Фамилиянгиз?

— Иванова.

— Менинг исмим Вячеслав Сергеевич. Мен даволовчи врачингиз бўламан. Исминг... Кечирасан, мен «сен-лаб» гапираман. Исминг нима?

— Тая.

— А... отангнинг исми билан айтганда-чи?

— Васильевна.

«Ажаб! Жуда галати бўлди-ку. Исми, отасининг исми, фамилияси... Турқи-гаровати ҳам бир хил. Лекин бундай фамилия кам эмас-ку, исми ҳам кўп учраб турадиган исмлардан», — деб ўйларди, доктор Белов.

— Ичасанми? — деб сўради, у, ўзи ҳам кутмаган кескинлик билан.

Тая мужмаллик билан елкаларини қисди.

— Юзингдан кўриб турибман — ичар экансан. Ешинг нечада?

— Ун тўққизда.
— Сут ичадиган вақтинг экан.
— Узимама сутни жуда яхши кўраман. Болалигимда бувимнинг қишлоғида яшардим. Унинг сигири бор эди. Оқ нонни тарелкадаги сутга тўғраб еб олсам, менга бошқа ҳеч нарса керак эмас эди.

— Сутли тюрюни яхши кўрасанми?
— Энг яхши кўрганим шу.
— Қасалхонага биринчи марта келишингми?
— Биринчи марта.
— Урганишинг қийин бўлаётгандир?
— Осон эмас.
— Хузур-ҳаловат қиладиган жой эмас, бу ер. Торроқ. Огир касаллар ҳам бор. Мана бу калитларни, банди йўқ эшикларни айтмайсанми...

Лидия Степановна касаллик варақаси бланкасини олиб келиб, индамасдан Вячеслав Сергеевич олдидаги столга қўйди.

— Иванова нонушта қилганми?
— Йўқ ҳали, ундан наҳорга анализ олишганди.
— Марҳамат қилиб, бир шиша сут билан оқ нон олиб келиб беринг шу ерга. Тарелка ҳам. Қошиқ ҳам.

Лидия Степановна ажабланганлигини яширмай қошини чимирди-ю, лекин бир оғиз ҳам сўз айтмасдан, ошхонанинг овқат сузиб бериладиган хонасига қараб кетди. Уч минутдан кейин у патнусда сут билан нон кўтариб, кириб келди.

— Миннатдорман, Лидия Степановна.
Медицина ҳамшираси патнусни журнал столчасига қўйиб, ординаторлар хонасидан чиқиб кетди.

— Қелақол, Танечка, буни еб ол. Кейин ўз палатанга борарсан. Ҳозир бизда профессор консультацияси бўлади. Сен билан кейинроқ гаплашамиз.

— Қасални бугун ким кўрсатади?
— Сен эмасмидинг, Алексей Петрович?
— Йўқ, мен эмас.

- Ниночкадир, балки?
- Чекишга берчи...
- Кеча ташлаган эдинг-ку!
- Биттагина...

Биттадан сигарета чекишди.

— Илтмосимни эсингдан чиқариб қўйганинг йўқми, Вячеслав Сергеевич?

— Бўпти, Орфей! Консультациядан кейин ухлатавер, мени.

— Мен Орфей эмасман, мен Цицеронман¹.

— Эээ...

— Неча бўлди?

— Уч минути кам ўн.

— Вақт бўлибди.

— Танечка, тўйиб олдингми?

— Раҳмат, доктор. Кетаверсам бўладими?

— Ҳозир. Юр, Цицерон-Алексей, креслоларнинг юмшоқроқларини олволамиз.

Улар ординаторлар хонасидан чиқишлари биланоқ, доктор Беловни беморлар ўраб олишди, ҳаммаларининг саволлари бир хил эди:

— Уйга қачон кетаман? Қачон жўнатасиз?

— Жўнатамиз, ҳаммангизни жўнатамиз. Бирма-бир. Бугун Кузеева кетади.

— Дастлабки вақтда ичиб юриш учун менга дори берасизми?

— Берамиз, берамиз. Тушликдан кейин ҳамма нарса тўғрисида бафуржа гаплашиб оламиз.

* * *

Алкоголизм ва алкоголь психозлари клиникасини неча-неча йилдан бери бошқариб келаётган профессор Ма-

¹ Грек мифологиясида Орфей — уйқу худоси; Цицерон — римлик машҳур ноғиқ.

рия Павловна Смирнова доктор Беловда ҳурмат-эҳтиром ҳиссини уйғотар эди.

— Ақл жиҳатидан олганда, — деб ҳазил қиларди, Вячеслав Сергеевич, — бўлимимизда мен ўзимни фақат Мария Павловна билангина ёнма-ён қўйишим мумкин!

— Ўзингни жуда катта оларкансан, — деб кулишар эди, ҳамкорлари.

— Бу гапим раҳбар опанинг фойдасига. Кунлардан бир кун Италияда ҳайкалтарошлар конкурси бўлибди. Қадимги Ренессанс замонларида. Ушандаги иштирокчиларнинг ҳар қайсисидан: «Қимнинг асари ҳаммадан яхшироқ», — деб сўраб чиқишибди. «Меники» деб жавоб берибди ҳар ким. «Иккинчи ўринда-чи? — «Иккинчидами? — дермиш ҳар ким ҳам чайналиб, — иккинчи ўринда албатта, Микеланжело асари-да...».

Мария Павловна деярли ҳамиша ўзини босиқ тутар ва жонкуярлик қилиб юрарди. Ўз ишларининг майда-чуйда томонларига ҳам жуда кўп эътибор берсада, буни шогирдларидан ҳеч қачон талаб қилмасди. Ходимларни у эркалатар, чамаси, илмий ишда муваффақият қозониш учун фалонча соат қимирламай ўтириш шарт эмаслигини тушуниб, иш графиги хусусида уларни деярли эркин қўйиб қўяр, ҳар бири билан кўп овора бўлар ва уларни бирма-бир кандидат қилиб етиштириб чиқарар эди. Бир диссертациядан кейин иккинчиси тайёр бўлиб турарди. Зиёфат устига зиёфат. Ёқлаш пайтида Вячеслав Сергеевич вақтини аяб, одатда, кўринмас эди-ю, лекин зиёфатга ҳамиша бажону-дил борарди.

— Профессор Смирнова — кадрлар етиштиришга жуда уста, — деб қадаҳ кўтарарди, клиника муваффақиятлари учун. — Жуда ажойиб раҳбарингиз бор, дўстлар!

Табийки, бу нарса Мария Павловнанинг бир қадар гашига тегарди:

— Ростданми, хўпам гапирасизда, доктор Белов.

Смирнованинг ҳар ёқлардан ўзига ўриндошлик ишла-

ри ва консултациялар олавермаслиги Вячеслав Сергеевичга ёқар эди. Смирнова осойишталик билан, камтарона ва мароқли ҳаёт кечирарди.

Профессор деган ном ўз манфаатини кўзлаб яшовчи тор фикрли кишини маҳлиё қилиб қўяди. Бундай одам ўзини ёки қариндошини профессор, жуда бўлмаганда фан кандидати кўриб қўйса бўлгани деб, ҳақ тўлашга тайёр туради. Диссертациялар аксари жуда тор мавзу юзасидан ёзилишини, медицина фанлари докторининг баъзиларига қараганда, одатдаги практик врач кўпинча анча афзал бўлиб, беморнинг дардига шифо топиб бера олишини медицина ҳамда илму-фандан узоқ кишининг тушуниши қийин.

— Профессордан илм олиш керак, даволанишга келганда эса, врачга борган маъқул, — деб такрорлашни яхши кўрар эди, Вячеслав Сергеевич.

— Эээ, Слава, қуйсангчи бунақа панд-ўғитларингни! — деб тескари қарашар эди, институт ходимлари. — Сиздақанги практик врачлар азалдан-абад бизларни — институт ходимларини бекор кишилар деб қийислар. Биз ҳам унча-мунча иш қиламиз.

— Диссертацияларни.

— Ҳа диссертацияларни!

— Буларингизни, ўшанга ўхшаган мавзуда ишлаётган одамлардан бошқа кейин ҳеч ким ўқимайди.

— Ҳамма эски бўйдоқлар сингари қўрс одамсан, сен Слава. Эркак кишининг уйланмай юриши — табиатга тескари.

Ҳар қандай бўлганда ҳам, беморларнинг албатта профессордан маслаҳат олишга ўч бўлишини назарда тутилса, Мария Павловна қисқа муддат ичида жуда бадавлат одам бўлиб қолиши мумкин эди. Лекин у фақат планда кўрсатилган беморларнигина кўриб, маслаҳат берар, шунда ҳам, равшанки, уларни тамомила бегараз кўрар эди. У пул кетига тушиб кетмаганлиги вазидан ҳаётини ёрқин ва тўлиқ қилиб ўтказиш учун унда етар-

ли бўш вақт қолар эди. Профессор Смирнова ҳар отпус-
касини узоқ сафарларда, кўпинча чет элларда ўтка-
зарди.

— Егани ўзига юқмайди! — истеҳзо билан деди бир
кун доктор Белов, Мария Павловнани ёқтиришига қара-
масдан.

Лекин ноҳақ эканини тез орада тушуниб қолди. Чет
элга қилган навбатдаги сафаридан профессор Смирнова
ўзига уччига чиққан модадаги латта-путта ёки шунга
ўхшаган бирор нарса келтиргани йўқ. Олиб келган нар-
сасининг ҳаммаси санъатга тааллуқли, жуда ажойиб
қимматбаҳо китоблар бўлди, бу китобларни у кўриб чи-
қиш учун ходимларга жон-жон деб бериб турарди. Уша
кунининг ўзидаёқ кабинетининг деворларида Боттичел-
ли, Эль Греко, Сезанн қўли билан чизилган расмларнинг
нусхалари пайдо бўлдики, булар ўзининг аниқлиги би-
лан кишини ҳайрон қолдирарди.

«Йўқ, — деб ўйларди Вячеслав Сергеевич — раҳбар
опа осмондаги юлдузга интилмайди, албатта, уни ўқи-
мишли нозик одам деб бўлмайди, лекин ўз соҳасини би-
лади, бунинг устига, қаранг, сураткашликка ҳам қизи-
қади-я... Муҳими, ҳаётдаги ҳамма нарсани ўзи, ўз куч-
қуввати билан қўлга киритган. Санитаркаликдан то
медицина фанлари докторигача бўлган йўлни босиб ўт-
ган-а. Энг юксак фазилат эмасми, бу? Ақли ҳам жуда
тиники, ҳар қандай муаммони дарров белидан олади, ҳо-
дисани бошдан-оёқ ва ҳамма икир-чикирлари билан бир
боғланган ҳолда олиб қарайди!»

Бугун кичик илмий ходим Нина Пантелеймоновна
(отасининг исми узундан-узоқ бўлгани учун уни деярли
ҳамма шунчаки Ниночка деб атар эди) алкоғолизм ва
алкоғоль психозлари клиникаси учун анча типик бўлган
беморни, ичкилик касалига мубтало бўлиб, васвасага
тушиб қолган аёлни намоийш қилади.

... Н. деган аёл. «Сабзавот-мевалар» магазинларидан
бирининг сотувчиси, бир неча йил илгари бева қолган.

Кўп йиллардан бери ҳеч ёнидан айрилмай, жуда яхши кўриб яшаган эридан жудо бўлганидан кейин аламидан ичадиган бўлиб қолган. Ичкиликка ружу қўйиб қолганини алоҳида турадиган катта қизидан бутун жон-жаҳди билан яшириб юрган. Неча-неча ойлардан бери ётишдан олдин ҳар куни чоракта ичадиган бўлиб қолган. Жуда безовталаниб, кўзлари бежо бўлиб турган ҳолатда психиатрия касалхонасига келган. Ҳеч тиниб-тинчимас эди. Кўнглини ваҳима босган. Эртасига у кечаси билан «мана шу ерда (палата эшигидан коридорга ишора қилиб) музлаган олма сотиб чиқдим», деб врачга айтган. «Қоплардаги олмалар шунақанги музлаб қолибдики, уларни бир-биридан ажратиб оламан деб бутун қўлларимни ишдан чиқардим, — деб нолир эди бемор аёл, — роса чарчадим, овқатланишга бормоқчи эдим, лекин навбатда турган бир кампир уни кетказманглар деб қичқира бошлади. Навбатда турган кишилар мени боғлаб қўйишиб, олмани ўзлари тортиб ола бошлашди, пулини пештахтага қўйиб кетаверишди...». Бу аёлнинг кўзига дастлабки уч кеча мобайнида тахминан худди шундай манзаралар кўринаверди. Кейин аёл тузала бошлади. Энди ичкиликни батамом тарк этаман, деб ишонтиради доим.

Нина Пантелеймоновна касаллик тарихини батафсил гапириб берди. Сўнгра бояги аёлни чақиритиб, у билан суҳбатлашиб кўришди, синчиклаб унинг аҳволига баҳо беришганларидан сўнг, уни палатага олиб бориб қўйишди. Нина Пантелеймоновна беморнинг аҳволи тўғрисида ўз мулоҳазаларини айтиб берди. Бу мулоҳазалар институтларда ишлайдиган психиатрларнинг фикрларида кўп бўлганидек, бирмунча тумтароқли шаклга кирган эди. Эмишки, бу жуда мушкул бир ҳодисаманш, бир томондан, алкоголь таъсиридан баттар зўрайган бош мия томирлари касаллиги бор беморда галлюцинациялардан келиб чиқадиغان гангиш ҳолатини ва, иккинчи томондан, атеросклероз ҳамда гипертония касаллиги устига хроник

алкоголизмга мубтало бўлган бемор кишида бўладиган ацетальдегид делирийси, яъни васваса билан ўтадиган ичкилик касаллини тафовут қилиш керак эмиш. Равшанки, чаман қилинган биринчи гумонни гўё тўла ишонч билан инкор этиш мумкин эмас эмиш-у, лекин анамнез, касалликнинг ўтиши ва клиник манзараси ҳамда ўткир психотик ҳолатдан чиқиш характерини ҳисобга олиб, иккинчи тахминни қувватлаш учун кўпроқ далиллар бор деб айтиш ҳам мумкин эмиш...

Докладчидан кейин илмий ходимлар ва врачлар навбати билан ўз фикрларини айта бошлашди (профессор Смирнованинг қўл ишорасига қараб). Кўпчилик: «Мен гапни жуда қисқа қиламан» деган муқаддас жумла билан сўз бошлар эди. Шу сўзлардан кейин сафсата сотишни бир кўрсангиз, қуюлиб-қуюлиб келаётган бу гап-сўзлар кўпинча ниҳояси йўқдек бўлиб туюларди. Шунда Вячеслав Сергеевич шу консиллумга келгани учун ўзини сўкарди. «Гапга тушиб кетишди-ку! Бўлмасам-чи, сизда ҳар бирингизга саккизтадан касал, менда бўлса, бир ставка учун қирқтаси бор! Ўз фикрингни бир йўлга солиш наҳотки шу қадар қийин бўлса?!»

Ниҳоят, Вячеслав Сергеевичга ҳам навбат келиб етди. У ҳамниша фақат диагнозни айтиб, даволаш схемасини таклиф қиларди, холос. Мана шу лўндалик доктор Белов гўё касалликни таҳлил қилиб чиқа олмайди, диагностикада хато қилмаса ҳам, гапиришни билмайди ва гапира олмайди деган гап-сўзларга сабаб бўларди, ходимлар орасида.

Вячеслав Сергеевичдан кейин одатда бўлим бошлиғи ўз фикрини айтар, сўнг бурчак-бурчакда бўлаётган баҳсларга хотима беришга даъват этиб, айтилган ҳамма мулоҳазалар юзасидан Мария Павловна ўз ҳукминини чиқарарди.

Бу сафар унчалик ихтилофлар бўлгани йўқ. Психоз пайдо бўлишида алкоголь эксцесслари асосий ролни ўйнаган деган фикрга келишди. Бемор аёлнинг мушкул аҳ-

волдан эсон-омон чиқиб олганлиги, саломатлигига энди ҳеч нарса таҳдид солмаётганлиги, лекин унинг жуда ҳолсизланиб қолганлиги ҳеч кимда шак-шубҳа туғдирмас эди. Шунинг учун ҳам энди, психознинг ўзи барта-раф этилганидан кейин, умуман қувватловчи давога ўтиш зарур, шундан сўнг ичкиликка қарши алоҳида даво қилишни тавсия этиш мумкин.

Профессор Смирнова консилиум тамом бўлганлигини маълум қилди. Ҳамма эшикка интилди. Кабинетда биргина Нина Пантелеймоновна қолиб, Мария Павловна айтиб турган хулоса гапларни касаллик тарихига ёзар эди.

Вячеслав Сергеевич санитаркадан ординаторлар хонасига обижуш келтириб беришни илтимос қилди. Ҳамма журнал столчаси атрофига ўтириб, наридан бери бир стакандан чой ичди ва ўз ишига қараб кетди.

— Қани, Алексей Петрович, қулоғим сенда! Ширин сўзларнинг билан авраб, сеҳрлаб кўр-чи!

Алексей Петрович йўталиб олди ва лекция текстини ўқий бошлади.

* * *

Ичкиликвозларнинг ва ҳатто бўйида бўлиш олдидан бир марта ичкилик ичган одамларнинг болалари кўпинча ўлиб кетиши ёки касал бўлиб ўсишини халқ ота-оналарнинг ичиб юриши зурриётга ёмон таъсир қилишини олимлар исбот қилиб бермасларидан анча олдин ҳам ўз кузатувларидан билиб олган.

Қадимги юнон мифологияси оташ худоси Гефестнинг чўлоқлигини унинг кайф қилиб олган Зевс пушти-камаридан бўлганлигига йўяди. Диоген гўё бир куни бозорда мажруҳ бир ўсмирни кўриб қолиб: «Азизим! Отанг сени мастлик вақтида бунёдга келтирганга: ўхшайди!» деб қичқирганмиш, деган афсона бизнинг замонамизгача етиб келган.

Маст-аласт юрүвчи ота-оналарининг қусурлари учун айбсиз айбдор бўлиб, азобу-уқубатда қоладиган заиф болаларни «она сути билан ичкиликвоз бўлиб олган болалар», «якшанба болалари», «шўх зиёфат болалари» деб аташар эди. Турмушдаги бу кузатувларни кейинчалик олимлар ҳам тасдиқлаб беришди. Кўпчилик касалланд болаларнинг она пуштида пайдо бўлган куни байрам кунларига тахминан тўғри келиши аниқланди, маълумки, бундай кунлар, кўпинча қанчадан-қанча ичкилик ичиш билан ўтади.

1891 йили Штутгартда ичкиликвозлик ва алкоголизм тўғрисида китоб бостириб чиқарган немис врачлари К. Демме ўнта алкогольликнинг оиласига мансуб эллик еттита болани текшириб кўрилганида атиги ўнтаси соғ бўлиб чиқди; йигирма бештаси ёш гўдаклик пайтида ўлиб кетди, олтитасида бош мия истисқоси бор эди ва яна олтитасида идиотия, бештасида эпилепсия қайд қилинди, бештаси жисмоний ривожланишда анча орқада қолган эди деб ёзган. Ичкилик бир тасодиф билангина ичилмайдиган ёки мутлақо ичилмайдиган оилаларда болалар ўртасида касалланишни кўрсатувчи рақамлар анча паст бўлиб чиқди.

Шу хилдаги текширишларни сўнгги ўн йилликлар давомида талайгина олимлар ўтказиб кўришди. Уларнинг натижалари бир хил бўлиб чиқди.

Алкоголнинг эмбрион, она қорнидаги зурриёт ва болага кўрсатадиган заҳарли таъсирининг механизми мураккаб. Бу ўринда, биринчидан, спиртли ичимликларнинг эркак ва аёл жинсий ҳужайраларига бирдан таъсир қилиб, уларни заҳарлаб қўйишини (мастлик вақтида бўйида бўлиш), иккинчидан, оғир оёқли аёл ичкилик ичадиган бўлса, она қорнидаги эмбрион ёки болага заҳар тегишини, учинчидан, хроник алкоголизмда жинсий безларга зарар етиб, нуқсонли сперматозоидлар ва тухум ҳужайралар ишланиб чиқишини тафовут қилиш керак. Ниҳоят, шу нарса ҳам катта роль ўйнайдигани, ичкилик-

воз ва алкоголикларнинг болалари, тамомила тушунарли сабабларга кўра, росмана оилалардаги болаларга қараганда анча ёмон моддий шароитларда яшашади. Ҳар қандай ҳолда ҳам бола саломатлигига путур етади.

Алкоголик эркакларда уруғ каналчаларининг атрофияга учраганлиги (ўлиб кетганлиги) топилади, сперматогенез (сперматозоидларнинг ривожланиши)нинг сустлиги ёки бутунлай тўхтаб қолганлиги аён бўлади. Бундай эркакларнинг жинсий ҳужайралари атрофияга учраб, кичиклашиб кетади. Алкоголикларнинг уруғ суюқлиги микроскопда текшириб кўриладиган бўлса, унда бир талай (80 процентгача) сперматозоидларнинг ҳаракатсиз бўлиб қолганлиги, кўпгина сперматозоидларнинг бошчаси, бўйни, думи айнаб, майиб бўлиб қолганлиги топилади. Одам ичкиликка нечоғлик кўпроқ ружу қўйган бўлса, бу ўзгаришлар шунчалик кўпроқ ифодаланган бўлади.

Тухумдонлар (аёлларнинг жинсий безлари) алкоголни суинистёмол қилиш натижасида жуда айнаб, тўқимаси ўлиб кетади ва ёғ тўқимаси билан аста-секин алмашинади. Ичкиликка жуда муккасидан кетиш аёлнинг вақтидан илгари сўлишига (климаксга) олиб келади.

Ота-оналарнинг «алкоголь стажи» қанчалик катта бўлса, ичкиликвоз ва алкоголикларнинг болалари орасида жисмоний ва ақлий жиҳатдан орқада қолиш, шунингдек турли касалликлар билан тез-тез ва қаттиқ оғриб туриш ҳодисалари шунчалик кўпроқ бўлиши исбот этилган. Олимларнинг одам ичкиликни ташлаб, уч-тўрт йил ичмасдан юрса мушкулликдан халос бўлади, деган гаплари кўнгилда умид уйғотади. Ота-оналари кўп йилдан бери ичмай қўйганидан кейин пушти-камарида пайдо бўлган ва туғилган болалар, худди соғлом нормал оилалардаги каби, ўсиб-униб боради.

Борди-ю, ота-оналар барча панд-насиҳат ва писандаларга қарамай, ичкиликни суинистёмол қилишни давом эттираверадиган бўлишса, уларнинг болалари туғилганидаёқ вазни ва бўйи жиҳатидан олганда росмана оила-

лардаги чақалоқларга қараганда ўрта ҳисобда 20 процент орқада бўлади. Ичкиликвозларнинг болалари кейинчалик мажмағил ва руҳий жиҳатдан норасо бўлиб ўсади, кўпчилиги ҳар хил касалликларга мубтало бўлади. Ичкиликвозлик охир бориб, баъзи олимларнинг айтишига қараганда, тўртинчи бўғиндаёқ насл-насабнинг тамомила қирилиб кетишига олиб келади.

Спиртли ичимликларга одатдан ташқари ружу қўйиш ёлғиз жинсий безларнинг ўзинигина эмас, балки барча ташқи ва ички секреция безлари фаоллигининг издан чиқишига олиб келади, деб таъкидлаб ўтиш ўринлидир. Айни вақтда, одамнинг бутун қиёфаси ўзгариб кетади. Эркакларда мускул кучи жуда камайиб қолади. Баъзи потатор¹ эркаклар ёғ босиб, феминизацияланади, яъни жинси нотайин, хотинсифат одамга айланиб қолади. Уларнинг баданида бир талай ёғ тўпланганлиги туфайли сут безларига ўхшаган нарса пайдо бўлади. Сонлари, думбалари соҳасида ҳам аёллардагига хос тарзда ёғ тўпланади. Бошқа алкогольликлар эса, аксинча, озиб-тўзиб чўп-устухон бўлиб кетади, қовидаги жунлари тушиб, кўпинча сочи ҳам тўкилади ва кал бўлиб қолади.

Суинстеъмол қилинаверадиган бўлса, ичкилик аёл киши организмни ҳам соғ қўймайди. Лекцияларимиз планида шу мавзуда алоҳида суҳбат ўтказиш мўлжалланган. Умид қиламанки, бугунги тингловчилар орасидаги аҳли нафосат бир ҳафтадан кейин, келгуси чоршанба кuni худди шу ерда, ЗАГСда атайлаб аёллар учун ўқиладиган яна иккита лекцияга ҳам қизиқиш изҳор қилар.

Шундай қилиб, қадрли дўстлар, қонуний равишда никоҳланишингиз билан мен сизни табриклайман ва гигиеник характердаги лекцияларимиз циклини шу қадар қайғули, кўнгилни ғаш қиладиган мавзудан бошлаётганимиз учун узр сўрайман. Оилавий ҳаётингиз доим шодхуррам ва беғубор бўлсин.

¹ Потатор — алкогольлик, ичкиликвоз.

— Хўш, қалай, — деб сўради Алексей Петрович, майда қилиб ёзилган қоғоз варақларини йиғиштириб туриб.

— Менимча ҳаммаси жойида. Фақат врачлар амалиётидан икки-уч мисол қўшиш керакмикин... Лекин бу — суҳбатни жуда чўзиб юборади-да.

— Ҳа, вақтим жуда қисқа, — ахир кетма-кет икки киши — врач билан педагог сўзга чиқади-да. Еш келин-куёвларни чарчатиб қўйиш ҳам ярамайди.

— Гапинг рост, бундай қилиш ярамайди. Менга қара, Алёша, ичкиликвоз ва алкогольларнинг хотинлари тез-тез аборт қилдиришга мажбур бўлишини суҳбатда балки эслатиб ўтиш керакдир? Эрлари доим рюмкадан нўш қилиб турадиган оилаларда аёллар улушига тўғри келадиган ўртача абортлар сони шу одатдан холи оилалардагига қараганда икки ярим баравар кўпроқ бўлиши тўғрисида бир журналдаги мақола кўзимга чалинган эди. Афтидан, бу ерда гап, биринчидан, кўпгина аёлларнинг ичкиликвоз эрлардан бола туғишни истамасликларида бўлса керак. Иккинчидан, потатор-эрлар ўз хотинларининг саломатлиги тўғрисида қайғуришмайди, ўзларини палапартиш тутиб, бўйида бўлишдан сақлайдиган воситалардан фойдаланишмайди, шунинг учун баъзи аёллар абортхоналарнинг доимий мижози бўлиб қолишади. Натижада гинекологик касалликларга, кўпинча эса бепуштликка гирифтор бўладилар.

— Шу мақолани қайси журналда кўрганингни эслаб кўр-чи, Слава.

— Назаримда «Здравоохранение Российской Федерации». Тахминан 1969 йилги сони. Муаллифи Кузьминмиди ё Кузнецовмиди... Йўқ, Кузнецовнинг ўзи.

— Шу сафарги лекцияда мен бу тўғрида ҳар қалай гапирмайман. Бунинг келгуси лекцияларимизнинг бирида айтиб ўтса яхшироқ бўлади. — «Ичкилик ва онладаги ўзаро муносабатлар» мавзуида.

— Ҳа, гапинг рост. Хўп, муваффақият тилайман сенга, Алексей Петрович. Машқ қилиб кўрдинг — энди бас.

Мен обходга боришим керак. Сен ўз загсингга борасанми?

— Ярим соатдан кейин жўнайман. Хатга қарамасдан, бемалол гапирадиган бўлишим учун унгача яна икки марта ўқиб чиқаман. Лекторнинг ҳадеб конспектга қарайверишини тингловчилар ёқтиришмайди.

— Хайр, омадингни берсин, Алёша. Мен касалларнинг олдига кетдим. Психиатрнинг ўрни — психиатрия касалхонасининг палатасида!

— Э, ҳеч ҳазилни қўймайсан-да, Славка!

Вячеслав Сергеевич обходни бешинчи палатадан бошлади, бу палатада даво курсини тугатиб, энди касалхонадан чиқиб кетишга тайёрланаётган аёллар ётар эди. Вячеслав Сергеевич уларнинг ҳар бири билан қисқа суҳбат қилиб, келгусидаги режаларини суриштириб кўрди, маслаҳатлар ва медицинага тааллуқли йўл-йўриқлар берди.

Қатор-қатор инсонлар тақдири унинг кўз ўнгидан кетма-кет ўтар эди. Бемор аёллардан ҳар бирининг ҳаёти ҳар турли йўсинда ўтган, улар турли йўллар билан бу хавfli одатга ўрганиб қолган эди. Мана бу—вақтидан илгари кексайиб бўлган Зоя Федоровна Глебова. Чехрасига қаралса, илгари гўзал бўлганлигини ҳали ҳам пайқаш мумкин. «Гўзал бўлганингдан кўра, бахтли бўл деган гап рост, чиндан ҳам»,— деб ўйлади Вячеслав Сергеевич у билан суҳбат қилар экан.

Бундан саккиз йилча илгари кўчада тасодифий бир учрашув бўлиб қолмаганда Зоя Федоровнанинг ҳаёти, балки, бошқача бўлармиди...

— Яхши қиз! Кечирасиз! Мен рассомман. Портретингизни чизишим учун олдимда тура олмайсизми? Қадди-қоматингиз жуда келишган экан. Сизга ўхшаган қизлар, ростини айтсам, фақат Гавайи оролларида учрайди...

Нотаниш бир йигит бир талай одамлар юрган кўчанинг қоқ ўртасида уни тўхтатгани Зояга ноқулай бўлди.

Лекин бу бегона одам ўзини жуда одобли тутар, энг кейинги модага яраша кийинган, интеллигентларга ўхшаб ва ибо билан гапирар эди. Бунинг устига Зоянинг қиёфаси тўғрисида рассом кишининг шундай деб гапириши ҳам унинг кўнглига ёқиб тушди. Рассом аҳли асл гўзаллик нима эканлигини яхши билади-да! Сураткаш одам билан танишиб олиш ҳам қизиқ. Кўрғазмага портрети қўйиб қўйиладиган бўлса, дугоналарининг роса ичи куяди-да.

— Мен жуда бандман — деб чайналди, журъатсизлик билан Зоя, — битириш синфидаман. Яқинда имтиҳонлар бошланади.

— О! Вақтида дам олиб, вақтида меҳнат қилишни билиш керак. Мен кўп вақтингизни ҳам олмайман.

— Хўп, майли.

Зоя адресни ёзиб олди.

Онасига Зоя дугонамникига бориб келаман деб айтди: эртага бўладиган дарсларни унутиб қўйган эмиш. Лекин ўзи, мен Эдикман деб айтган янги танишиникига қараб йўл олди.

Устахонада бўёқ ва локларнинг хушбўй ҳиди ифор сочиб турарди. Ҳамма нарсанинг атайлаб бепарво ташлаб қўйилгани сезилар эди, лекин Зоя бу зўрма-зўракиликни сезмади. Диван ёнида кичкина столча, унда оғзи очилаб, ичидагиси сал паст тушиб қолган шиша ва дехқонча сопол идишга солиб қўйилган қимматбаҳо конфет. Эски самоварлар, рангдор ва ўйма урчуқлар, ўймакор ёғоч туздонлар девордаги қатор тоқчаларга териб қўйилган. Бир бурчакда тол новдаларидан тўқилган ҳар хил шаклдаги саватлар тўдалашиб ётибди.

Кўзга нотаниш мана шу чиройли буюмларнинг ҳаммасини Зоя ошқора мароқ билан кўздан кечирар эди. Очиқ рангли гул солиб тикилган сочиқ унга айниқса ёқиб қолди. Социқнинг учларида қизил иплар билан тикилган катта-катта ҳаёлий қушлар, от устида кетаётган чавандозлар ва қуёшга томон қўл чўзиб турган аёл киши

қаддига сал-пал ўхшаб кетадиган дарахт нухаси бор эди.

— Бу бизнинг замонамизгача яшаб келган қадимий афсоналар... Мажусийлар замонининг акс садоси, — деб изоҳ берган бўлди, Эдик.

— Ҳаа...

— Э, ўтирсангиз-чи, Зоинька! Бир рюмкадан ичамиз. Шу шиша уч кундан бери турибди, ичиб қўйишга ҳеч вақт йўқ.

— Мен ичмайман. Портретни қачон бошлайсиз?

— О! Тасаввурни бўғмаслик учун суратингизни миямдан чиқариб, ёдакасига чизмоқчиман, — деб жавоб берди Эдик, стол яқинига келиб ўтирар ва рюмкаларга вино қуяр экан. — Сизнинг тўғрингизда кўпроқ нарсаларни билиб олиш, образни ҳис қилишни истардим. Келинг, гаплашиб ўтирамыз. Винодан кейин одам эркинроқ бўлиб қолади... Жиндаккина ичиб олинг.

Зоя шу ўн етти ёшига тўлгунча бирон марта ҳам ичкилик ичиб кўрмаган эди. У энди винодан узил-кесил бош тортмоқчи бўлиб турган эди-ю, лекин устахонанинг барча ашё-жиҳозлари жуда рағбат уйғотиб, унинг эгаси шу қадар келишимли ва ишонса бўладиган бўлиб кўрингани учун Зоя ўз ихтиёридан ташқари рюмкани олиб, ичиб юборди.

Эдик қизиқ воқеаларни гапириб берди, кейин шеър ўқий бошлади. Северянин сатрлари Зоянинг эсига тушди:

Висол видо бирлан бақамти яшар
Севгини сўндирмоқ учун севишар¹.

Бу орада Эдик Зоя рюмкасига вино қуйиб қўйишни унутмас ва Зоя ўзи ҳам сезмасдан, рюмкани кетма-кет ичиб турар эди. Боши айланди. Атрофдаги нарсаларнинг

¹ Шеърларни Саъдулла Аҳмад таржима қилган.

хаммаси бошқача бир кўринишга кириб, Зоя одатдан ташқари, афсонавий жаҳонга бориб қолгандек бўлди. Шунда тўсатдан Эдик унинг қўлини ушлаб ва кўзларига тик қараб туриб: «Зоя! Мен сизни бир кўришда севиб қолдим!» деб айтганида у ҳеч ҳайрон бўлгани йўқ, гўё худди шуни кутиб тургандек, бошқача бўлиши мумкин эмасдек бўлиб кўринар эди.

Унинг Эдик билан алоқаси бир неча ой давом этди. Шу давр ичида Эдик ичкиликни ҳеч аямади. Кейин у Зоядан кўнгли совуганини айтди. Қиз биринчи муҳаббатининг хазон бўлганидан қайғуга тушган кезларида тарки одат қила олмай, вақти-вақти билан ўзи вино сотиб ола бошлади. Энди у бирлашиб улфатчилик қилса бўладиган дўстларни топар эди. Қайф устида тасодифий учрашувлар унга осон бўларди. Зояда биронта ҳам ҳақиқий дўст йўқ эди.

Олдинга у ҳали ўзини турмуш талаблари даражасида ушлаб турди. Институтга кирди. Учинчи курсгача ўқиб борди. Лекин ичкиликка ўрганиб қолганлиги ўз ишини қилди. Ўзлаштира олмаганлиги учун институтдан ҳайдалди. Сотувчи бўлиб ишга кирди. Ичкиликка бўлган майл тобора кучайиб борди. Ичиб олганидан кейин Зоя тақдирдан нолийдиган, Эдикни эсга оладиган, «фожиали» муҳаббати тўғрисида улфатларига жон-жон деб гапириб берадиган бўлди. Аввалги дугоналари бирин-кетин турмушга чиқиб кетишди, болали бўлиб қолишди. Улар билан учрашиб қолганида Зоянинг ичи ҳасадга тўлар эди. Шунда у ҳар сафар винодан тасалли топишга уринди. У арақ ичмас ва арақ ичадиган ичкиликвозларга паст назар билан қарар эди. «Мен алкоголик эмасман-ку!» — деб айтарди, у гурур билан, лекин ўзи энди кунига уч шишагача вино ича олар эди.

Худди мана шундай аҳволда даволаниш учун психиатрия касалхонасига тушди, Зоя. Ҳамма нарсадан жудо бўлиб, на оила, на илму ҳунарга эга бўла олмаган, тубанликка юз тутиб, сўлиб қолган гўзал.

* * *

Вячеслав Сергеевич обходни тамом қилганидан кейин касаллик варақасини тўлдириб, буюриладиган давони ёзиб қўйиш учун янги келган бояги касал қизни кабинетга чақирди.

Кабинетда субҳат ҳар қачонгидек, турмуш ва касаллик тарихидан бошланди. Танянинг уруғ-аймоғида қандай бўлмасин бирор руҳий касаллик билан оғриган одамлар, хроник алкоголизм деган нарса йўқ эди. У яхши ўсиб-униб борди, ўз тенгқурларидан ҳеч бир ажралиб турмас эди. Отаси оғир жигар касаллигидан ўлганида Таня ҳали ўн тўртга ҳам кирмаган эди. Отасининг ўлими қизчанинг бутун ҳаётини остин-устун қилиб юборди.

Танянинг онаси, ҳали жуда ёш жувон бўлганидан, ўзига эр топиб, янги оила қуришга жон-жаҳди билан ҳаракат қилди. Қизини қишлоқдаги бувисиникига жўнатди ва унинг тўғрисида энди ҳеч қайғурмай қўйди. Қизча онасининг шу тариқа совиб қолганидан қаттиқ сиқилар, уйига қайтишни орзу қиларди, аммо бу тўғрида ҳеч кимга оғиз очмай, дардини ичига ютарди.

Тез орада онаси турмушга чиқиб, Таняни бутунлай ўз ҳолига ташлаб қўйди. Лекин, бир йилга етмасданоқ, онаси кейинги эри билан ажраллишди. Отпускага чиққанида Таня яшаб турган қишлоққа келди. У ердан қайтишга тарадуд кўраётганида Таня чидаб тура олмади ва мен ҳам бирга кетаман деб, кўзида ёши билан ялинб-ёлворди. Шундай қилиб, у яна Москвага келиб қолди.

Онаси тез-тез командировкаларга кетиб қолар эди. Ўн беш ёшли Таня икки ҳафталаб уйда ёлғиз қолиб кетарди. Унинг уйида алламаҳалларгача ўтиравериш, кўнгил истаса ётиб ҳам қолавериш мумкин бўлгани учун ўзидан кўра бирмунча каттароқ ёшга кирган ва хулқ-атвори-ю, одоби кўнгилдагидан кўра анча пастда бўлган

дугоналари Танияга парвона бўла бошлашди. Улар ўн тўққиз ёшли йигитлар билан уникига меҳмон бўлиб келар, вино келтириб қуйишар, чекишиб, рақсга тушишарди.

«Катта бўлиб қолган» дугоналарининг илтифот кўрсатиши, йигитларнинг хушомад қилиши Танияга ёқиб тушарди. У янги дўстларининг аслида нима сабабдан унга ғамхўр бўлиб қолишганини тушунмас, кап-каттакон бўлиб қолдим деб ҳисоблаб, ўзини шунга яраша тутишга ҳаракат қилар эди. Мустақиллик, етуклик деган тушунчанинг ўзи эса одобсиз хатти-ҳаракатлар қилиш, ичкилик ичиш, чекиш, ўйнашиш билан бирдек бўлиб қолди унга аста-секин.

Онаси келар олдида Тания уйни тартибга келтириб, қувноқ ўтган оқшомларнинг изини яширмоқ учун хонани шамоллатар эди. Лекин бир кун онаси айтганидан бир кун илгари қайтиб келиб қолди ва уйда йвирсиқлик билан тартибсизликни, столдаги ликобчада ётган бир тўда сигарет қолдиқларини, ошхонада қатор турган бўш шишаларни кўрди. Кўрди-ю, эсанкираб қолди. Ўзига келганидан кейин Танияни койиб, обидийда қилди, у йили, бу йили кийгулик биронта ҳам янги нарса олиб бермайман, деб пўписа қилди. Тарбия ишлари шу билан одоғига етди. Кўп ўтмай онаси яна командировкага жўнади, Тания ёнига бўлса ёши бир жойга бориб қолган таниш ва нотаниш мулла бекорлар яна кела бошлашди.

Бир кун унинг олдига дугоналари билан бирга қўшилиб, ўн тўққиз ёшлардаги новчагина хушчақчақ бир йигит келди. Ўзини Сергей Плотниковман деб айтди. Сергей армия хизматидан озод қилинган экан: ҳарбий комиссариатдаги медицина комиссияси унга психопатия деган диагноз қўйибди. У доим иш жойини ўзгартирар, ҳеч ерда узоқроқ туриб қололмас, лекин бунга одатдан ташқари енгилтаклик билан қарар, ҳатто ўзининг шунақа қўнимсизлиги билан мақтанмоқчи ҳам бўлар эди. Сергейнинг шилқимлиги ва сергаплиги Танияга хуш ке-

лар эди. Унинг юриш-туриши, кийинишида «одамларнинг назарини қаратиш»га мўлжалланган, яққол кўзга ташланадиган нарсалар кўп эди. Лекин худди мана шу яққоллик Таяни ўзига ром қиларди. Шундай қилиб, Тая Сергейга ҳавас қўйиб қолди ва уни умрбод севиб қолдим деб ўйлади. Сергей эса маънавий поклиги жиҳатидан ажралиб турмайдиган ва тўғри келган киши билан муносабатда бўлишдан қайтмайдиган одам бўлгани учун ўзига Таянинг алоҳида аҳамият бериб қараётганини сезиши билан сениз яшай олмайман, деб уни ишонтира бошлади. Шундай қилиб, Тая мана шу тентак билан барвақт пинҳона алоқа қилишга бошлади. Ўз хушторининг бутун юриш-туриш тарзини тақлид қилса бўладиган намуна деб билди.

Тая кўнгли айнаётганини яшириб туриб, ароқни худди Сергей сингари шмириб ичадиган бўлиб қолди. Бориб-бориб у шу ароққа ҳирс қўйиб қолди. Сергей ўғрилиқ қилгани учун қўлга тушиб, суд уни икки йил қамоққа кесиб юборганида Тая, ўзини ишонтириб айтганидек, алаmidан ичаверди.

Энди Тая ўз турмуш тарзини онасидан яширмас, гарчи ҳар қанча истагани билан ҳам буни яшира олмас эди. Панд-насиҳатлар ҳам, дўқ-пўписалар ҳам ҳеч бир кор қилмаслигини билганидан кейин онаси қизининг алкоғолизмдан даволанишга боришини талаб қила бошлади. Ахири бориб, шунга эришдики, Таяни нарқолоғия бўлимига юборишди.

Вячеслав Сергеевич мана шу узук-юлуқ қиссани тинглаб бўлганидан кейин касаллик варақасига ёзиб қўйди.

— Хўш, даволанишни, ҳаётни янгидан бошлашни ўзинг истайсанми?

— Нима учун? Мен мутлақо касал эмасман. Ҳамма баравар ичаман. Ҳаётимда ҳам ҳамма нарса ўз ўрнида. Мактабни ёмон тугатганим йўқ, университетга кирмоқчиман. Серёжа қайтиб келганидан кейин тўй қиламиз.

— Йўқ, унақа эмас, Танечка. Ўз саломатлигинг тўғрисида сен хато қилипсан. Сенда хроник алкоголизмнинг дастлабки белгилари ҳозирнинг ўзидаёқ томир ёйиб борапти. Ешлик вақтида алкоголизм жуда тез суръатлар билан авж олиб боради. Келажак тўғрисида ўйлаб кўр. Бу тўғрида сенга лекция ўқиб ўтириш учун менда бугун вақт йўқ. Мен ёшлар журнаlining бирига берадиган мақоламни тугатишим керак. Сен бориб қутичалар ясаб тур. Бизда буни меҳнат билан даволаш деб айтишади, касалларни андармон қилишга интиламиз. Сенга ўхшаган ёш ва жуда бақувват, бунинг устига маълумотли киши учун бу — тўғри келмайдиган иш. Лекин бизда меҳнат билан даволашни ҳар кимнинг ўзига қараб ўтказиш учун, афсус, ҳозирча имкон йўқ. Шунинг учун қутичалар ясаб тур-чи, мен мақолани кўчириб бўлишим билан ўқиб чиқиш учун бир нусхасини сенга бераман. Марҳамат, хатоларини тўғрилаб чиққин. Ўйлайманки, мана шунақа меҳнат билан даволаш сенга кўпроқ тўғри келар. Келишдикми!

— Яхши—, деб рози бўлди, Таня.

Вячеслав Сергеевич ординаторлар хонаси эшигини очиб, Таняни холлга чиқариб юборди, ўзи эса қайтиб, ёзув столи ёнига келиб ўтирди.

* * *

«Алкоголизмга гирифтор бўлган аёл кишини бирон марта бўлса ҳам кўрганмисиз? Кўрган бўлсангиз қиёфасини эсда яхши сақлаб қолган бўлсангиз керак. Кийим-кечаги исқирт. Сочлари тўзиган. Ўзи озиб, эти устихонига ёпишиб кетган. Қадди дуто. Юзи заҳил тортиб, керкиб туради, ажин бўлиб кетган; кўзининг пастки қовоқлари осилиб тушган. Қўллари титраб туради. Ҳаракатлари келишмаган, қўпол. Овози хириллаб чиқади...

Спиртли ичимликлар киши саломатлигини худди қуртдек кемириб, аёллик латофати деб аталадиган нарсани ҳам беному нишон йўқ қилиб юборади. Алкоголик

хотин — ёшининг тайини бўлмаган аёлдир. Бироқ, бу яхши маънодаги гап эмас. Унинг неча ёшга кирганлигини билиш қийин бўлади. Лекин ҳар қандай ҳолда ҳам унинг ҳақиқий ёши чехрасига қараб тахмин қилинадиган ёшдан кўра ўн ёш чамаси кам бўлиб чиқади. Алкоголь одамнинг вақтидан илгари қариб қолишига олиб келади.

Таассуфки, статистика сўнгги чорак аср мобайнида ичкиликвозлик билан алкоголизм аёллар орасида анча кўпайиб қолганлигидан дарак беради. Айниқса ривожланган мамлакатларда. Баъзи демографик группалар: ёшлар орасида, аёллар орасида спиртли ичимликларни сунистеъмол қилиш кўпайиб бораётгани ҳисобига алкоголизм бутун жаҳонда ўсиб бораёпти, деб айтиш ҳам мумкин. Алкоголизм ҳам «ёшариб», ҳам «аёл қиёфасига кириб» бормоқда.

Бир замонларда ичкиликвозлик ва алкоголизм фақат маълум бир тоифадаги аёллар орасида деярли учрар эди: кўпинча руҳий касалликларга учраган аёллар алкоголик бўлиб қолар, ҳалокат сари олиб борадиган бу одатнинг касбга алоқадорлиги сезилиб турар эди. Спиртли ичимликларни асосан, одамларга хизмат қилиб турадиган аёллар: официанткалар, меҳмонхона ва уй ходималари, сотувчи хотинлар сунистеъмол қилар эдилар. Лекин касб-корнинг шу алоқаси бизнинг замонда тобора сусайиб бормоқда. Ҳаддан ташқари кўп ичкилик ичишга эркаклар нималарни важ қилса, худди шу сабабларнинг ўзи биринчи ўринга чиқиб қолмоқда.

Эркаклар орасидаги алкоголизм билан аёллар орасидаги алкоголизм ўртасида мавжуд бўлган статистик «фарқ» анча камаймоқда. Ичиб юрадиган аёллар сонининг ичкиликвоз эркакларга нисбати ўтган асрда тахминан 1:10 ни ташкил этган бўлса, ҳозирги кунда бу нисбат тахминан 1:5,5 га тенг. Бу кўрсаткич турли мамлакатларда турлича рақамлар билан ифодаланади. Масалан, аёлларнинг ичкиликвозлик қилишини жамоатчилик

қаттиқ қоралайдиган Японияда алкоголик хотин-қизлар деярли йўқ. Лекин Англияда ҳар учта алкоголикнинг иккитаси эркак бўлса, биттаси ичкиликка ружу қўйган аёлдир. Эркаклар ва аёллар орасидаги алкоголизмнинг нисбати АҚШ да 6:1 га, ГФР да 10:1 га тенг.

Лекин Франциянинг баъзи шимолий вилоятларини олиб кўриладиган бўлса, аёллар ўртасида алкоголизм эркаклар ўртасидаги билан амалда бир хил.

Бизнинг мамлакатимизда ҳам ҳушёрхонага келиб турадиган «мижозлар» орасида аёллар пайдо бўлиб қолди. Аммо, ҳамма ерда эмас. Масалан, Ереванда эркаклар ҳушёрхоналари ҳам йўқ. Лекин, баъзи шаҳарларда, ҳаттоки, аёллар ҳушёрхоналарини ташкил этишга ҳам тўғри келиб қолди. Кўпгина психиатрия касалхоналарида эркак алкоголиклар даволанадиган бўлимлар билан бир қаторда худди шундай ишни олиб борувчи аёллар бўлими ҳам бор. Рост, умуман аёллар ўртасидаги ичкиликвозлик ва алкоголизм кўрсаткичлари Совет Иттифоқида кўпчилик капиталистик мамлакатлардагига қараганда анча паст. Чунончи, биздаги қишлоқ жойларида йигирматадан ортиқроқ алкоголик орасида фақат битта ичкиликвоз аёл чиқиб қолади. Урта Осие республикаларида эса аёллар ўртасидаги ичкиликвозлик ва алкоголизм бундан ҳам анча кам учрайдиган ҳодисадир. Буни асосан шу билан боғлаш мумкинки, Урта Осие республикалари территориясида ҳаддан ташқари кўп майхўрлик қилиш умуман ҳеч қачон одат бўлган эмас.

Шундай бўлса-да, бу жиҳатдан тамомила кўнгил тўқ деб айтолмаймиз, ҳозирча. Алкоголга қарши кураш стратегияси билан тактикаси ишлаб чиқилар экан, урушдан кейинги йилларда аёллар алкоголизмнинг нисбатан кўпайиб қолганлиги билан ҳисоблашишга мажбурмиз.

Хўш, сабаби нимада? Ҳойнаҳой аёл киши турмуши шароитлари тарзининг анча ўзгариб қолганлигида. Аёллар ўртасида ичкиликвозлик ва алкоголизмнинг кўпайиб қолганлиги — сўнгги ўн йилликларда қўлга киритилган

катта ютуқ деб шак-шубҳасиз ҳисобланиши керак бўлган хотин-қизлар озодлигининг ноҳўя ва қайғули оқиба-тидир, деб айтилса, балки, муболага бўлмас.

Аёл киши гражданлик ва иқтисод бобида мустақилликка эга бўлиб қолди. Маънавий жиҳатдан эркакка қарамлиги камайди. Қонунга кўра аёл киши ҳақ-ҳуқуқ жиҳатдан бизнинг мамлакатимизда эркак билан баб-баравар тенг. У эркак билан бир қаторда билим олиши мумкин. Мамлакатимизда олий маълумотли аёллар эркакларга қараганда ҳатто кўп. Хотин аксари ўз эри билан баравар, кўпинча эса ҳатто ундан кўра кўпроқ иш ҳақи олади.

Бироқ, аёл киши жамиятнинг анча актив аъзоси бўлиб қолгани учун, қизиқишларининг доираси кенгайиб, хилма-хил қобилиятлари билан истак-умидларини рўёбга чиқариш имкони вужудга келгани учун аҳли зеболарнинг ҳаёти анча сермазмун, шу билан бирга анча ташвишли бўлиб қолди. Жамият олдида улар кўпроқ масъулиятли бўлиб қолишди. Аёл киши гоҳида жуда жиддий, масъулиятли қарорлар қабул қилишга, ҳаттоки кўпгина одамларнинг тақдирини ҳал қилишга истаса-истамаса мажбур бўлиб қолади. Табиийки, баъзи оналаримиз, опа-сингилларимиз, рафиқаларимизнинг асабига кўпроқ зўр келадиган бўлиб қолди, шу билан бирга қаттиқ можаролар, ҳаддан ташқари чарчаш, тўғри турмуш маромидан четга чиқиш натижасида асабларнинг бузилишига олиб келиши мумкин бўлган ҳодисалар ҳам кўпайди.

Жинсларнинг тенг ҳуқуқлиги принципларини эркакларнинг ҳаммаси ҳам тўғри тушунишмайди. Баъзилар тенг ҳуқуқлилик фақат давлат иши, юмушигагина тааллуқли деб ҳисоблашади. Бундай эркакларнинг назарида, тенг ҳуқуқлилик тўғрисидаги қонунларнинг оилага алоқаси йўқ эмиш. Эмишки, оилада илгаригидек бошлиқ одам эркак киши, эр асосий ролни ўйнаши керакмиш.

Майли, эркак киши оилада бошлиқ бўлиб қолавер-

син, лекин яхши маънода айтганда, шундай бўлиб қолаверсин. Шу маънодаки, хотинга қараганда нагруканинг кўпроқ қисмини ўз устига оладиган бўлсин. Зеро, эркак билан аёлнинг тенглиги тўғрисида гапирилар экан, организмнинг тузилиши жиҳатидан ҳам, шахсиятининг структураси жиҳатидан ҳам аёл кишининг эркакдан анча фарқ қилишини унутмаслик керак. Аёл кишига тушадиган биологик нагрукка — болани қоринда олиб юриш, туғиш, эмизиш — ҳаддан ташқари зўр бўлади. Боз устига кундалик рўзгор юмушлари ҳам аёлнинг зиммасига тушади.

Социологларнинг аниқлаб берганига қараганда, ишловчи эркаклар ҳафтасига тахминан 17—20 соатни, аёллар эса 35—40 соатни уй-рўзгор ишларига, маиший корхоналарнинг хизматидан фойдаланиш ва ўз-ўзига хизмат қилишга сарфлайди¹. Шундай қилиб, аёл киши кўпинча иккита ишни «бирга олиб боради» — муассаса ёки корхонада хизмат вазибаларини бажаради ва уйда ҳар хил юмушларни қилиб боради.

Уруш йилларининг машаққатлари, урушдан кейинги тикланиш даврининг етишмовчиликлари ҳам аёллар учун асар қолдирмасдан ўтгани йўқ. Урушда неча юз минглаб оналар фарзандларидан, неча юз минглаб аёллар турмуш ўртоқларидан жудо бўлдилар. Талайгина аёллар оила қуришга муваффақ бўлмай ҳам қолдилар. Аёл киши анча нозикроқ бўлиб, психикаси гоҳо кўп чидам беролмаслиги билан ажралиб туради-ку, ахир. Шахсий кечинмалар ҳам аёл киши кўнглининг хотиржамлигига кўпроқ таъсир қилади.

Шуларнинг ҳаммаси бир бўлиб, шундай шароит яратдики, аёллар баъзан ичкиликни кундалик кескинликни юмшатадиган восита деб билиб, бир қадар кўпроқ спирт-

¹ Величко А., Подмарков В. Социолог на предприятии. М., «Московский рабочий», 1976, 146-бет.

ли ичимлик ичадиган бўлишди. Лекин аксари улар ичкилик кўпроқ расм бўлиб бораётгани туфайли майга қўл узатадилар.

Бу ўринда, чамаси, эркакларнинг бир қисми ҳуқуқ жиҳатдан аёлларнинг эркаклар билан тенглигини нотўғри тушуниб, аёл олдида гўзалликни ҳурмат қилиш ҳиссини йўқотиб қўяётганлиги, бунинг ўрнига эса аҳли латофатга нисбатан ғалати бир бетакаллуф муносабатда бўлаётганлиги ҳам роль ўйнайди. Шунинг натижасида «тенгма-тенг» ичилади. Баъзи аёлларнинг ўзи ҳам, тенглик деган гапни, афтидан, бошқача билиб олишган. Қизлар орасида чекиш билан, эркак билан баб-баравар ича олиш билан мақтанишдек ярамас одат кўриниб қолди.

Бундан ташқари, аёл киши ҳозирги кунда чиндан ҳам ҳар қачонгидан кўра эркакдан мустақил бўлгани билан аёлларни ичкиликка яқин қилишда «аҳли мардлар» ҳозир ҳам бир қадар биринчи бўлиб қолмоқда. Деярли, ҳар бир алкоголик-аёлнинг тақдирида аллақайси бир эркак ёки аллақайси бир эркаклар тўғридан-тўғри ёки билвосита йўл билан фожiali роль ўйнаган деб ишонч билан айтиш мумкин.

Аёллар орасида ичкиликвозлик ва алкоголизм кўпайиб қолганлигига биринчи бўлиб, табиийки, врачлар аҳамият беришди. Психиатр-наркологларининг махсус текширишларида бу масала кўпдан бери муҳокама қилинади. Лекин ҳозир бу муаммо журналистларнинг диққатини ҳам ўзига тортиб қолди. Масалан, «Литературная газета» да аёллар алкоголизи тўғрисида Л. Кузнецова томонидан тайёрланган материал пайдо бўлди (1976 йил, 31 мартдаги 13-сон).

Л. Кузнецова Москвадаги психиатрия касалхоналарининг биридаги аёллар алкоголь бўлимида бўлиб, жуда кичик, қизиқ бир текшириш ўтказди. Уша жойда даволанаётган аёллардан бир қанчасига нима сабабдан ичкиликвоз бўлиб қолганларини имзо қўймасдан туриб

ёзиб беришни таклиф этди. Шу имзосиз хатлардан бири мана:

«Эсимда бор, фақат шахсий кечинма рюмкага ундаган дастлабки туртки бўлди. Турмуш қурганимизнинг биринчи кунларидаёқ (мен фақат севганим учунгина эрга чиқмаган эдим — эримнинг маънавий хислатлари, билимларига қойил бўлиб, уни жуда ҳурмат қилар эдим) эрим мени «жуда келишмаган, одам уяладиган даражада ориқсан, қоқ суяксан», «қилтиллаб қолгансан» деб таъна қиладиган бўлиб қолди. Мен чиндан ҳам қоқ суяк-қоқ эт эдим, — май ичиб, этини устухонига ёпиштириб юборган-да, энди деб ўйламанг. Ҳам ишлаб, ҳам ўқир эдим, кийинишни, яхши кўринишни истардим, шунинг учун ҳам еб-ичиш ҳисобига кийим-кечак қилинар эди. Мен шу «қоқ суяксан» деган гапни ҳазм қилиб юбордим, эрим менинг «бошқача» эканимни ҳа деб эсимга солиб, жуда-жуда ҳоли-жонимга тегмаганида ҳамма нарсени унутиб юборишга тайёр ҳам эдим... Аламин зўрайиб, ич-ичимни кемириб борарди, аввалларига семириш, иштаҳа очиш учун эримнинг маслаҳати билан рюмкага қўл узатиб, шу аламдан чиқардим. Эримдан кўрқадиган бўлиб қолдим. У буни сезар эди, лекин унга шунақаси ёқар эди. Кўнглимнинг ич-ичида таҳқирланмасдан туриб севилиш иштиёқи пайдо бўлди. Фалакнинг гардишини қарангки, севги-муҳаббат, меҳрибонлик ва одамгарчилик изҳорини мен ўзимдан ўн ёш кичик бўлган, лекин қандоқ қилайки, умрбод алкоголик бўлиб қолган йигитдан топдим. У билан учрашиб қолган вақтимда мен ўзимни хроник касал деб айта олмас эдим. Лекин у мени тез орада «етилтириб» олди. Хизмат йўлида пастга қараб думалай бошладим — савдо соҳасида аппаратдаги маъмурий ходимдан магазинда сотувчи, кейин фаррош даражасигача тушдим. Уғирлик қиладиган бўлиб қолдим... Вино олиш учун узоққа боришнинг ҳожати йўқ: магазинда ишлайдиган бўлганингдан кейин, бас, қўлингни узатсанг — ичимлик тайёр...».

Имзо қўйилмасдан ёзилган мана шу кўнгил гаплари аёл кишининг рюмкага яқин бўлиб қолишида эркакнинг бошловчи бўлишини, баъзи касбдаги аёлларнинг (озик овқат магазинларининг сотувчилари, буфетчилар, официантларнинг) иш шaroитларида спиртли ичимликлар тайёр туришининг қандай аҳамияти борлигини, аёл нерв системаси анча нозик ва ожиз бўлганлиги сабабдан ичкиликка ўрганиб қолиши мумкинлигини бир қадар исбот этади.

Бироқ, мана шу умумий мулоҳазаларнинг ҳаммаси аёллар алкоголизми ўсаётганлигини тушунтириб берадиган қандай бўлмасин бирор қонуниятларни аниқлаб олиш нуқтаи назаридан қарагандагина диққатга сазовор ва аҳамиятли эканлигини унутмаслик керак. Ҳар бир конкрет ҳолда эса, гап одам шахсининг нотўғри ҳатти-ҳаракатлари, тарбия ишидаги камчиликлар, ўз-ўзини тарбиялашга рағбат йўқлиги тўғрисида бориши мумкин, шубҳасиз. Ичкиликвозни — у эркак бўладими ёки аёлми — оқлаб бўлмайди!

Рости ҳам шу-да. Неча юзлаб ва неча минглаб ми-соллар топиладики, бунда аёл кишининг қисматига жуда кучли, оғир кечинмалар тушса ҳам, ҳеч қачон ичкилик-возликка сабаб бўла олмайди.

Умумий қонуниятларни таҳлил қилиб чиқишга яна бир бор уриниб кўриладиган бўлса, ота-оналар ўртасидаги жанжалларни, ота ёки она йўқлигини ёки бутунлай етим қолганликни, оналарнинг болаларга совуқ муносабатда бўлганлиги, отанинг ичкиликвозлигини, боланинг асабий бўлганлиги, оғир касалликлар билан оғриганлигини аёл алкоголиклар орасида потатор-эркаклардагига қараганда анча кўп кўриш мумкин, деб айтиб ўтишга тўғри келади, ҳар қалай.

Чунончи, москвалик психиатр И. Г. Ураков ота-онаси бўлмай, болалар уйларида тарбияланганлар алкоголик аёллар орасида 13 процент, эркаклар орасида 6 процент топилади, онаси бўлмаганлар шунга яраша 22 ва

1 процентга боради, опаси болаларига совуқ муносибатда бўлганлар спиртли ичимликка ўрганиб қолганлар орасида 16 ва 4 процент учрайди деб айтиб ўтади.

И. Г. Ураков текшириб чиққан аёллар группасида алкоголизмдан олдин бирмунча кўпроқ ҳолларда руҳий травмалар бўлиб ўтган (яқин кишисининг ўлими, оиласидаги жанжаллар, қўйди-чиқдилар), эркаклар группасида эса микромуҳитнинг (улфат, бирга ишловчилар, қўшилларнинг) таъсири яққолроқ кўзга ташланади.

Аёллар эркакларга қараганда ичкиликни биринчи марта бирмунча кечроқ тотиб кўришди. Алкоголик аёлларнинг атиги 8 процентигина 15 ёшга тўлмасдан туриб, вино таъмини тотиб кўрган. Эркак-потаторлар орасида 15 ёшга тўлмасдан туриб, спиртли ичимликларни биринчи марта иўш қилиб кўрганлар сони 26 процентга боради.

Тасодифан ичишдан муттасил ичишга ўтиш ҳам текшириб кўрилган аёллар ўртасида анча кечроқ бошланган (10,6 йилдан кейин, ҳолбуки, эркаклар группасида шу кўрсаткич ўрта ҳисоб билан 7,4 йилга тенг бўлган). Лекин одат бўлиб қолган, доимий ичкиликвозликдан хроник алкоголизмга ўтиш аёллар орасида анча тезроқ бошланган. Аёлларда алкоголизм тез авж олиб бориши натижасида шахснинг рўйи-рост айнаб кетиши бир мунча киеқа муддат ичида бошланади.

Дарвоқе, аёллар ўзининг спиртли ичимликларга ўрганиб қолганлигини дастлабки вақтларда атрофдагилардан жуда усталлик билан яшириб юради. Бунда аёллар орасида жамиятга ёқмайдиган қўпол хатти-ҳаракатлар қилиш холлари камроқ учрайди, мастлик вақтида бировга ташланиш, тажовуз қилиш ниҳоятда камдан-кам кўрилади. Аёл киши доимий касби даражасида ўзини анча узоқроқ тутиб туради ва алкоголизм жуда юқори босқичга етганидан кейингина аввалги малакасини йўқотиб қўяди.

Бироқ, хроник алкоголизмнинг кейинги даврларида аёл алкоголикларнинг манавий ва ижтимоий жиҳатдан тубанлашуви эркак-потаторлардагига қараганда кескинроқ ифодаланган бўлади. Алкоголизм росмана авжига чиққан даврда аёл киши ўзининг юриш-туриши, ўзини тутиши жиҳатидан олганда кўп томондан эркак алкоголикка ўхшаб қолади. У эркак сифат бўлиб кетади, юқорида айтиб ўтилганидек, латофатини йўқотиб қўяди.

Ичкилиб ичавериб, ўзини ҳеч тута олмаслик орқасида шахсият ривожланиши бузилиб, истероид типга кириб қолиши кўпинча эркак алкоголикларда ҳам учрайди. Аёллар хусусига келганда эса, ўзига бино қўйиб, кеккайишга мойил бўлиш, одамларни ўзига ҳамдард қилишга, уларнинг раҳмини келтиришга ҳаракат қилиш, ўзининг «бошқачалиги» билан кишиларни ҳайратга солишга уриниш, ёлғон сўзлаш алкоголик аёлларга айниқса кўпроқ хос бўлади. Алкоголик аёл шахсияти айнаб, истерик формага ўтганидан ясама қиёфага кириб, ўзига зеб бириш, атрофдагиларга ўзининг «мураккаб» кечинмаларини «тушунтиришга» уриниш типик бўлиб қолади. Бундай аёл нотаниш одамлардан ҳамдардлик қилишни истайди, ўзининг ичиб юришини «ҳаддан ташқари оғир кечинмалар ва ҳодисаларнинг оқибати», «турмушда омадсизлик, пешона шўрлиги» натижаси деб кўрсатишга ҳадеб интилаверади.

Алкоголик аёллар шахсиятида рўйи-рост билиниб турадиган ва кўпинча псевдология (ёлғончилик дарди) билан ифодаланадиган истероид компонент шу қадар кўзга ташланадиган бўладики, психиатр бўлмаган кишига ҳам дарров сезилиб қолади. Алкоголизмга гирифтор бўлган аёллар ўзларининг ичкиликка ўрганиб қолганини оқлаш учун айтиб юришадиган афсона ва уйдирмалар тўғрисида Л. Кузнецова юқорида тилга олинган мақолада гапириб ўтади. «Булар (шу афсона ва уйдирмалар) га қараганда эгизак болалар шундоққина онасининг кўз ўнгиди машина тагида қолиб кетганмиш (ўша бемор

аёлнинг ҳеч қачон боласи бўлмаганлиги кейин аниқланди), яна биттасининг қари кампир онасини «бандит пичоқлаб, ўлдириб кетганмиш» (кампир ҳаёт ва алко-голизмга гирифтор қизини вақт-вақтида келиб кўриб туради), севгилиси алланарса билан бегуноҳ айбланиб «терговчининг кабинетидаёқ юраги ёрилиб ўлиб қолганмиш» (ўша одам ичкилик ичаверганидан васвасага учраб ўлиб кетган экан), — қанақа гапларни эшитмайсиз, у ерда!» — деб ёзади Л. Кузнецова.

Қалбаки спиртли ичимликларни (политура, атр ва бошқаларни) аёллар деярли ҳеч ичишмайди, деб айтишади, психиатрлар. Аёлларда рашк васвасаси деярли учрамайди, ичкилик касаллигининг бошқа кўринишлари (бошқа алкоголь психозлари) эса, эркаклардагидан кўра камроқ топилади. Лекин ичкиликдан васвасага тушиб қолиш ҳодисаси (алкоголь делирийси) бўлсин, сезги органларининг чалғиб, йўқ нарсаларнинг кўзга кўриниши, йўқ овозларнинг эшитилиши сингари ҳодисалар (алкоголь галлюцинози) бўлсин, алаҳлаб туриш ҳолати (алкоголь параноиди) бўлсин, ҳар қалай, аёллар алкоголизми клиникасида ҳам дуч келиб туради.

Аёллар алкоголизмида прогноз эркаклар алкоголизмига қараганда бир мунча ёмонроқ бўлади. Аёл алкоголиклар даво таъсирига ёмонроқ берилади. Қиз ва ёш жувонлар ана шуларнинг ҳаммасини билиб олишлари керак.

Ичкиликвозликнинг сирғанчиқ йўлига киришга келиб қолган аёллар хусусида айтиладиган бўлса, алкоголик аёлнинг ўз ихтиёри билан нарколога врачга бориши ҳаддан ташқари камдан-кам учрайдиган ҳодиса эканлигини ҳисобга олиш керак бу ўринда. Шу муносабат билан биз — спиртли ичимликларга ҳирс қўйиб турадиган аёлнинг яқин кишилари, бирга ишлайдиган ҳамкорлари, танишлари унинг ичкиликка қарши довланиб чиқиши учун имкони борича эртароқ ҳамма чораларни кўришимиз керак.

Аёллар ўртасидаги алкоголизмнинг ўзигина бизни ҳаяжонлантириб қолмаслиги лозим. Ичкиликбозлик билан алкоголизм ҳамisha фақат битта рюмкадан бошланганини гапирмасак ҳам, кўпгина ҳолларда озроқ миқдордаги ичкилик ҳам аёл киши учун, ҳатто гоҳ-гоҳида ичиладиган бўлса-да, мутлақо тўғри келмаслигини айтиб ўтамиз.

Аёл кишининг оғир оёқлик даврида, ҳомиласининг ой-куни қанча бўлганлигидан қатъи назар, ичкилик ичиши асло ярамайди. Она қорнидаги болага спиртли ичимликларнинг ҳалокатли таъсир қилиши клиникада кўрилган, тажриба йўли билан, шунингдек турмушдаги кузатувлар йўли билан тасдиқланган.

Америкалик бир фермер «қуруқ қонун» вақтида уйда яширинча ароқ тайёрлаган. Бир куни кичикроқ инкубатор сотиб олиб, уни омборхонага жойлаштиради, у ўша омборхонанинг ертўласида хонаки усул билан буғдойдан қўлбола ароқ тайёрлар эди. Инкубаторга 160 дона тухум қўйди. Атиги 80 та жўжа очиб чиқди, шулардан 40 таси тез орада ўлиб қолди, 25 таси эса майиб-мажруҳ эди: баъзиларининг панжалари йўқ, бошқаларининг бармоқчалари иккига ажралган, баъзилари тумшугининг шакли ўзгариб, юмилганида устки ва пастки нимтаси «у» ҳарфи сингари айри бўлиб турарди.

Тажрибада денгиз чўчқачаларининг бўғозлик даврида овқатига бир оз миқдор спирт қўшиб беришди. Натижада уларнинг 88 та боласидан 54 таси, яъни ярмидан кўра кўпроғи туғилган заҳоти ўлиб қолди.

Инглиз врачлари оғир оёқ аёллардан 386 кишида вино ичиш натижаларини таҳлил қилиб кўришди. Уларнинг 272 таси бола ташлаган, вақтидан илгари туғиб қўйган, башарти ой-куни етиб туққан бўлса ҳам, боласи ё ўлик тушган ёки ҳаётининг дастлабки ойида ўлиб кетган. Тирик қолган 114 та боладан 61 таси, яъни 53 процентдан ортиқроғи ақли паст ва эпилепсия ҳамда

бошқа асабий-руҳий касалликлар билан оғриганлар боқиладиган жойларга тушиб қолган.

Ичкиликни суистеъмол қилиб юрадиган оналарнинг 201 та боласини текшириб кўрган француз психиатрлари ҳам худди шунга ўхшаган рақамларни олишди: ўша болалардан 138 таси ёш гўдаклигида ўлиб кетган, қолган 63 та боладан 37 таси (58 процентдан кўпроғи) ҳар хил асабий ва руҳий касалликларга гирифтор бўлган.

Оғир оёқ аёл ичкилик ичадиган бўлса, қорнидаги болага ичкиликнинг ҳалокатли таъсир қилишидан дарак берувчи неча минглаб фожиаларни пана қилиб турган қуруқ рақамлар ана шунақа. Олимларнинг спиртли ичимликлар аёл киши жинсий хужайраларига ҳалокатли таъсир қилишини, бу нарса аёл бўйида бўлганидаёқ туғилажак боланинг саломатлигига таҳдид солишини кўрсатадиган далиллари бор.

Энага ёки кўкрак бериб бола боқадиган онанинг спиртли ичимлик ичишига ҳам йўл қўйиб бўлмайди. Афсуски, бундай ҳодисалар ҳам кам учрамайди. Баъзи аёллар кўкрак бериб бола боқаётган даврида енгилтаклиги, масъулиятсизлиги вазидан, баъзилари пиво ёки узум виноси гўё сутни кўпайтиради деган хурофот гапга қараб ичкилик ичишади.

Францияда, юқорида айтиб ўтилганидек, аёллар ўртасида алкоголизм анча кўп учраб турадиган ва баъзи вилоятларида эркаклар алкоголизи билан деярли тенглашиб қолган, ичкиликвозлик ва тасодиф билан вино ичиш эса, афтидан, эркакларнинг ичкиликвозлигидан қолишмайдиган мамлакатда, врачлар гўдакларни сунъий йўл билан боқиш афзалроқ деган масалани кўпдан бери ўртага қўйишмоқда.

Бундай қараганда, ўртага шундай масала қўйиш бемаънидек бўлиб кўринади. Она сути — бола учун ҳаммадан яхши овқат, гўдак касалликка чалиниб қолган вақтларда эса у энг ишончли дори бўлиб ҳам ҳисобланади. Ҳар бир эмизикли она буни билади. Лекин Нормандия

қишлоқларидан бирининг қайғули мисолида шуни аниқлашдики, сунъий йўл билан боқиб келинган болалар ўртасида ўлиш ҳоллари онасининг сути билан овқатланиб келган болалар орасидагига қараганда бир неча йил мобайнида сезиларли даражада камроқ бўлиб келибди. Тирик қолган болалар эса, она сути билан боқиб бориларвериладиган бўлса, ўсиб-унишда орқада қолишади. Биринчи қарашда тушуниб бўлмайдигандек бўлиб кўринадиган шу ҳодисанинг ўша қишлоқда аёллар кўп виноичиб туриши билан боғлиқлиги жуда аниқ бўлди.

Эмизикли она ичган алкогольнинг эмадиган бола организмга кўрсатадиган ёмон таъсирининг механизми мураккаб. Биринчидан, онанинг сути билан бирга боланинг организмга жуда кам миқдорда кириб турадиган спирт унга тўғридан-тўғри токсик (заҳарловчи) таъсир кўрсатади. Иккинчидан, алкоголь таъсири остида сутнинг овқатлик хусусиятлари айнайди: сут суюқ бўлиб қолади, унинг таркибидаги оқсиллар камайиб кетади.

Равшанки, она кучли алкогольли ичимликларни ичадиган бўлса, бу — эмадиган болага айниқса заҳарли таъсир кўрсатади. Лекин кучсиз винолар, ҳар қандай навдаги пиво ҳам беэиён эмас, мутлақо.

Швейцариялик бир врач тасвирлаб берган бир ҳодиса жуда ибратлидир. Уни доим ҳар душанба ва чоршанба кунлари худди эпилепсия (яъни халқ тили билан айтганда, «қуянчиқ» касаллиги) дагидек талвасага тушиб, тутқаноқ тутиб турадиган олти ойлик бола ёнига чақириб келишган эди.

Ҳаддан ташқари синчковлиги туфайли шу врач ўзининг мурғаккина беморида тутиб турадиган қуянчиқнамо тутқаноқларнинг сабабини билиб олишга муваффақ бўлди. У болага кўкрак бериб эмизадиган энагани ҳафтасига икки марта, якшанба ва чоршанба кунлари, бир неча соат озод қилиб қўйишларига ва унинг шаҳарга бориб, ҳар сафар ўша ердаги қовоқхоналардан биринда ичиб маст бўлиб олишига аҳамият берди. Эртасига

бола ўша энаганинг сути билан бирга бир оз миқдор спирт олар, лекин бу спирт ҳар қанча кам бўлса ҳам, жуда қаттиқ талваса тутиб қолиши билан ўтадиган оғир заҳарланиш ҳодисасининг бошланишига бемалол кифоя қилар экан. Врач ҳамда бола ота-оналарининг талабига кўра энага ичкилик ичишга барҳам бериши билан гўдакнинг аҳволи аслига келиб қолди.

Ниҳоят, ичкиликни суиистёмол қилиш онани ўз болаларига тарбия бера олмайдиган қилиб қўяди. Она ичкиликдан ўзини тамомила тутиб турса-ю, лекин ота ичкиликни суиистёмол қилаверадиган бўлса, аёл киши асабий, сержаҳл бўлиб қолади, шунинг орқасида бола анча азоб чекади-да, ахир. Она ҳам ичиб турадиган бўлса, аҳвол янада мушкуллашади.

«Ичкиликвозликка ҳирс қўйган аёллар ўз оналарига шу жиҳатдан ўхшаб қоладиган болалар туғади» деб айтиб ўтган эди, Афлотун ҳам. Шак-шубҳа йўққи, гап ирсиятдан кўра ҳам кўпроқ оиладаги тартиб-одатларга, алкоголик бўлиб қолган аёлда ўз болаларининг тарбияси тўғрисида қайғуришдан асар ҳам йўқлигига кўпроқ бориб тақалади.

Алкоголик аёлда ўз болаларига нисбатан меҳру муҳаббат тамомила йўқолиб кетишини ва қандай бўлмасин бирор қизиқиш қолмаслигини кўрсатадиган мисоллар кам эмас. Бундай ҳолларда болаларни қариндош-уруғлари тарбияга олади ёки улар суд қарорига мувофиқ болалар уйлари ва ахлоқ тузатиш уйларига жўнатилади. Вояга етиб қолган болалар кўпчилик ҳолларда алкоголик ота-оналаридан тамомила юз ўгиришади ва улар билан ҳеч бир алоқа қилмай қўйишади.

Алкоголик аёллар, юқорида айтиб ўтилганидек, ўзининг ичкиликка ўрганиб, касал бўлиб қолганлигини кўпинча оилавий турмуши бузилиб кетганига ва ҳаётдаги бошқа қийинчиликларга йўйишга мойил бўлишади. Лекин ҳақиқий аҳвол ҳаминша деярли бунинг тескарисини бў-

Доктор Белов одатига кўра, ўзининг ҳаракатлари ўстида ўйлаб турмасдан лифт тугмасини босди, унинг қизил чироғи ёнганидан кейин эса почта яшигига қараб ошиқди. Вячеслав Сергеевич бу яшиқни очиб, почта маркаси ўрнига расмий штамп босилган бандеролни олди. Бандеролни портфелига солиб, лифтнинг ҳозиргина очилган эшигига томон югурди.

Уйда кўчадагидан ҳам совуқроқ бўлиб туюлар эди. Вячеслав Сергеевич пальтосини ечиб, газни ёқди ва овқатини, кечки овқати ёки вақтида ейилмаган тушлик деса ҳам бўлаверадиган овқатини исита бошлади.

Шўрва жуда исиб кетипти. У совугунича Вячеслав Сергеевич портфелидан бандеролни олиб, очди. Ундан қўлёзма ва шу қўлёзмага қўшиб юборилган хат чиқди. Бу хатда журнал редакцияси қўлёмани ўқиб, тақриз бериб чиқишни ундан илтимос қилган эди. Доктор Белов овқатини еб бўлганидан кейин бояги қўлёзма билан қаламни олиб, ботинкасини ечди ва ечинмасдан диванга ётиб, торшер чироғини ёқди-да, чарчоқлик билан мудроқни енгиб, ўқий бошлади.

«... Болаларнинг алкогольдан бирдан заҳарланиб туриши, афсуски, жуда камдан-кам учрайдиган ҳодиса эмас. Чунончи, софиялик врачлардан И. Киров билан Т. Заприяновлар Болгария пойтахтидаги болалар клиникаларидан фақат биттасига ўн йил давомида ҳар хил моддалардан бирданига заҳарланиб қолган 121 та бола жойлаштирилганини, шулардан еттитаси алкоголь билан заҳарланганлигини хабар қилишади. Уша клиниканинг ўзида шу давр мобайнида заҳарланган 258 та болага амбулатория ёрдами кўрсатилган; саккизта ўғил бола ва иккита қиз боланинг алкогольдан заҳарланганлиги топилган.

Софиядаги бошқа бир клиникада Панчева томонидан олинган маълумотларга қараганда алкогольдан бирдан заҳарланиш ҳодисалари бундан ҳам кўпроқ учрайдилар ва ҳар турли заҳарларни ичиб қўйиб, касал бўлиб

қолган болалар орасида (284 ҳодиса) тахминан 6,7 процентни (19 кишини) ташкил этади.

Спиртли ичимликларни болаларга баъзан ота-оналари беради. Улар алкоголь гўё боланинг иштаҳасини очади, уни семиртиради, камқонликка даво бўлиб, саломатлигини мустаҳкамлайди, уйқуни яхшилайдди, тиш чиқинини осонлаштиради, деган жуда янглиш фикрга ишоншади. Ушбу обзорнинг муаллифи шу хилдаги китобхонларнинг хатларига неча қайталаб жавоб беришга мажбур бўлган: «Олти яшар ўғлимизга жиндаккина спиртли ичимлик бериб турилса, фойдали бўлади, деб ҳисоблайди хотиним. Уни бу фикрдан қайтаришга ҳар қанча урунсам ҳам, у менинг гапларимга кирмаяпти». Баъзи жойларда гўдакликда оз-моз ичимлик ичириладиган бўлса, бу—одам вояга етганидан кейин унинг алкогольга ружу қўйишига гўё имкон бермайди, деган яна бир хавфли тушунча ҳам бор. Равшанки, бу хилдаги янглиш фикрлар ва хурофотлар баъзан фожиали ҳодисаларга олиб келади.

Катталар спиртли ичимликни эҳтиёт қилиб бекитиб қўймасалар ёки столда шундоққина қолдириб кетсалар, буни бола ичиб қўйиши мумкин.

Ичкиликвозларнинг оилаларида болаларнинг вино ёки ароқдан заҳарланиш ҳодисалари тез-тез учраб туради, бундай хонадонларга ичкилик тез-тез келиб туради ва у одатда тўғри келган жойда очиқ қўйиб сақланади. Спиртли ичимликлар қандай бўлмасин бирор оилавий тантана кунда, айниқса маданий савияси паст бўлган оилаларда бирор йўл билан болалар қўлига тушиб қолади.

Табийки, соғлом болада ичкиликка майл бўлиши мумкин эмас. Аксинча, спиртли ичимликларнинг таъми ва ҳиди боланинг кўнглини айнатади. Болаларнинг ҳар нарсасига қизиқувчан бўлиши уларда ичкиликни татиб кўришга рағбат уйғотади.

Бу тўғрида Жек Лондон «Жон Арпа Дони. Алкоголик

хотиралари» романида жуда ҳаққоний равишда ва психологик жиҳатдан аниқ қилиб ёзган.

«Биринчи марта мен беш яшарлигимда ичиб маст бўлганман. Уша куни иссиқ, отам уйимиздан ярим миля наридаги далага кетган эди. Мени унга пиво олиб бориш учун жўнатишди. «Кўзингга қара, йўлда чайқатиб, тўкиб юборма!» — деб пўписа қилишди менга, кетишим олдидан.

Эсимда бор, пиво оғзи кенг ва қопқоғи йўқ ёғоч челақчага солинган эди. Мен уни олиб кета туриб, чайқатиб, оёқларимга тўкиб юбордим. Йўл-йўлакай ҳаёл суриб борардим: нима учун пивони шунча қиммат нарса деб ҳисоблашаркин? Балки шириндир? Нечук уни тотиб кўришга менга рухсат беришмайди? Ота-оналарим тақиқлаб қўйиб, беришмайдиган нарсаларининг ҳаммаси жуда мазали бўлади-ку. Демак пиво ҳам шунақа-да. Қайси нарсанинг нимага кетишини бу катталар жуда билишадилар! Ҳозир бўлса, худди жўрттага қилинганидек, челақ лиммо-лим. Оёқларимга ҳам, ерга ҳам пиво тўкилиб боряпти. Бекорга увол қилишининг нима кераги бор? Тўкиб юбордимми ёки ичиб қўйдимми, ҳеч ким билмайди-ку.

Мен шунчалик кичик эдимки, шимириб ичиш учун ерга ўтириб, челақчани тиззаларимга қўйиб олишимга тўғри келди... бурнимни челақка тиқиб, қуюққина суюқликни ичишга тушдим. Ия, жуда расво нарса экан-ку! Шундай бўлса ҳам ичавердим. Негаки, катталарнинг бунчалик янглишиши мумкин эмас! Ушанда қанча ичганимни айтиш қийин: мен лўппигина бола эдим, челақ бўлса жуда катта кўринар, мен бўлсам кўпик нақ қулоқларимга теккунича юзимни ботириб тўхтамасдан шимирар эдим. Лекин, ростини айтсам, худди дори ичаётгандек бўлардим: кўнглим айнаб келар ва бу азобга тезроқ барҳам беришни истардим.

Ахири, кўнглим беҳузур бўлганлигидан ижирғиланиб ўрнимдан турдим ва йўлга тушдим. Балки, энди маза

қилсам керак ҳар қалай деб ўйлар эдим мен. Йўлда кетатуриб челақчадан яна бир неча марта иўш қилдим ва тўсатдан унинг анча паст тушиб кетганини билиб қолдим...

Отам ҳеч нарсани пайқамади. У жуда чапқаб турган экаи, тезгина челақчани бўшатиб, плугни яна қўлга олди. Мен у билан ёнма-ён юрмоқчи эдим, лекин бир неча қадам босишим билан, от тагига йиқилиб тушдим, плугнинг пўлат тиши устига тушишимга сал қолди. Отам орқага шу қадар қаттиқ тислатдики, сал бўлмаса мен отлар оёғи остида қолиб кетардим. Ушанда отам ўлиб кетишингга бир баҳя қолган эди, деб гапириб юрди, кейин. У мени кўтариб, дов-дарахтлар ўсиб турган дала четига олиб чиққанини ва кўз ўнгимда ҳамма нарса гир-гир айланиб, чархпалак бўлиб тургани элас-элас эсимда. Ўлгудек кўнглим беҳузур бўлар ва ярамас иш қилиб қўйдим деган ваҳима менга азоб берар эди.

Дарахтлар тагида кечгача ўхлаб ётибман. Кун ботарда отам мени уйғотди, шунда мен аранг ўрнимдан туриб, унинг кетидан каловланиб кетдим. Улай деб қолган эдим: оёқларим қўрғошиндек оғир бўлиб туюлар, қорним санчиб оғрир, кўнглим айнаб, беҳузур бўлиб келар эди. Мен ўзимни заҳарлангандек ҳис қилдим. Аслида ҳам бу — рўй-рост заҳарланишнинг ўзгинаси эди».

Болаларнинг алкогольдан бирдан заҳарланиб, ўлиб қолганлиги тўғрисида жаҳон медицина адабиётида кўпгина маълумотлар бор. Г. Эльбель олти яшар ўғил боланинг тахминан 50 миллилитр (яъни турмушда айтилишича 50 граммга яқин) коньяк ичиб қўйганидан кейин ўлиб қолганини хабар қилади. М. Бренхайм ва ҳамкорлари уч ярим ёшли ўғил боланинг ярим литрга яқин бренди билан алжир виноси аралашмасини ичиб, ўлиб қолганлиги тўғрисидаги қайғули ҳодисани тасвирлашган. Гўдакда аста-секин оғир кома авж олиб бориб (сиртдан ухлаб ётганга ўхшаш беҳушлик ҳолати, бунда ҳаёт учун муҳим функциялар: юрак фаолияти, нафас, моддалар

алмашинуви жуда сусайиб кетади), талвасалар бошланди, халқум мускулатураси тортишиб қолиб, температура 41 градусгача кўтарилиб кетди. 13 соатдан кейин бола ўлиб қолди. Мурдаси ёриб кўрилганда, мияси шишиб, мия пўстлоғига нуқта-нуқта қон қуюлганлиги, бош мия қон томирларининг кенгайиб кетганлиги топилган.

И. Киров билан Т. Запрянов 30 — 40 миллилитр ракия, яъни булғор ароғи ичиб қўйган беш яшар боланинг заҳарланиб ўлиб қолганлигини ҳикоя қилади.

Р. Дебре ва ҳамкорлари Париж журналларидан бирида иккита касаллик тарихидан кўчирма келтиришади. Тўрт ярим яшар ўғил бола билан тўққиз яшар қиз бола бир оз миқдор вино ичиб ўлиб қолишибди.

И. Приевара олти яшар бир болани кузатган, бу бола акаси уни бир стакан вино билан «меҳмон қилганидан» кейин клиникага олиб келинган экан. Бола маст бўлиб қаттиқ ухлаб қолган. Заҳарланганидан кейин етти-саккиз соат ўтганидан сўнггина кома бошланган. Бола ўзига келмай ўлиб кетди. Жасади ёриб кўрилганида юмшоқ мия пардаси ва мия тўқимасининг жуда қонга тўлишиб кетганлиги, шунингдек, ўпкани қоплаб турадиган парда, яъни плеврада майда-майда қонталашлар борлиги маълум бўлди.

Мана шу қайғули ҳодисалар рўйхатини яна ва яна давом эттиравериш мумкин эди, бироқ, вояга етмаган, норасидалар учун ичкиликнинг нечоғлик хавфли эканлиги тўғрисида тасаввурга эга бўлмоқ учун турли мамлакатлар врачларининг китоблари ҳамда мақолаларидан келтирилган шу қисқача кўчирмаларнинг ўзи ҳам кифоя қилар, деб ўйлаш мумкин.

Бола заҳарланганида унинг ўлимига сабаб бўладиган энг кам миқдор, яъни кичик дозадаги спирт қанча? Улимга олиб борадиган заҳарланишнинг кўпчилик ҳолларида боланинг қанча миқдор вино ёки бошқа спиртли ичимлик ичиб қўйганини белгилашнинг амалда иложи бўлмагани ёки болалар ичкиликни одатда катталар-

дан яшириб ичиб қўйгани учун ҳам буни аниқ айтиш қийин. Баъзи врачларнинг фикрига қараганда, бола ўраладиган йўргакни алкоголь билан ҳўллаш ҳам гўдакнинг ўлиб қолишига олиб келиши мумкин. Йўтал тутиб турганида кўкрак қафасига ароқдан такрор-такрор (суткасига 3 маҳал) компресс қўйиладиган бўлса, ёшига тўлмаган бола спиртдан заҳарланиш натижасида ўлиб қолиши мумкин, деган маълумотлар ҳам бор. Адабиётда ромли конфетлардан болалар заҳарланиб қолиши мумкин, деган маълумотлар учрайди. Парижлик врач Ж. Рено бронхопневмония билан оғриб юрган беш яшар болага атиги 80 миллилитр вино (соф спиртга айлан-тириб ҳисоблаганда 10 миллилитр) ичирилганда унинг ўлиб қолганини хабар қилади.

Болалар учун спиртнинг ўлдирадиган (летал) энг кам дозаси боланинг ёшига, ҳар кимнинг ўзига қараб ҳар хил бўладиган толерантлиги (кўтара олиши)га, саломатлигининг аҳволига ва шунингдек совет наркологи И. В. Стрельчук фикрича, заҳарланган бола олий нерв фаолиятининг типига боғлиқдир.

Алкоголнинг адабиётда келтириб ўтилган ўлдирувчи дозалари ўртача ҳисоблаб чиқилар экан, шартли равишда тахминан 30 миллилитр миқдоридagi тоза спирт (4 ош қошиқ атрофидаги ароқ, ракия, коньяк, виски) бола учун ўлдирадиган энг кам дозадир, деб айтиш мумкин.

Бироқ, алкогольдан заҳарланиш боланинг ўлимига олиб келмаса ҳам, спиртли ичимликлар билан бирдан заҳарланиш кўпинча ўздан кейин оғир асоратларни қолдиради. Мана шундай асоратларнинг клиник манзарасини болгар олимларидан академик Г. Узунов ва профессор С. Божинов ҳаммадан кўра муфассалроқ тасвирлаб беришган.

Г. Узунов ва С. Божинов ўзлари ўтказган қанчадан-қанча кузатувларни ҳамда бошқа врачларнинг иш тажрибасидан олинган мисолларни батафсил таҳлил қилиб

чиқиб, болаларда учрайдиган алкогольдан бирдан заҳарланиш ҳодисасини иккита формага ажратишди. Унинг бир формасида заҳарланишга алоқадор ўзгаришлар қисқа муддатда авж олиб борадиган алкоголь комаси ёки психотик симптоматика (алаҳлаш, васвасага тушиб, йўқ нарсаларнинг кўзга кўриниши, йўқ овозларнинг қулоққа эшитилиши, яъни галлюцинациялар бошланиши ва ҳоказо) билан бирга давом этса, иккинчи формаси узоқ муддат ичида, сурункасига авж олиб боради. Алкоголдан бирдан заҳарланиш клиник манзарасининг мана шу иккинчи турини болгариялик психиатрлар жаҳонда биринчи бўлиб тасвирлаб беришди.

Алкоголдан бирдан заҳарланишнинг қисқа муддатда авж олиб борадиган турида болаларда кома осонгина бошланади, шу билан бирга кўпинча худди тутқаноқ тутаётганидагига ўхшаган талвасалар билан бирга ёки ўзини билмай қолиб, алаҳлайвериш (васвасали-аментив синдром манзараси) дан иборат руҳий ўзгаришлар билан бирга давом этади. Алкоголдан заҳарланишнинг клиник кўринишлари баъзан одамнинг мастлик ҳолатига ўхшаб кетади. Вегетатив функцияларни идора этувчи марказлар фаолиятининг ҳаддан ташқари тез издан чиқиши: тана температурасининг анча кўтарилиб кетиши, қонда лейкоцитлар сонининг кўпайиши, артериал босимнинг ортиб кетиши болалар учун характерлидир. Аксари қондаги қанд миқдори анча пасайиб қоладики, бу, ўз навбатида алкоголь комаси ҳолатини баттар зўрайтиради. Заҳарланишда кўриладиган клиник белгиларнинг кўпчилиги баъзан қонда спирт борлигидан кўра ундаги қанд миқдорининг камайиб кетганлигига кўпроқ боғлиқ бўлади.

Заҳарланишдан кейин қисқа муддат ичида акинетик (талваса ҳодисалари бўлмайдиган) кома бошланишига мана битта мисол.

Олти яшар бир бола бир йилдан бери ракия солиб қўйилган шиша тубида қолиб кетган олчалардан бир

нечтасини еган. Тез орада у кома ҳолатига тушиб қолган ва Софиядаги болалар касалхонасидан бирига келтирилган. Бемор гўдак атрофдаги ҳамма нарсага ҳеч парво қилмай, қимирламай ётарди. Саволларга жавоб бермас, аммо укол қилинганини сезарди. Нафаси равон. Пульси бир маромда, яхши тўлишадию, лекин сал тезлашган. Кўз қорачиқлари жуда кенгайиб кетган ва ёруғлик таъсирига берилмайди. Оғзидан алкоголь ҳиди анқиб турибди. Меъдаси ювилиб, териси остига кофеин юборилганидан кейин, ўзига келиб, саволларга жавоб бера бошлади. Кейин қаттиқ ухлаб қолди. Температураси 37 градус. Эртасига яхши аҳволда стационардан чиқарилди.

Америка врачлари Л. Каммингс номаълум миқдорда жинчиб қўйган олти яшар болада талваса билан ўтган кома ҳодисасини тасвирлайди, ўша боланинг ота-оналари уни ёлғиз қолдириб меҳмонга кетишган экан. Кечаси соат 2 да уйга қайтиб келишса, бола ерда талвасаланиб ётганмиш. Бола талвасалари тўхтамаган ҳолатда соат тўртда касалхонага олиб келинган. Касалхонада саволларга жавоб бермасдан, қилинган уколларни билмасдан ётган. Бояги-бойгидек талвасалар тутиб турган. Нафаси ўзгариб қолган. Қон босими 115/70. Томири тез-тез — минутига 140 мартача уриб турган. Кўз қорачиқлари торайиб, нуқталарга ўхшаб қолган, ёруғлик таъсирига берилмайди. Қонида қанд миқдори кескин камайиб кетган. Зўр бериб кўрилган даво чоралари талваса тутишининг тўхташига, томир уриши ва нафаснинг аслига қайтишига олиб келди. Бироқ, болани кома ҳолатидан чиқариб бўлмайди. Соат 14 у 30 минутда тўсатдан нафаси тўхтаб қолади, юрак фаолиятининг заифлашгани маълум бўлади. Зўр бериб реанимация чоралари кўрилганига қарамай, бола ўлиб қолади.

Бу мисолда биз алкогольнинг нерв системасига таъсир қилиши туфайли моддалар алмашинувининг жуда оғир даражада бузилганини кўриб турибмиз.

Энди алкогольдан бирдан заҳарланишнинг қисқа муд-

дат давом этадиган психотик симптоматика билан ўтувчи хилни келтириб ўтамиз (Г. Узунов ва С. Божинов кузатуви). Сўз лўлилар кўчидан чиққан олти яшар ўғил бола тўғрисида бормоқда Бу бола одатдагича ўсиб-унган. Табиатан ювош, сўзга кирадиган. Оғир касалликлар билан оғриган эмас. Отаси ичкиликвоз. Бир куни кечқурун болага жиндаккина вино беришган. Эртасига эрталаб бола нонушта қила олмаган. Опаси ул-бул олиб келиш учун бозорга кетган пайтида гўдак яна бир оз миқдор вино ичган. Икки соат мобайнида бемалол ўйнаб юрган. Сўнгра аҳволи бирдан ўзгариб қолган. Бола саволларга жавоб бермай қўйган ва ағнаб тушган. Тез орада ўткир психоз бошланган. Бола жуда безовталаниб, опасини урган, бақириб қичқираверган, ҳаводан нималарнидир «чангаллаб олиб», «оғзига солаверган». Туш пайтида клиникага олиб келинган. Касаллик варақасига мана бундай деб ёзиб қўйилган: «Текшириш пайтида неврологик ўзгаришлар топилгани йўқ. Руҳий аҳволи оғир. Эси кирарли-чиқарли бўлиб турибди, бола бесаранжом, кўзи бежо, ваҳимага тушиб қолган. Гапга жавоб бермайди. Вақти-вақти билан ҳа деб безовта бўлаверади. Вақимали манзаралар кўзига кўриниб туради. «Келаётган ким? Петько амаки, Петько амаки мени қувлаб келяпти! Қутқаринг!» деб бақиради. Бир оз вақтдан кейин деворда қовун ва қовун пўчоқлари тургани кўзига кўринди. Кечқурунгача шу аҳволда бўлди. Кечаси тинч ухлади. Эртасига эрталаб психоз ўтиб кетди. Бола турган жойини ва вақтнинг қанча бўлганини билади. Мулойимлик билан табассум қилади. Уялувчан, сўзга кирувчан. Айтилган нарсаларни бажо келтиради. Боши оғриб турганидан нолийди. Интеллектини текшириш бу боланинг ўз ёшига яраша ривожланганини кўрсатиб берди, лекин педагогик жиҳатдан олганда бола қаровсиз қолган. Ўткир психоз давридаги кечинмаларининг ҳаммаси мутлақо эсида йўқ. Умумаң қувватловчи даво қилинганидан кейин яхши аҳволда касалхонадан чиқариб юборилди».

Юқорида тасвирлаб ўтилганга ўхшаш ҳолларда боланинг тақдири одатда алкоғолдан заҳарланиш пайтидан ҳисоблаганда дастлабки 24—48 соат ичида ҳал бўлади: бола ё ўлиб қолади ёки тузалиб кетади.

Узоқ чўзиладиган кома билан ўтувчи ўткир алкоғоль энцефалопатиясида болаларнинг тақдири дастлабки икки сутка давомида ҳал бўлмайди. Заҳарланишнинг оқибатлари бир неча кун, гоҳида эса ҳатто икки ҳафтадан ортиқроқ муддат ичида зўрайиб боради. Мускуллар, айниқса ёзувчи мускулатура рефлектор тонуси (таранглиги) нинг узоқ ва кескин кучайиб кетиши характерлидир: бола тик туриши мумкин-у, лекин маҳкам тура олмайди, уни ушлаб турилса ёки суяб қўйилсагина туриши мумкин; андек силкенишдан у йиқилиб тушади ва ўзича оёққа тура олмайди. Бола ўлиб қоладиган бўлса, унда бош мияси пўстлогининг остидаги ядролар (кулранг ядролар, аниқроғи пўст деб аталадиган жойдаги ҳужайралар) некрозга учраганлиги (ҳалок бўлиб кетганлиги) топилади. Бирмунча оғирроқ заҳарланишда некроз бош мия пўстлогига ҳам ўтган бўлади. Тирик қолган болаларда нерв системасининг турғун ўзгаришлари кўрилади, булар боланинг ўз ихтиёридан ташқари бекордан-бекорга тартибсиз ҳаракатлар қилавериши, парезлар пайдо бўлиши, талваса тутиб туриши, ақли паст бўлиб қолиши билан намоён бўлади.

Кўпчилик болаларда алкоғолдан заҳарланишдан кейин мастлик ҳолати бошланмасдан турибоқ дарров кома юзага келади. Кома вегетатив функцияларни идора этувчи марказлар фаолиятининг анча издан чиқиши билан бирга давом этади. Тана температураси аксари 42 градусгача кўтарилади, томир уриши минутига 200 мартагача тезлашади, артериал қон босими кўтарилиб, қондаги лейкоцитлар сони кўпайиб кетади. Баъзан касаллик тўлқинсимон бўлиб ўтади, бунда бола аҳволи гоҳо яхшиланиб, вақти-вақти билан эс-ҳуши ўзига келиб туради. Башарти комани енгиш мумкин бўлса ҳам бе-

морда координация анча бузилиб, дам-бадам пойма-пой ҳаракатлар пайдо бўлиб туради, ёш гўдак ўз ихтиёридан ташқари худди ядро ирғитаётгандек, тўсатдан таъзим бераётгандек қўлол «қилиқлар» қилади, бирор мускули ёки айрим мускул группалари тортишиб туради, гоҳи-гоҳида қўллари ёки қўл-оёқларининг ҳаммаси заиф тортиб, кўзи вақтинча кўр бўлиб қолади. Руҳий жиҳатдан олганда боланинг ланж тортиб, парвои-палак бўлиб қолиши ва ирода процессларининг сусайиб кетиши биринчи ўринга ўтади. Бошланғич даврда симптоматик эпилепсия, ақлипаствлик, шунингдек мускуллар тонусининг кескин кучайиб кетиши, тана статикаси ва ҳаракатлар уйғунлигининг бузилиши кўп учрайди.

Алкоголдан бирдан заҳарланишда ўтиб кетадиган эпилепсия ҳодисалари қисқа муддатли алкоголь комаси вақтида ҳам, алкоголь комаси узоқ давом этиб борадиган ҳолларда ҳам учраб туради. Генуин эпилепсия, яъни туғма бўладиган асл қуянчиқ касаллиги вақтида кўриладиган тутқаноқларнинг деярли ҳаммаси кузатилиши мумкин. Ухшашлик шу қадар кўп бўладики, болаларда алкоголь эпилепсиясига дуч келган ва алкогольдан заҳарланиш ҳодисаси бўлганини билмай қолган тажрибали врачлар ҳам янглишиб, бунга генуин эпилепсия деб диагноз қўйишади.

Нерв системаси ва руҳий сферанинг оғир касалликлари кўринишида қоладиган ҳодисалар асосан бош миёдаги некротик ўзгаришларга алоқадор бўлади.

... Вячеслав Сергеевич ухлаб қолган, қўлёзма кўкрагида ётар эди. Торшер лампаси порлаб турибди.

Доктор Белов туш кўрса, худди аввалги тушларидек, у ёш бола эмиш, чуқур қилиб, янги қазиб қўйилган ўра ёқалаб, сал нам бўлиб ётган тупроқдан юриб кетаётганмиш. Уранинг тубида қорамой сурилган сербар лентани худди бинтга ўхшатиб ўраб қўйилган йўғон-йўғон қувурлар бормиш. Уранинг нарига томонида эса пионер лагеридан келган ўсмир қиз Таня Иванова кетаётганмиш.

Улар жимгина кетишаётганмишу, лекин бу жимлик кўнгилга оғир ботмасмиш. Сакраб, нариги томонига ўтиб бўлмайдиган кенг ўра чўзилгандан чўзилиб борармиш. Икки томонида шаҳар четидаги боғлардагига ўхшаган кичкина-кичкина уйлар бормиш. Мана буниси Танянинг уйи экан. Ҳовлида ёши улғайиб қолган аёл юрганмиш. У Танянинг онаси экан. У кўзини кафти билан худди сояибондек офтобдан тўсиб, буларга қарармиш. Вячеслав Сергеевичнинг кўнгли қувнаб, сал ғалати бўлармиш. Ариқнинг эса охири кўринмасмиш...

Вячеслав Сергеевич қош-қовоғини уйиб, ўзини чарчаган, данж сезиб ўрнидан турди.

«Отпуска керак бўлиб қолибди, вақти келибди, Белов, — деди у ўз-ўзига хаёлан. — Бунақада чок-чок бўлиб ажралиб кетиш мумкин».

Вячеслав Сергеевич душ қилиб, соқол-мўйловини олди, кофе дамлаб, енгилгина нонушта қилишга ўтирди ва сўққабош кишининг қизиғи йўқ ҳаёти тўғрисида хаёл суриб кетди. Эркакнинг озодлиги деган нарса унинг кўнглига уриб қолган эди. Ким биландир бир-икки оғиз гаплашиш, балки, кимгадир минғирлаш ёки кимнингдир минғирлашини эшитишни истар эди, кўнгли. Лекин қирқ ёшга бориб қолган бўлса ҳам доктор Белов оила туза олмади. У институтнинг охириги, олтинчи курсида уйланди. Бироқ, бу оила бир йилга ҳам чидаш бермади. Мудом пул етишмас эди. Турмушнинг кам-кўсти, коммунал квартиранинг кичкинагина ошхонасидаги тиқилинчлик ҳам кўнглини хира қиларди. Аввалига ўзаро майда-чўйда таъналар қилишдан бошланди, вақт ўтиши билан бу таъналар каттагина жанжалларга айланиб кетадиган бўлди, шуниси ҳам борки, можаро жуда авжига чиқиб турган пайтда жанжал нимадан бошланганлигини иккалалари ҳам энди унутиб қўйган бўлишарди: Ана шунда сийқаси чиққан, тайини бўлмаган ва аслида ҳеч бир маънони билдирмайдиган «табиатимиз тўғри келмай қолди» деган гап чиқиб қолди. Чиндан иккалалари ҳам

ҳали жуда ёш ва мутлақо тажрибасиз, иккалари ҳам муроса-мадора деган нарсаларни билмас, ҳамма нарсаларни фақат «ёмон» ва «яхши» деб узил-кесил ажратиб қўя қолишар эди. Шунда тақсимот вақти келиши билан ёш эру хотинлар, ҳаммани ҳайрон қилиб, турли шаҳарларга ишга юборишларини сўрашди, бир қанча вақт ўтганидан кейин эса ажралишди.

Энди Вячеслав Сергеевич моддий жиҳатан бекаму кўст бўлиб, бинойидек кооператив квартирада яшар эди. Лекин уйи ҳам, кўнгли ҳам аллақандай ҳувиллаб тургандек эди. Шунга кўра Вячеслав Сергеевич вақтида оиласини сақлаб қола олмаганлиги учун афсус ер эди.

Сўнгги ўн беш йил ичида Вячеслав Сергеевич ўзига ёқадиган, ҳар ҳолда чакки деб бўлмайдиган аёлларни учратди. Бироқ, бирон марта ҳам чуқур, жиддий бир ҳавас пайдо бўлгани йўқ кўнглида. Энди чинакам муҳаббатга айланай деб турган ҳис-туйғу куртақларига унинг ўзи, ўзи билмаган ҳолда кўнглида эрк бермагандир, балки; ёшлигида оиласининг бузилиб кетганлиги уни ҳадиксирайдиган, ишонмайдиган, эҳтиёткор қилиб қўйган эди.

* * *

Доктор Белов касалларни обход қилиб чиққанидан кейин ординаторлар хонасига Ивановани чақирди.

— Ҳаммасини ўқиб чиқдим, — деб Таня стол устига мақола қўлёзмасини қўйди. — Хатолари жуда кам экан. Ҳар қандай профессионал машинистка сизга ҳавас қилган бўлур эди.

— Жонимга жуда малҳам бўлдинг, Танечка! Биламан, асосий касб-коридаги муваффақиятлари учун эмас, балки қандай бўлмасин бирор қўшимча ҳунарида муваффақиятларга эришилгани учун мақташларини одамлар жуда яхши кўришади. Мен яширинча ўзимни жуда зўр машинисткаман... машинистман... машинкада ёзувчиман деб юраман. Э, қўй-е, янглишиб кетдим.

— Мақолангиз журналда чиққанидан кейин қўлимга тушса, мен, балки уни ўқимай ҳам қўйган бўлардим, ўқиб чиққудек бўлсам ҳам бунинг ҳаммасини ўз тақдиримга ҳеч алоқаси йўқ деб ўйлаган бўлардим, балки. Ичиб юрадиган одамлар кўпинча хотиржам ва бепарво бўлишса керак. Лекин бу ерда, шу шароитда, оғир касалларни кўравериб, мен ўқиб чиққанларимни кўрганларимга, кўрганларимни эса ўз келажагимга ногоҳон қиёс қилиб кўрдим. Айтинг-чи, доктор, мени энди алкоголик бўлиб қолган деса бўладими?

— Йўқ, Танечка. Ҳозирча сен ичкиликвозлар қаторидасан. Ичмаса касал бўлиб қолиш, бош кўтармасдан ичавериш ҳолатлари ҳали йўқ сенда. Лекин сен ҳозирнинг ўзида хроник алкоголизмга ўтиш ёқасидасан. Бир баҳъя қолган, холос, бўлмаса, сенинг ҳам тақдирингда, саломатлигингда фожиали ўзгариш юз беради. Мен сени қўрқитмоқчи эмасман. Лекин айтиб қўйишим шарт. Модомики, мутахассис киши сенга саломатлигинг аниқ хавф остида деб айтаётган экан, демак энди буни жиддий ўйлаб кўриш ва даволанишнинг пайдидан бўлиш керак. Менинг ўзим врачларсиз ўзимни тутиб тура оламан, вино ичиш-ичмасликни ўзим биламан, вино мени йўлдан оздира олмайди деб одам ўз-ўзини алдаши ярамайди.

— Хўш, даво нимадан иборат бўлади?

— Аҳволни жуда келиштириб тасвирлаб ўтирмайман. Маълум бир маънода олганда алкоголизмга даво қилишни ҳали билмаймиз деб айтиш мумкин. Маълум бир маънода... Даво қилиб, алкоголизмни батамом йўқ қилиб юбориш деган гапнинг маъноси нима, ахир? Энг кўнгилдагисини айтганда, одамни яна шундай ҳолга келтириш керакки, токи бир кези келиб қолганида у ҳар қалай меъёридан оширмасдан туриб бироз миқдор спиртли ичимлик, масалан, икки қадах шампан виноси, юз эллик грамм коньяк ича оладиган бўлсин. Шунда ҳам собиқ алкоголик бироз ичиб олганидан кейин эртасига

ва ундан кейинги кунларда яна ичгиси келиб, енгизи жуда қийин бўладиган истакни ҳис қилмайдиган бўлсин. Йўқ, бундай даво усулини олимлар ҳали ўйлаб топшиган эмас.

— Хўш, нима қилса бўлади?

— Афсуски, ичкиликдан батамом воз кечиш тўғрисидагина гап бўлиши мумкин. Лекин алкоғолли ичкиликлар кенг расм бўлиб қолган шароитда ичкиликдан одамларнинг мутлақо ўзини тийиб турадиган бўлишига эришиш қийин. Шунинг учун ҳам истасанг-истамасанг, жуда қаттиқ чораларни, кескин ва ҳатто беморнинг соғлиги учун хатарли чораларни кўришга тўғри келади.

— Дори-дармонларингизнинг ҳаёт учун хатарли бўладиган ножўя таъсири борми?

— Йўқ, хавф-хатар дорининг ножўя таъсирида эмас, лекин, равшанки, дори шунақа таъсир қилиб қолиши ҳам мумкин. Баъзи оғир касалликларда ичкиликка қарши давони буюришга йўл қўймайдиган бир қанча монеликлар бор. Хавф-хатар бошқа нарсада. Агар таъбир жоиз бўлса, бизда даволанадиган баъзи беморларнинг енгилтаклиги, бефарқлигида.

— Енгилтаклигида?

— Рост, бунинг алкоғолик шахсиятининг айнашидан келиб чиқадиган енгилтаклик деб айтса бўлади. Дунёни сув олса, маст одам парвои-палак юриверади. Ичмай, ҳушёр турган алкоғолик ҳам шунақа бўлади. Даво усуллари кўп. Сенга таклиф этадиган усулим тўғрисида сўзлаб бераман.

— Ҳаёт учун хавфли усулми, бу?

— Ҳа десаям, йўқ десаям бўлади. Даволанишга жиддий қаралмайдиган бўлса, бу усул хавфли. Унинг икки хили бор. Шулардан бирини ўзинг танлаб олишингга рухсат бераман. Биринчи хили шундан иборатки, беморга таблеткалар ҳолида бўладиган антабус деган дори буюрилади (бу дорини тетурам деб ҳам айтишади). Антабус ичган бемор лоақал жиндаккина ичкилик ичади-

ган бўлса, у ўлиб қолиши мумкин, чунки оммабоп тил билан гапирганда, алкоголь қонда айланиб юрган дори билан бирикади ва саломатлик, ҳаттоки ҳаёт учун хавфли бўлган кам миқдордаги химиявий моддаларга айланади.

— Оқибати хунук экан...

— Афсус!

— Кузатишларингизга қараганда, натижалари қанақа?

— Ҳар қанақаси бўлади. Кўпчилик ҳолларда жуда яхши чиқади. Кузатувларимизда энди ўн йил ва бундан кўра кўпроқдан бери ичмай юрган касалларимиз бор. Антабус билан даволанишда алкоголь ечилиб кетгудек бўлса, ўлим юз процент бўлавермайди. Мана шу нарса бутун дунёда ичкиликвозлар назарида препаратнинг обрўсини бир қадар тушириб юборди. Қасал одам, худди унинг ўзи сингари антабус ичиб юрган улфатининг яна ичкилик ичишга бошлаганини ва тирик қолганини кўради. «Мен ҳам ичиб кўрай-чи, ҳеч нарса қилмас» деб ўйлайди, алкогольлик. Шунда у организмнинг хусусиятлари туфайли ўлиб кетадиган бўлса, — бу фожиа. Борди-ю, тирик қоладиган бўлса, уни даволаб тузатиш учун қилинган уринишлар беҳуда кетган бўлади, чунки у врачларга ишонмайди ва мук тушиб ичкиликбозлик қилишга тушиши мумкин. Униси ҳам, буниси ҳам, расво. Бундан ташқари, бизнинг касалларимиз бир қанча хавфли афсоналарни ўйлаб чиқариб, тарқатишибди. Эмишки, антабус ичиб юрган одам гўё унинг «кучини қирқа олармиш»: лимон еб олинса бас, бемалол ичавериш мумкин эмиш. Гўё одам ҳеч қўрқмай ўзини яна ичишга «ўргата-олармиш»: аввалига бир томчи, эртасига бир ангишвона, учинчи кунга бир рюмка ичиш керакмиш... бу ўринда биз қадимгилар ҳам айтиб кетишган қалтис хатони кўраимиз: шундан кейин деган гап шунинг орқасида деган гап эмас! Мастон буви ҳаворанг рўмол сотиб олган экан,

эртасига... ўлиб қолибди, эмиш. Аниқки, янги рўмол олгани учун ўлган эмас, у.

Антабус ичиб юрган алкоғолик иккита лимон еб олиб, кейин икки рюмка ароқ ичган, аммо тирик қолган бўлсин. Табиийки, у лимон билан дори «кучини қирқиб қўйгани» учун тирик қолгани йўқ. У, бахти чолиб, организмнинг турли хусусиятлари туфайли «ароқ билан антабус» қўшилмасига чидамли касаллар тонфасидан бўлган. Лекин бундай адашиш, бир томонидан, давога бўлган ишончга путур етказди, иккинчи томондан эса, қайғули оқибатларга олиб келади, бунда бемор лимоннинг халоскор таъсири бор деган миш-мишларга ишониб, ўлиб кетади.

— Шу даражада тубан тушиб, бир рюмка ичкилик деб ҳаётни таҳликага қўйиш керакми!

— О! Қуюшқондан чиққан асл алкоғолик «калласи ковоқ бўлиб қолган» одам бўлади. Таназзулга юз тутиб, жуда айнаб кетади. Бундан бир неча йил илгари менинг бир беморим антабус билан даволаниш вақтида ичишни шунча ҳавас қилганки, тез ёрдам номерини териб, бир қўлида телефон трубкасини ушлаганича иккинчи қўли билан чоракталик шишадаги бутун ароқни шундоққина шишанинг ўзидан томоғига ағдарган.

— Демак, антабус фақат одамни тутиб турадиган бир жилов эканда, ичкиликка ҳавасни йўқ қилмайди, у?

— Умуман олганда, йўқ, йўқ қилмайди. Лекин ҳали думалаб, жарнинг энг тагига тушиб кетмаган беморлар учун ичкилик ичиш имконининг йўқ бўлиб кетиши ичкиликка майл сезишни ҳам қандайдир психологик йўллар билан бир йўла камайтиради. Ўзинг ҳам, балки аҳамият бергандирсан, чекадиган одамлар кино-театрдаги сеанс вақтида тамакидан ўзини, тўғри, қисқа вақт мобайлида, анча бемалол тийиб туришади. Лекин «Тамом» деган титр пайдо бўлиб, одамлар эшикка қараб юришлари биланоқ, кашандаларнинг ҳаммаси сабри чидамай,

лабига сигарета олиб ҳўллашга, бармоқлари билан сигарета эзишга бошлашади.

— Хўш, даво усулининг иккинчи хили қанақа?

— Тубанлашиб, айнаб бўлган алкоголикни қуюшқондан чиқиб кетишдан антабус энди кўпинча ушлаб тура олмайдиган бўлгани учун олимлар бирмунча кучлироқ дориларни қидириб топишга мажбур бўлишди. Шундай қилиб, фармакологлар пиёнистани тийиб турадиган анча кучли дориларни қидиришлари натижасида бир қанча препаратларни таклиф этишдики, булар алкоголик ечилиб кетиб, яна ича бошлаганида деярли юз процент ўлимга олиб бориши мумкин. Иккинчи томондан, врачлар ихтиёрийлик жиҳатини ҳам йўқотишга ҳаракат қилдилар. Чунки антабус ичилганидан кейин нисбатан фақат қисқа муддат давомида таъсир қилиб туради. Бемор препаратни ўз ихтиёри билан ичади: истаса таблеткани ютади, истамас — йўқ. «Мен энди дорисиз ҳам ичмаслигим мумкин!» Шунда илгариги ҳамшишалари уни улфатга қўшилгин, деб ҳоли-жонига қўймай аврайверади ёки одамни ўз ҳисобидан адаштирадиган аллақандай бир кўнгилсизлик рўй беради. Қарабсанки, киши яна ечилиб кетади. Одам энди сираям ичмай яшайман деган ўз аҳду қарорининг қаттиқлигига ортиқча баҳо бериб юборган бўлади.

Янги препаратлар ичирилмайди, врачлар ибораси билан айтганда, перорал йўл билан юборилмай, балки эритма ҳолида венага, мускуллар орасига юборилади ёки таблетка ҳолида тўқималарга тикиб, «пайванд» қилиб қўйилади. Шундай қилиб, одам энди препаратни ўзида олиб юради, бу препарат аста-секин сўрилиб, нечанча ойлар давомида, бунда ҳам беморнинг ихтиёридан ташқари, кам-камдан қонга тушиб туради.

— Лекин мен, боя ўзингиз айтганингиздек, ҳали алкоголик бўлган эмасман-ку, бунинг устига айнаган ҳам эмасман, ҳали! Шунинг учун менга антабус яхшироқ бўлар...

— Ҳар ҳолда ўзингга асқотиб қоладиган бир имкон қолдирмоқчисан-да!

— Йўқ, Ҳали эсимни еганим йўқ. Ҳар қалай антабус ўша янги препаратлардек даҳшатли эмас экан-да...

— Хўп, яхши. Иккитасидан бирини танлаб олишни сенга ўзим айтдим. Эртадан бошлаб сенга антабус буюраман. Анализларинг яхши экан. Антабус билан даволашга йўл бермайдиган ҳеч қандай монеликларни топмабди, терапевт. Энди ҳозир даволаш вақтида спиртли ичимликларнинг ҳар қандай хилини ичиш ҳам, ўлар даражада хавфли эканлиги тўғрисида даволовчи врач огоҳлантирди деб тилхат ёзиб бер. Бу ердан чиқиб кетганингдан кейин, уйингда дорини қувватлаб турадиган кичик дозаларда анча вақтгача ичиб юрасан. Ҳазил-пазил қилакўрма, тағин!

— Мен ўзимга ўзим душман эмасман-ку!

Ординаторлар хонасига навбатчи ҳамшира мўралади:

— Вячеслав Сергеевич, сизни телефонга чақирингиз.

— Раҳмат.

— Мен кетаверсам бўладими? — деб ўрнидан турди, Таня.

— Боравер, Танечка. Ўйлайманки, ҳаммаси сенга аниқ. Эртадан давони яхшилаб бошлаймиз. Қўлёмани тузатиб берганинг учун раҳмат.

Улар биргалашиб, ординаторлар хонасидан чиқишди ва Вячеслав Сергеевич катта ҳамшира кабинети томон юрди, телефон аппарати шу хонада эди. Касалхона бош врач секретарининг:

— Доктор Беловми? Сиз дарҳол Петр Петрович олдига етиб келишингиз керак, — деган кескин овози эшитилди, трубкада.

«...Дарҳол... Керак...» Вячеслав Сергеевич алланечук жунжиккандек бўлди.

— Ҳозир, кетаяпман.

«Нега ҳамиша шунақайкин? — деб ўйларди док-

тор Белов, маъмурий корпусга қараб юрар экан. — Бир-биримизга ҳурмат билан гапиришни қачон ўрганаркимиз? Дарров сергакланиб қолсан-да, Беморлардан бирортасининг қариндошлари шикоят ёзиб беришганмикин балки? Бунақаси доим бўлиб туради — ҳаммага ёқа-вермайсан...».

— Бир масалани муҳокама қилиб чиқиш учун мен сизни чақирган эдим,—деб сўз бошлади, бош врач, салом-аликдан кейин. — Биласизми, қизиқ нарсалар бўлаяпти. Уруш даҳшатлари аллақачон орқада қолиб кетди. Урушдан кейинги тикланиш даврининг машаққатлари узоқ ўтмиш бўлиб қолди. Тўқ ва бадавлат яшамоқдамиз, ажойиб ҳодисалар билан тўлиб-тошган, устма-уст янгидан-янги кашфиётлар қилинаётган, мисли кўрилмаган ютуқлар бирма-бир қўлга киритилаётган замонда мароқли ҳаёт билан яшамоқдамиз. Болаларга ҳеч қасрда ва ҳеч қачон қилинмаган диққат-эътибор билан қарамоқдамиз. Ҳеч қандай сарф-харажатлардан қочмасдан, улар тўғрисида қайғуриб юрибмиз. Фақат соғ бўлишса бас, бахтиёр бўлиб ўсишса кифоя, деймиз.

«Нимага шама қилаяпти бу билан у?» деб ўйлади Белов. Бош врач эса давом этар эди:

— Бекаму кўст камол топиш учун ҳамма шаронг муҳайё! Шундай бўлса ҳам ҳеч тушуниб бўлмайдиган, кутилмаган, одамни сергаклантирадиган ҳодисага тўсатдан дуч келиб турамиз. Тўқлик ва бекаму кўстликда ўсиб келаётган ҳозирги ёшлар, уларни тарбиялаш бобида, бизни бир талай қийинчиликларга рўбару қилиб қўйишди. Балки мен энди қариб қолиб, кўпроқ жаврайдиган бўлиб бораётгандирман — айтишади-ку, илгари туя ёнроқ қумалоқларди, деб — лекин фикримча, ҳозирги ёшларнинг юриш-туришида илгаригидан кўра кўпроқ бузуқлик кўришиб қоляпти. Мен биринчи галда патологик ҳолатлар, касаллик ҳолатларини эмас, балки норманинг сўнг даражада бориб турган хилларини назарда тутиб гапираяпман. Патология нормага айниқса зич та-

қалиб келадиган, одам табиати билан юриш-туришининг айнаб қолиши биринчи ўринга ўтадиган соҳаларда ҳам, хулласини айтганда, психопатия ва психопатиясимон касалликларда ҳам ўсмирлар психиатрияси клиникаси ҳозирги кунда анча ўзгариб қолганини кўраимиз. Бизнинг ёшлик йилларимизда аллақайси бир чуқур қаърида қолиб кетган нарсалар энди тез-тез юзага чиқиб турадиган бўлиб қолди. Психопатияларнинг сони кўпайиб қолди деб айтишса, мен ишонмайман. Лекин ҳозирги ўсмирларда киши табиатидаги патологик ўзгаришларнинг кескинлашиб қолганини кўпроқ кўраётганимиз, назаримда шубҳасиз.

— Гапингизга бошдан-оёқ қўшиламан, — деб луқма ташлади, Вячеслав Сергеевич, нима бўлса ҳам бирон нарса гапириш учун, бир қадар ўнғайсизлик ҳиссидан қутилиш учун, чунки у касалхона бош врач, жиддий ва банд кишининг авжи иш куни пайтида нима учун ўз вақтини кетказиб, шундай гап сотиб, унинг вақтини олаётганини ҳамон ҳеч бир тушуна олмас эди.

— Биз қўл қовуштириб ўтира олмаймиз, Вячеслав Сергеевич! Биз ҳам бирор нарса қилишимиз керак. Бошқа одамлардан кўра кўпроқ ва эртароқ, педагоглар, журналистлар, психологлар, социологлардан кўра эртароқ ва кўпроқ нарса қилишимиз керак, ҳатто. Ҳақиқатда эса журналистлар бизни орқада қолдириб кетишди. Деярли ҳар бир газетани олиб қаранг-а. Фақатгина сарлавҳаларини кўриб чиқсангиз бўлади. «Ўсмирлар... Ўсмирлар... Акселерация... Қийин болалар... Ўсмирлар...». Журналистлар алла нарсаларни тушуниб, тагига етишга, изоҳлаб беришга ҳаракат қилишмоқда. Лекин буни уйдлаш уларга қийин. Бу ўринда биз ўз сўзимизни айтишимиз керак. Буни айтиш учун эса ўрганиб чиқиш зарур.

— Сиз тамомила ҳақсиз, Петр Петрович!

— Сени қара-ю... ҳақ... ҳақ... — деб тўсатдан «сен-лаб» гапиришга ўтди бош врач.—Мен сени шунинг учун,

менинг ҳақлигимни тасдиқлаб беришинг учун чақирганим йўқ. Сенда менинг ишим бор. Институтимизнинг директори билан ҳамма нарсани ўйлаб кўрдик ва ўсмирлар психиатрияси бўлимини очишга қарор қилдик. Мана шу тўғрида гаплашамиз. Мен янги бўлимга мудирлик лавозимини сенга таклиф қиламан. Ординатор бўлиб ўтираверишинг етар. Фаҳм-идрокли, билагон одамсан. Уа болаларинг йўқ. Оталик меҳр-муҳаббатингни, — деб Петр Петрович оғзини катта очиб кулди ва қўлини доктор Белов елкасига қўйди, — ўз беморларингга кўрсатаверасан. Хўш, нима дейсан?

— Ординатор бўлиб юрганам бирмунча тинчроқ. Шухрат кўпдан бери мени энди қизиқтирмай қўйган. Уттиз-ўттиз беш ёшимда бўлса, севинган бўлардим. Энди бўлса... Ўйлаб кўриш керак.

— Ўйлайдиган жойи йўқ. Кўнгилдагиларни гаплашиб олдик, етар! Сизга командировка ёзилиб, тайёрлаб қўйилган, — деб тўсатдан қаттиқ-қаттиқ гапирди Петр Петрович, яна «Сизсирашга» ўтиб, — Ленинградга, профессор Клячко Сергей Анатольевич олдига борасиз. Уша ерда бир ой иш ўрганиб келасиз. Командировка ҳужжати, пулларингизни олинг ва йўлга тушинг. Эртагаёқ. Хайр.

Петр Петрович ўрнидан турди ва гап тамом бўлгани ҳамда эътироз қилиш мумкин эмаслигини билдириб, хайрлашиш учун қўлини узатди. У Вячеслав Сергеевични эшиккача кузатиб бориб, хайрлашув олдидан унга тилёғламалик билан деди:

— Бошқа одам бўлса, уч ой ҳам камлик қиларди, ақли расо одам бўлганингиз учун сиз бир ойда ҳамма нарсани билиб олишга улгурасиз. Дарвоқе, тематика сиз учун нотаниш нарса эмас. Янги бўлимда ҳар бешта бемордан биттаси, афсуски, ё ичадиган ёки ҳатто алко-голик бўлади. Ҳа-ҳа! Ҳайрон бўлманг ва шунга тайёр туринг. Шундай қилиб, олижаноб ва масъулиятли вази-

фага сиз ҳаммадан кўра кўпроқ муносиб келадиган номзодсиз.

Петр Петрович яна кулди ва Вячеслав Сергеевични сал туртиб эшик томон итарди.

— Ахир мен... — деб доктор Белов Петр Петровичга қайрилмоқчи бўлган эди, лекин эшик қулфи шиқ этиб, бекилиб қолди ва Вячеслав Сергеевичнинг бўлимга қараб йўл олишдан бошқа иложи қолмади. У ўзидаги касаллик варақаларини тезгина бўлим мудирига топшириши ва беморларига охирги йўл-йўриқларни бериши керак эди.

Доктор Белов лифтда тўртинчи қаватга, ўз бўлимига чиққанидан кейин қандай вазият юзага келганлиги тўғрисида айтиб бериш учун тўғри мудир олди борди. Лекин мудир уни оғиз очишга ҳам қўймади, ҳамма нарсани ўзи биларди. Шунинг учун ҳам:

— Эсиз, сиз билан ажралмасак бўларди, Вячеслав Сергеевич! Мен сизга ўрганиб қолдим. Чиндан ҳам эсиз. Ҳали ўрнингизга кимни беришлари ҳам номаълум... Касаллик тарихи варақаларини тўлдириб бўлиб, эртароқ уйингизга боринг. Йўлга ҳозирлик кўришингиз ҳам керак.

Вячеслав Сергеевич касалларни айланиб, кўриб чиқди. Улар билан хайрлашиб, касаллик тарихи варақаларига сўнги ёзувларни ва буюрилган нарсаларни ёзиб қўйди-да, командировка ҳужжатини олиш учун жўнади.

Кўнглининг ич-ичида Белов кундалик ишдан нарироқ бўлиб, нафасни ростлаб олиш учун тўсатдан имкон туғилиб қолганидан ҳурсанд эди. Москва—Ленинград поезди вагонидан у китоб ва журналларни териб қўйиб, олдига кофели термосни қўйиб олди ва мазза қилиб ўқишга тушди. Унинг учун аниқдан кўра кўпроқ мавҳум бўлиб кўринган, тушуниб бўлмайдиган ўша олис ўсмир билан лоақал китобларга қараб танишиб чиқмоқчи эди, у. Келгусида ўсмирлар билан, ўсмирлар билан бўлганда ҳам одатдагича йигит-қизлар билан эмас, балки касаллик

орқасида бошқача бўлиб қолган ёшлар билан ишлаш Вячеслав Сергеевични сал чўчитар эди.

Ҳаммадан олдин ҳозирги ёшларнинг нормада қанақалигини билиб олмоқчи эди, у. Лекин китобларда кўзга ташланган образ анча нотайин эди.

Усмир... У энди бола эмас, лекин ҳали вояга етиб катта бўлган ҳам эмас, аммо ўзи тезроқ катта бўла қолишни жуда-жуда истайди. Айтишларига қараганда, ҳозирги ўсмирлар анча эртароқ бўйи чўзилиб, кучга тўлиб қолишаётганмиш, билим донраси жиҳатидан, тўғрироғи, турли соҳаларга тааллуқли билимларни «кўнглига жо» қилганлиги жиҳатидан олганда эса катталардан қолишмасмиш. Лекин ижтимоий етуклик даражаси жиҳатидан олганда ҳозирги ўсмир ўтмиш авлодлардаги ўз тенгқурларидан анча орқада туради, деб ҳам ёзишибди. Ҳаракатлари келишмаган, яхши уйғунлашмаган, қўполроқ, чунки ўсмир ўз танасини бошқаришни ҳали билмайди. Уйлаб-петиб ўтирмасдан ҳар хил қилиқлар қилаверади, кутилмаганда бирдан шодланади ёки, аксинча, ғамгин бўлиб қолади, чунки ўсмир ўз ички дунёсини ҳали тартибга солиб улгурмаган бўлади. Унинг организми эса зўр бериб ривожланиш ва қайта қурилишда давом этиб боради. Шунга кўра у ўзида тинмай рўй бериб бораётган ўзгаришларни жиловлаб олишга ҳамиша ҳам қодир бўлавермайди: кўпинча бунинг учун куч ҳам, тажриба ҳам етишмай қолади. Мана шунинг натижасида вужудга келадиган ички кескинлик ўсмирнинг атрофдагилар билан ўзаро муносабатида ихтилофлар бўлиб туришига олиб келади. Дунё кўпинча унга низою можаролар ва нуқсонларга тўлиб-тошгандек бўлиб кўринади. Усмирга баъзан одамлар уни тушуна олмайдигандек бўлиб туюлади. Биринчи галда, равшанки, ота-оналари уни тушуна олмайдигандек бўлиб кўринади, назарида. Дарвоқе болаларимизнинг бундай қараганда ҳеч нарсага арзимагандек бўлиб кўринадиган муаммоларига ўзимиз ҳам гоҳо етарлича аҳамият бермаймиз-да. Турмушдаги

Ўзимизнинг юриш-туришимиз тақлид қилса арзийдиган намуна бўла олади деб ҳаммамиз ҳам айта олармикимиз, қўлни кўкракка қўйиб?

Шу тўғрида ўсмирларнинг ўз фикру хаёллари жуда қизиқ. «Литературная газета» ўсмир ва ёшларнинг хатларини териб-териб босиб чиқарди. Уша хатларда «ўзининг туғилиб ўсган уйи» тўғрисида ҳам, ўз ота-оналари тўғрисида ҳам ёшларнинг нималар деганлари айтилган. Қулоқ эшитмаган одобсизлик, бу, дейсизми? Э, йўқ! Кўнгил фарёди, бир-бировни тўла тушуна оладиган бўлишга интилиш бу, кўпроқ.

«Ҳозир қочиб кетгинг келадиган уйлар кўп, — деб ёзади москвалик ёшгина қиз В., — квартирани худди музейга ўхшаб қўриқлаб туришади. Фақат пайпоқ ёки носки кийиб юриш мумкин. Уйга берилган топшириқни билиб олиш учун қизлар келишган эди, зинахонада дафтарни деворга қўйиб туриб ёзиб олишди...».

Хўш? Бўлмайдими шунақаси? Жилоланган мебель худди байрамга ясаниб олгандек металл бандларини ялтиратиб туради, кўзгудагидек афтинг кўринадиган паркет, стуллар филофга солиб қўйилган... Оиланинг ўзи бўлса, тирикчилигини ошхонада ўтказди. Бу ерда фақат овқат ейишмайди — телевизор кўриладиган, китоб ўқиладиган, онла ишлари гаплашиб олинadиган жой ҳам шу ернинг ўзи. Ётиб-турадиган уйлар эса — қадам босиб бўлмайдиган жой!

Мана, яна бир нечта хат.

«Менинг катталарга тақлид қилгим келмайди. Ўз манфаатинигина ўйлайдиган, ўзига бино қўйган, бақбақаси солиниб кетган одам бўлишни истамайман. Мебель олиш учун елиб-югуриш, нуқул манфаат тўғрисида гапиришни истамайман» — деб алам билан ёзади москвалик Жёня А. У ўзининг катталар тўғрисидаги фикрларида қанчалик ҳақ бўлса, афсуски, шунчалик ноҳақ ҳамдир. Шунинг учун ҳақки, катталар ҳар хил бўлишади. Ва худди шу сабабдан у ноҳақ ҳам!

«Кўпинча биз, — деб шу фикрни қувватлайди донецклик Сева П., — ўн йилдан кейин ким бўламиз деб ўйлаймиз. Баъзилар ота-оналарига ўхшаш бўлишни орзу қилишади, баъзилар эса бундан қўрқишади. Чунки катталар ҳар хил бўлишади-да. Ўзимизнинг қувноқлигимизни келгусида қандай қилиб сақлаб қолишни билмаймиз».

Равшанки, гап биргина қувноқликда эмас. Афтидан, Севанинг ўзи ҳам фақат шу тўғридагина ўйламаган бўлса, керак.

Бошқа хатлар одамни кўпроқ сергаклантиради, уларнинг муаллифлари анча аниқ фикрларни баён қилишади.

Бухоролик Х. Шариф мана бундай деб ёзади:

«Баъзиларнинг ота-онадан омади келган. Мен ҳам ўн уч ёшимдан катталарга эргашиб, улардан ўргангим, улар қилган ишларни қилгим келди. Хўш, улар нима қилишарди, денг? Уззукун чойхонада ўтиришарди. Ичишиб, жанжаллашар, ёқалашар, вақтини ўтказишарди. Мен ҳам улар билан қўшилиб, ича бошладим».

«Отам менга панд-насиҳат қилади-ю, — деб зорланади ростов-донлик Зоя Г., — бироқ ўзи кейин автоматга бориб бошқа кишилар билан бир неча соат ўша ердаги стол атрофида туриб, пиво ёки вино ичади. «Панд-насиҳати» нинг ҳамма қадр-қиммати мана шуми?»

«Бизнинг очиқдан-очиқ ёзган изҳори номаларимизда, — деб такидлайди ленинградлик ўнинчи синф ўқувчиси Игорь В., — талабгорликка даъват ҳам, ўз-ўзидан мамнунлик ҳам йўқ. Уларда: «Бизни тушунинг» деган ёлбориш бор. Бизларни «иш билан банд болалар» ва «мулла бекорларга» ажратманг. Биринчиларга ҳамма нарса, ҳатто модага эргашиб соч қўйиш ҳам кечириб юборилаверади, чунки уларни худди катталардек бўлиб қолган дейишади. Бунақа болалар бешинчи синфдан бошлаб ҳамма нарсанинг моделини ясаб, конструкциясини тузишади. Шунга кўра ота-оналарининг «уларнинг келажаги тўғрисида кўнгли хотиржам», бу ота-оналар

учун шуниси муҳим. Хўш, мен ўз ўрнимни топмаган бўлсам-чи? Менинг ўша ўрним қаерда эканлигини ҳозирча билмайман ҳам. Ахир менга ўхшаганлар кўп-ку. Биз тўпланишиб, кечқурунлари баҳслашамиз, ҳам. Сиз, катталар ҳам тўпланишиб турасизлар-ку. Сизлар ҳаётнинг маъноси тўғрисида ёки пул тўғрисида сўзлашасизлар, биз эса фақат ҳаёт тўғрисида гаплашамиз».

Ўн беш яшар ленинградлик Женя С. эса «ота-оналар ўз болаларининг энг яхши дўстлари бўлишлари керак, деб ҳисоблайди. Биз, — деб ёзади у, — шунни истаймиз. Ана шунда фожиалар бўлмайди».

«Тарбиямиздаги болаларнинг очикдан-очик айтган мана шу фикрлари, — деб хаёл сурди доктор Белов, — жўн бўлса ҳам, жуда зўр аҳамият беришга арзийдиган эканлигини тан олмасдан бўлмайди».

Ўсмир ўзига гўдак боладан кўпроқ талабчан бўлади. У ҳар доим катталардек бўлишни истайди ва атрофдаги одамлар ҳам ундан кўпинча егук кишидек ҳатти-ҳаракат қилишни кутаётганлигини кўриб туради. Башарти, унинг ўз эҳтиёжлари одамларнинг ижтимоий манфаатларига тўғри келмай қолса, бундан ўсмир қаттиқ қийналади.

Бироқ, ўз-ўзини кўрсатишга уринар экан, у катталар билан бир қаторда туришга ҳеч қачон ошиқмайди. Йўқ, унга унинг ҳозирги куни жуда ёқади, катталарнинг вассийлигидан келиб чиқадиган фойдадан у бемалол баҳраманд бўлаверади.

Ўз-ўзини кўрсатишга интилиш ўсмирда кўпинча ғалати, баъзан ҳатто хунук шаклларга киради. У ота-оналар ва мураббийларга доим сўз қайтаришга, катталарнинг маслаҳати ва насиҳатларига қарамай, доим тескари иш қилишга тайёр туради. Негаки бизнинг насиҳатларимиз аксари жуда жонга тегадиган ва одатда ҳаддан ташқари чўрт кесар бўлади-да. Бундай гап-сўзлар ўсмирнинг жон-жонига тегиб кетадиган бўлса, ажаб эмас. Бундан ташқари, у ҳар қандай қилиб бўлса ҳам ўзининг мустақиллигини кўрсатмоқчи бўлади.

Ўз-ўзини кўрсатишга интилар экан кўпгина ўсмирлар етукликнинг чин ва сохта белгиларини аксари адаштириб қўйишади.

— Ўзимнинг ҳамма тенгқурларим каби, — деб айтади Ленинградда турувчи ўн беш яшар Саша В., ўз-ўзидан мамнулик ҳисси билан, — замонавий музика билан қизиқаман. Фақат бошқалардан фарқ қилиб, саккиз-ўн та эмас, балки саксонга-юзга дискнинг номини биламан. Лекин шунда ҳам одатдагича ўқийман. Болалар менга ишонишади, беш кишилашиб уришиб турган қизнинг ёнини олишга қўрқмаганимни билишади. Илмий мудирнинг ноҳақ эканини унга айтишдан ҳам қўрққаним йўқ. Бироқ кайф қилиб олган пайтларимда мени чоғи йигирма ёшлардаги қиз билан бирга йўлакда турганимни кўриш мумкин. Ўша ерда кўриб қолсангиз, сизлар катталар мени дарров у «довдир» экан, деб ўйлайсиз. 15 яшарлигингизда Толстой, Чехов, Достоевский, Бальзакнинг ҳамма асарларини ўқиб чиққанмисиз? Мен бўлсам, ўқиб чиққанман. Бутун бир шишани дам олмасдан туриб ича оласизми? Мен ича оламан. Сизнинг адабиёт назариясидан мақолаларингиз борми? Йўқ, дейсизми? Менда бўлса, бор. Ҳамма нарсани бирга қўшиб олиб боришни билиш керак».

Ҳамма нарсани бирга қўшиб олиб бориш? Агар шу ҳамма нарса ҳеч нишхўрт чиқармай истеъмол қилавериш ва сипоҳилардек мақтанаверишдан иборат бўлмай, маънавий талабларнинг кенглигидан иборат бўлса-ку, яхши. Афсуски, Саша ҳозирданоқ «бир шишани дам олмасдан ича оларкан». Шу ўринда у бу гапни ичидан тўқиб чиқарган деб умид қилгинг келади. Бордию бундай бўлмаса, унда аҳвол чатоқ. Ичкилик ичишнинг бунақангги «одатдан ташқари» усули соғлом одамнинг кўнглини айнатади. Ичкиликвоз ёки алкоголик одам, яъни касал одамгина дастлабки вақтларда борган сари кўпроқ миқдордаги спиртли ичимликларни «қилт этмасдан» ича

олади. Бундан уялиш керак. Мақтанадиган жойи йўқ, бунинг.

«Довдирлар»нинг танлаб олган ҳаёт тарзи бахт бермаслиги ва яхшиликка олиб келмаслигини уларнинг ўзлари ҳам эртами-кечми тушуниб қолишади.

«Довдирлар» орасида ўтказганим икки йилни унутиб юборгим келади. Бу — маъноси йўқ, сўниқ бир манзара, беҳуда ўтказилган йиллар эди» (Галя Р., Челябинск).

«Мен шунақа тўдаданманки, — деб ёзади ўз исмини айтишни хоҳламаган севастополлик қиз, — ундан ҳамма қўрқади. Болалар майдончаларининг ҳаммасини бузиб, гулзорларнинг ҳаммасини пайҳон қилиб ташладик. Деярли ҳар куни кечқурун уриш бўлади. Уришишда бизлар ҳам ўғил болалардан қолишмаймиз. Ҳаммада пул бор, — шунга кўра шиша анқонинг уруғи эмас. Деярли ҳаммамиз милицияда ҳисобда турамиз. Лекин сўнги вақтларда менга буларнинг ҳаммаси нимага керак деб кўп ўйлайдиган бўлиб қолдим. Бунақанги ҳаёт яхшиликка олиб бормаслигини биламан. Баъзан қизлар билан шу тўғрида гаплашамиз. Лекин нима қилиш кераклигини, бир-биримиздан қандай ажралиш кераклигини ҳеч ким билмайди».

Кўпчилик йигит-қизлар эса «довдирлар»ни очикдан-очик қоралашади ёки уларга нафрат билан қарашади.

«Бу болалар гап-сўзларининг мавзуи жуда қашшоқ; кимнинг ва қандай қилиб «довдир» бўлганини гаплашишади ёки саргузашт фильмларининг сюжетини гапириб ўтиришади. Нутқлари камбағал ва пойма-пой, унда сўкиш сўзлари кўп-у, маъно кам» (ўнинчи синф ўқувчиси Виктория М., Уссурийск).

«Э, худо, уларнинг беъмани гап-сўзлари, бузуқ тили бирам кўнгилини айнатади-ки!» (Георгий А., Молдавия ССР, Конгаз қишлоғи).

Шуниси қайғулики, баъзи йигит-қизлар бўлари бўлиб, фурсат ўтганидан кейин ва ақлдан бегона бўлиб, маст-аластлик билан вақт ўтказилгани учун ҳаддан таш-

қари катта тўлов тўлаганларидан кейингина «довдирлик» дан ҳафсаласи пир бўлиб қолган.

«Мен ҳозир ўн саккиз ёшдаман, — деб айтади, алам билан Борис Р. (Донецк яқинидаги Селидово шаҳри), — эслаб юришга эса ҳеч нарса йўқ. 7-синфдан кейин мактабни ташладим, «эркин ҳаёт» орқасидан қувиб кетдим, ичадиган, велосипед, мотоцикллар ўғирлайдиган бўлдим. Милиция, онам номига солинган жарима. Энди бўлса фақат уяламан ва ўз ҳаётимни ўйлаб ваҳимага тушаман. На бир касб-корим бор, ва на маълумотим».

Ёзувчи Ольга Чайковская «Довдирликка қўйилган уч айб» мақоласида мана бундай деб ёзади (Литературная газета, 1977 йил, 2-февралдаги сони):

«Маст бўлиб, гангиб юришнинг фойдаси бор дейсизми? Хом хаёл гап бу. Шу сабабдан мен ёзувчи учун одатдан ташқари ролни ўйнаб, қораловчи бўлиб чиқмоқдаман — мен «довдирлик» ни шунда айблайманки, у ёшларнинг саломатлигига путур етказди, у ёшларни ҳаётда актив ўрин олишдан маҳрум қилади ва у хавфли характерларни вужудга келтиради. Шунинг учун мен ҳам бундай ёш-ялангларга, яхшиямки, бунақалар бизда кам, айтмоқчиман: ўзингиз ва сизнинг тўдангизда нималар бўлаётганига бир назар солиб кўринг. Тезроқ бўлақолинг — вақт кутиб турмайди. Мен бунинг қандай оқибатларга олиб боришини кўрганим учун шундай ишонч билан гапираётиман».

Мана шу ишончли тезисларнинг учинчисига мисол тариқасида у даҳшатли бир ҳодисанинг тасвирини келтиради:

«... Игорь ичиб олди ва боши айланиб, кайф қилганидан кейин танца тушиладиган майдончага боришга қарор қилди, ўзининг қизи ҳозир ўша ерда эканлигини биларди у. Лекин у маст бўлгани учун қизи у билан танца тушишдан бош тортди — худо билади, фожиамикини шу ҳам. Шу орада танца майдончасига Игорнинг ўртоғи Костя кириб қолди. Йўл-йўлакай, тасодифан кириб қол-

ди: у Игордан катта, уйланган, яқинда ота бўлиб қолган эди, танца майдончасида вақт ўтказиш учун унда энди фурсат йўқ, бунинг қизиғи ҳам қолмаган эди, у уйига шошиб турувди. Бояги қиз унинг дўсти билан танца тушишдан бош тортганлигини билмасдан, сезмасдан туриб, у ўша қизни танцага таклиф қилди ва шу қиз билан бир марта, атиги бир марта! — танца қилиб, кейин йўлига қараб кетди. Битта танца қанча давом этиши мумкин — бир неча минутми? Мана шу минутлар ичида Игорнинг қонга тўлган миясида, унинг «довдир» бўлиб қолган миясида ҳамма нарса жуда остин-устун бўлиб кетди. У Костяга етиб олиб, унинг йўлини тўсди:

— Юрагинг қаерда?

Бунга жавобан Костя кулди ва ўз кўкрагининг чап томонига уриб-уриб кўрсатди:

— Мана бу ерда юрагим.

Шу сўзлар унинг сўнгги сўзлари бўлди. Игорь пичоқ уриб қўйди ва шу заҳотиёқ даҳшатга тушиб, тез ҳушёр торта бошлади, ҳушёр бўлиб, бундай қараса, жонсиз жасад ёнида ўтирибди.

Мен шу йигитни қайғу ҳасратдан ақлини йўқотаёзган ҳолда турмада кўрдим. Дам-бадам Костя унинг тушига кириб, «Нима қилувдим сенга?» деб сўрармиш. Игорь бўлса тушида ҳам, ўнгида ҳам унга жавоб беролмас экан. Шу ҳодиса қандай рўй берганини, кимнинг амри билан қўли шунга борганини билмасмиш. Худди уни биров тагин алиштириб қўйгандек, ўзими-ўзимасми тагин билмасмиш. Гўё бир жодугар».

Одамнинг томирларидаги қонини ҳам тақа-тақ тўхта-тиб қўядиган бундай ҳикоялар олдида пардоз-андоз тўғрисидаги, модага кириб қолган латта-путталар пайдан бўлиш, ўзмирларнинг энгил музика билан ҳаддан ташқари қизиқишлари тўғрисидаги қадимги баҳслар Вячеслав Сергеевич назарида унча жиддий эмасдек туюларди. Хўш, деб ўйлар эди у, жинси кийимларга болалар ялписига иштиёқманд бўлиб қолишган бўлса, нима қилибди?

«Сиз бир кўришдаёқ бизни таниб оласиз, — деб ёзади москвалик Сергей (17 яшар), — жинси билан майка, бунинг ёзуви бўлмаса ҳам бўлаверади, бошга оро берилган, қўлда каттакон амал портфель ёки елкадан ўтказиб, осиб олинган қўл бола халта. Энг муҳими эса — ўзни эркин тутиш. Катталар энди анча сергак бўлиб қолишгандир, балки? Ўзлари эса кийимга қараб гапирмаслик керак дейишади. «Адидас» майкаси тагида ҳам олижаноб қалб уриб туриши мумкинлигини қачон тушинишаркин, улар?! Ҳа-ҳа!».

Эҳтирос меъёридан сал ошган-а. Лекин Сергей ва унинг дўстларида олижанобликни инкор қилиш учун чиндан ҳам асос бормикин? Аммо киевлик Катя В. нинг фикрлари, албатта, ўринли.

«Бундай болалар устидан биз куламиз, — деб ёзади тили тез ва, афтидан, ақлли Катя, — улар, ахир, гўдакнинг ўзи-ку! Лекин ҳозирнинг ўзида мешчан бўлиб олган гўдаклар, улар. Нуқул латта-путта ва «плиталар» (пластинкалар — ред.) тўғрисида ва яна кеча қаерда ўтиришгани, қанча ичишгани ва ким билан бирга кетгани тўғрисида гаплашишади. Бундай қараганда эса, кўзга жуда ҳаммалари бир қолипда. Уларнинг назарида кўк шими билан майкалари бўлмаса, худди «қиёфаси» йўқолиб қоладигандек. Лекин аслида буни улар бир андозадаги ўша кийимларини кийиб олишганида йўқотиб қўйишади».

Рустем С. нинг сўзлари ҳам анча ўринли (Златоуст): «Эрнесто Че Гевара ёшлигида севикли қизи олдига йиртиқ ва чанг босган ковуш билан эски гимнастеркада келиб, атрофдаги олифтанамо одамларни хижолат қилишини ўқидим. Лекин у одамларни хижолатга қўйишдек мақсадни ўйламас эди. Унинг нима кийганлиги ўзи учун мутлақо барибир эди. Нега энди биз кийим-кечак деб ҳозир шунчалар кўп югуриб-еламиз ва ўзимизнинг ақлидрокимиз билан табиатимиз тўғрисида шунча кам ўйлаймиз?».

Пардоз-андоз тўғрисида Лена П. «Литературная газета»га йўллаган хатида кўп мулоҳаза юритади.

«Ўсмирлар тарбияси тўғрисидаги мунозаранинг ҳаммаси: болаларнинг кечқурунлари кўчада юришига, қизларнинг пардоз-андоз қилишига йўл қўйманг, шунда ҳаммаси жойида бўлади, шунда улар бағри тош бўлиб ўсмайди, деган битта гапдан иборат бўлиб қолапти деб қўрқаман. Мен кўз-қошларни бўяшнинг бағри тошликка ҳеч қандай алоқаси йўқ деб эътироз билдирмоқчиман».

Кўпгина хатлар музикага қизиқиш проблемасига бағишланган. Мана, норильсклик ўқувчиларнинг хати:

«Яқинда «Литературная газета» яхши пластинкаларни магазиндан олиб бўлмайди, маза-матрасизлари қолади, деб тўғри ёзди. Нарх-навоси ҳаддан ташқари баланд; ашулачи ёки куйловчиларнинг қанчалик танилганига қараб битта пластинканинг нархи эллик сўмдан юз сўмгача боради, битта магнит ёзуви беш сўм. Нима учун «Мелодия» фирмаси ёшларнинг талабини ҳисобга олмайди? Сийқаси чиққан ғарб музикаларини айтаётганимиз йўқ, ҳақиқий музикачилар — «Битлз», «Дип перпл», Демис Руссо ва бошқаларни назарда тутаяпмиз».

Ахир, бу болалар ҳам ҳақ-ку, албатта! Гап, гарчи ёшларнинг дидлари тўғрисида жуда жиддий равишда қайғуриш зарур бўлса-да, уларга қандай музика ёқиши, моданинг характери тўғрисида эмас, балки майл-истаклари, қизиқишларининг кенглиги ва чуқурлигида, ўсмирларнинг идеални қандай тушунишларида...

Болалик давридан эндигина ўтган инсон ҳар нарсада ўзини энг юқори даражага қўйишга уринади. Агар биз, катталар, ўз тарбиямиздаги одамда дуруст идеаллар қарор топиб борсин деб ўз вақтида ғамхўрлик қилган бўлсак, шу хилда юксакликка интилишдан қўрқмасак бўлади. Юксакликка шунақа интилиш, юқори талаблар қўйиш вақтинчалик нарсаю, лекин одамнинг ўз-ўзини камолга етказишида ишончи стимул бўлади.

Ҳа, нормал ўсмирнинг ички дунёси мураккаб. Вячес-

лав Сергеевичга эса касал бўлиб қолган ёки, жуда бўлмаганда, касалликка яқинлашиб қолган болалар ва ўсмирлар билан ишлаш керак бўлади-да! Еш ўсмирлик, шу даврнинг баъзи муаммоларини, шак-шубҳасиз, ўзига мерос қилиб оладиган бўлишига қарамасдан, доктор Белов хаёлида ўсмир образи анча аниқдек бўлиб туюлар, жуда яққолдек бўлиб кўринарди. Ўсмир анча ўзини босиб олган, ўзидаги «мен» билан келиша олмасликни кўп даражада енгган, бунинг устига жисмонан етилиб, аввалги бесўнақайлиги ва қовушмаслигини йўқотган, ўз ҳаракатларини расо уйғунлаштиришни ўрганиб олган, айниқса спортдан нари юрмаган бўлса, бўй-бастини анча келишимли қилиб олган бўлади.

Ўсмир бор кучи билан катталардек бўлиб кўринишга интилади. Ўсмир кўп жиҳатдан олганда энди анча катта бўлиб қолган, вояга етган одамдир. У меҳнатга бир мунча жиддий муносабатда бўлади. Агар таъбир жоиз келадиган бўлса, ўсмир ҳаётда энди томошабин эмас, балки актёрдир.

«Совет ёшларининг қувноқлиги, тетиклиги ва ҳар нарсага умид билан қараши, — деб ўқиди доктор Белов, шахсият социологияси проблемаларини ўрганувчи профессор Игорь Семенович Кон китобидан, — уларнинг ҳаёти маш-машасиз ўтади ва ривожланишининг зиддиятлари «яхши билан янада яхши ўртасидаги тинчгина курашдан»гина иборат деган гап эмас. Ёшларга тааллуқли мураккаб проблемалар оз эмас, уларнинг орасида капитализмнинг одамлар онгидаги сарқитлари билан мутлақо ҳас-пўшлаб бўлмайдиганлари ҳам бор».

Еш йигит ҳаётнинг маъносини тушуниб етиш, билиб олишга ҳаракат қилади, ўзини танишга, ўзининг бу дунёдаги ўрнини билиб олишга, ўзининг қўлидан келадиган ва ўз майл ҳамда ҳавасу қизиқишларига мос тушадиган иш топишга уринади. Нега деганда унинг олдиди бугун чексиз имкониятлар очилади-да. Еш одам ўз турмуш тарзини ўз ихтиёри билан белгилаб олиши, амалда ҳар

қандай касб эгаси бўлиб олиши мумкин (ўсмир қизчаларнинг деярли ярмиси албатта актриса бўламан деб интилишини ҳисобга олмаймиз — бу нарса одатда номунишон қолдирмай ўтиб кетади). Ниҳоят, ёш йигит ўзининг бутун умрига йўлдош топиши керак бўлади, қиз бола олдида эса эр танлаш вазифаси туради.

Ҳаётда йўл кўп, ҳамма нарсани ёш йигит-қизнинг ўзи ҳал қилиши керак. Барча социал ролларни «чамалаб кўриш», фаолиятнинг ҳамма турларини синаб кўришнинг иложи йўқ. Борис Леонидович Пастернак музикачилик касбими ёки шеърятми шулардан қайси бирини афзал кўришни билмай узоқ иккиланиб юрди. Александр Сергеевич Пушкин ҳам шоир, ҳам ўткир расом эди. Леонардо да Винчи ўзини ҳаддан ташқари кўп қиррали одам: иқтидорли инженер, синчков анатом, истеъдодли шоир, ҳассос тарихчи, машҳур архитектор, гениал сураткаш ва расом сифатида танитди. Лекин бу гаплар ниҳоят даражада зўр ижодий истеъдодга эга бўлган одамлар тўғрисида. Улар яшаб ўтган замонларда тор соҳага ихтисосланиш тараққиётнинг муҳим талаби ҳам эмас эди, ҳали. Ўтмишда талайгина ижодкорлар учун ўз ўрнини топиш қийин бўлган. Ҳозирги кунда бирдан-бир тўғри йўлни танлаб ола билиш оддий одамга янада қийин. Чиндан ҳам ҳозирги ёш йигит, ҳозирги қиз бола кўзи жовдираб қолиши мумкин.

Ҳаётнинг маъноси тўғрисидаги савол бундан ҳам мураккаброқ. Катта ёшли нормал одамда бундай савол туғилмайди. Етук одам ўз ҳаёт йўлини энди ҳар қалай топиб олган, белгилаб чиққан бўлади. Ўз-ўзини ўйлаб, таҳлил қилиб ўтириш, гумону шубҳалар билан кўнгилни бўлиб юришга унинг қўли ҳам тегмайди. У иш билан банд. Кундалик юмуш ва ташвишлар билан овора. Ёшларда эса умумий характердаги масалалар устида бош қотиршга эҳтиёж бўлади ва вақт ҳам бор, келажак тўғрисида уларда ҳали узил-кесил азму қарор бўлмайди. Ўз-ўзини ўйлаб, таҳлил қилиб кўриш, жамиятдаги ўз

ўрни тўғрисида, истеъдод тўғрисида фикр қилиш — бу, агар маъзур кўрсангиз, инсоният томонидан шахсийлик билан ёшларга тақдим этилган ҳашамат. Мана шу проблемаларнинг ҳаммаси ҳам жонли амалий фаолиятдан бир қадар бўш қолиш натижасидир. Ёш йигит ёки қиз бирор нарса билан қизиқадиган бўлса, ўз шахсининг аҳамияти тўғрисида фикр қилиб, бош қотириш учун зарурият ҳам, имконият ҳам қолмайди. Фойдали амалий ишдагина одам ўз-ўзини билиши ва яшашнинг маъноси тўғрисидаги саволга жавоб топа олиши мумкин.

Иккинчи томондан, мароқли иш, ҳар хил ҳавас-истаклар ёш йигит ёки қизнинг юриш-туришида бирор хил ўзгариш рўй беришига йўл қўймайдиган энг яхши воситадир, зеро ёшлар яққол кўзга ташланадиган ва одатдагидан бошқачароқ кўринадиган нарсаларнинг ҳаммасига табиатан ўч бўлганлигидан нотўғри йўлга кириб қолиши, ҳаттоки шунчаки шўхлик юзасидан безорилик қилиши мумкин — ўзгалардан бошқача бўлиб кўринса, ном чиқарса, ўзини бирор ерга қўйса, бўлгани.

Балоғатга етиш даврини ёшларнинг ҳаётидаги энг муҳим давр деб эътироф қилиш керак, бу давр жуда катка физиологик ва психологик ўзгаришлар билан бирга давом этиб боради. Ёшларнинг баъзиларида бу давр тўқнашувларсиз, силлиқлик билан ўтса, бошқаларида бир мунча жиддий оғишувлар пайдо бўлиши билан ўтади. Ҳозирги ёшлар жинс ахлоқи бобидаги анча мураккаб ўзгаришлар даврига кириб қолди. Бир томондан, асерий хурофотлар ва диний тақиқлардан онгининг халос бўлишидек жуда ижобий фактни кўриб турибмиз. Иккинчи томондан, эркак билан аёлнинг ўзаро муносабати проблемаларига тааллуқли юксак маънавий идеалларнинг тўқнаш келиб қолиш хавфи йўқ деб айтиб бўлмайди. Яқинликда яшаш тўғрисида бир қадар эркин фикрларда бўлиш қисман балоғатга етиш муддати билан ижтимоий жиҳатдан етилиш муддати орасида фарқ борлигига боғлиқ. Жисмоний жиҳатдан энди росмана етилиб

қолган ўсмир одатда техникум ёки институтда ўқишини ҳали давом эттираётган, моддий бадастурлик, онлани таъминлай олиши жиҳатидан олганда, оила қуришга ҳали тайёр эмас бўлади.

Ҳар жиҳатдан катталардек бўлишга интилиш, тамомила тушунарли важ билан ҳар нарсага қизиқсиниб қарайвериш, ниҳоят, ўзини маълум қилиб турадиган физиологик эҳтиёж — мана шуларнинг ҳаммаси гоҳо ёш кишининг кўнгил тинчлигини бузиб, уни никоҳдан олдин барвақт алоқада бўлишга ундайди. Агар гап бир-бирини севадиган икки ёшнинг вақти-соати билан қуриладиган оилага айланиб кетадиган яқинлиги тўғрисида кетаётган бўлса, бундай яқинликни қоралаш учун киши уччига чиққан риёкор бўлиши керак. Лекин, никоҳдан аввал алоқада бўлиш масаласининг бошқа, салбий томонлари ҳам бор: бола олдиришга мажбур бўлиш, тасодифий кишилар билан жинсий алоқа қилиш, демак, ахлоқан тубанлашиш ва таносил касалликлари билан оғриш хавфи остида қолиш, жуда барвақт, яъни организм ҳали етарли тайёр бўлмасдан туриб жинсий ҳаётга қадам қўйиш, завқу қизиқишларини вақтидан илгари ўринсиз томонга қаратиш ва ўткинчи ишқий ҳаваслар билан торайтириб қўйиш шулар жумласидандир.

Хароб бўлиб қолган Ольга В. (Рига) нинг сурбетларча ёзган хатини қораламаслик, унга ховотир бўлиб қарамаслик мумкинмикин (агар бу сурбетлиги ясама бўлса-ку яхши):

«Ишқ-муҳаббат тўғрисидаги сўзларнинг ҳаммаси қуруқ сафсата. Бу гўдаклар учун чиқарилган сўз. Бизда эса бошқача: бир-икки ой учрашиб юрамиз, кейин йигитнинг кўнглингга уриб қолади».

Новосибирсклик Валя Ч. нинг фикрлари анча маъноли, у мана бундай деб таъкидлайди.

«Эсингда бўлсин, «йигитнинг» деб атаганинг ўша одам эртага сени эмас, балки бояги «гўдаклар» тўдасидан бошқа бирини афзал кўриб қолади, чунки сен йўлақлар-

да туриб ўтказиб юборганинг вақт ичида ўшаниси ўқиб, ақлли бўлиб олган бўлади. Бугун биз ҳаммамиз бир-биримизга бир хилдек бўлиб кўринамиз, эртага эса бизнинг ўртамизда тубсиз чуқурлик пайдо бўлиб қолади».

Афтидан, ёшларга ўзининг хулқ-атвори учун юксак масъулият ҳиссини сингдириб бориш зарур. Ва биринчи галда оила болаларда соғлом жинсий ахлоқни тарбия қилиб бориши керак. Бунда «рўйи заминдаги муҳаббат» (ҳозир расм бўлганича қилиб айтиладиган бўлса — секс) билан «олижаноб» муҳаббат ўртасидаги сохта зиддиятларни кучайтириб юбормаслик учун ниҳоят даражада эҳтиёт бўлиш керак бўлади. Одам маънавий майл-истаклари билан физиологик эҳтиёжини уйғун равишда бирлаштирган тақдирдагина муҳаббатда бахтини топа олиши тўғрисида ёшлар ўзига тўла-тўқис ҳисоб беришлари зарур. Спорт машғулотлари, мароқли ва хилма-хил қизиқишлар — жинсий ҳаётни вақтидан илгари бошлашдан, ўйламай-нетмай, барвақт оила қуриш ва жуда тез-тез учраб турадиганидек ажралишиб кетишдан сақланишга ёрдам берувчи эски йўл-йўриқдир...

Вячеслав Сергеевич китоб, журнал ва газеталарини йиғиштириб, чемоданга солиб қўйди, кофе ичди. Одатдагидек, кофе, унда тескари реакция пайдо қилди. Уйқуси келиб қолди. Вагон ғилдираklarининг бир маромда тақиллаши, деразадан кўринадиган манзаранинг бир хиллиги ухлаб, ҳордиқ чиқариш истагини баттар зўрайтирди. Ва, у пинакка кетди.

* * *

Ленинградда доктор Беловда бўш вақт бўлиб қолди. Профессор Клячко олдига у эртага эрталаб бориши керак эди. Шунинг учун Вячеслав Сергеевич нарсаларини омонат сақлаш камерасида қолдириб, Эрмитажга қараб йўл олди.

Вячеслав Сергеевич шу шаҳарга иш биланми ёки шунчаки турист бўлибми келганида ҳар сафар ўзининг биринчи кунини Эрмитажда ўтказар эди. У музейнинг

биридан-бирига ўтиладиган сонсиз-саноқсиз хоналари-дан бирор маршрутга амал қилмасдан айланиб юриб, гоҳо сурат ва ҳайкаллар олдида ўтиб кетаверар, гоҳо нима биландир ўзининг диққатини жалб қилган асарлар олдида узоқ тўхтаб қолар эди. Ўзининг қадимги танишлари — узоқ ўтмишнинг буюк рассомлари билан у ҳар сафар шод бўлиб учрашар, ҳар сафар худди энди кўриб турганидек бирор янги нарсани: гоҳо сир бериб ишланган антиқа буюмлар, гоҳо «митти голландлар», гоҳо Эль Греко мўйқаламидан чиққан портретни топар эди.

Эрмитаж залларида бир қанча марта айланиб юрганидан кейин доктор Белов соҳил бўйига чиқди ва тунаш учун жой топмоқчи бўлиб йўлга тушди. Иши ўнгидан келиб қолди. Учинчи меҳмонхонадаёқ (дастлабки иккитасида мутлақо жой йўқ эди) алоҳида номер олди. Вокзалга бориб, нарсаларини олиб келди. Душга тушди. Кейин телевизор олдига келиб ўтирди...

Эртасига эрталаб доктор Белов понушта қилиб бўлиб, ўсмирлар психиатрияси клиникасининг мудирига кўриниш ва ишга тушиш учун институтга жўнаб кетди.

Профессор Клячко Вячеслав Сергеевични жуда хурсандлик билан қабул қилди. Уни дарров бўлим ичида ўтказиладиган конференцияга таклиф этди.

— Еш келса, ишга, деганларидек, мавридида келиб қолдингиз, — деб ҳазил қилди Сергей Анатольевич.

Врачлар ва клиника ординаторлари тўпланишди. Кейин профессор психопатияларда ва табиатан ўзига бино қўйган, яъни акцентланган характердаги ўсмирларда ичкиликка ҳавас қўйиш тўғрисида гап бошлади.

— Ўсмирларнинг ичкиликка ҳавас қўйишини текшириш асосан ижтимоий-психологик омилларнинг аҳамиятини — ота ёки онадан айрилган ёхуд, масалан, яқинда ўгай отали бўлиб қолган она, ичкилик хусусида ота-оналар кўрсатадиган ўрнак-тарбиядаги хатоларнинг родини аниқлаб олишга қаратилган. Равшанки, шу нарсалар маълум аҳамиятга эга. Бироқ, одам табиатининг

кишини ичкиликка мойил қилиб қўядиган нуқсонларини четлаб ўтиб бўлмайди. Усмирлардаги баъзи психопатиялар ҳамда характер акцентуацияларида спиртли ичимликларга кўпроқ хирс пайдо бўлади деб кутиш мумкин. Бугун худди мана шу нарса тўғрисида гаплашамиз.

Қатта ёшдаги ичкиликвозларнинг сафлари усмирлик ёшидан ичишга бошлаганлар ҳисобига тўлиб боради. Бизнинг ҳамкасбимиз, москвалик профессор Анатолий Александрович Портнов, мана шундай потаторлар, уларнинг умумий сонига нисбатан олганда, 86 процентчани ташкил этади, деб ҳисоблайди. Шундай қилиб, проблема жуда жиддий дейилса ҳам муболаға бўлмайди.

Биринчи марта 12—14 ёшдаёқ ичкилик ичиб кўриш ва бирмунча каттароқ ёшда спиртли ичимликларни суиистеъмол қилишни хулқ-атвор бузуқлигининг делинквентлик деб аталмиш ҳодисага жуда яқин турувчи шаклларида бири деб қарамоқ керак, делинквентлик ҳодисаси кўпинча одам табиати, характерининг нуқсонлари туфайли келиб чиқади.

Қатта ёшли психопатлардаги алкоголизм хусусиятларини ўрганиб чиққан Анатолий Александрович Портнов шу группа касалларда спиртли ичимликларни суиистеъмол қилиш одатдагидан кўра бирмунча ёшроқ даврда бошланади ва зўр бўлиши билан, шунингдек одамнинг ичкиликка енгиб бўлмайдиган даражада тез ҳавас қўйиб бориши, мастлик вақтида ўзини билмайдиган бўлиб қолиши ва ижтиможий жиҳатдан тобора кўпроқ таназулга тушиб бориши билан фарқ қилади, деб айтади.

Ўз кузатувларимнинг натижаларини баён этишдан олдин аввалги суҳбатимизнинг баъзи жойларини сизларга қисқача эслатиб ўтишни ўзимга эп кўраман.

Психопатиялар деб нимага айтилишини эслаб кўрайлик. Бу — одам характерининг шундай бир нуқсонларики, Петр Борисович Ганнушкин таъбири билан айтганда, улар индивидуумнинг бутун руҳий қиёфасини белгилаб беради ва шу руҳий табиатига жуда катта таъсир

кўрсатиб туради, одамнинг умри бўйи айтарли бирор даражада ўзгармайди, шу билан бирга кишининг атроф муҳитга мосланиб олишига ҳам ҳалал бериб боради.

Энди, характер акцентуациялари деганда нимани тушунишимизни эслайлик. Бу ўринда гап энди касаллик тўғрисида, характернинг патологик ўзгаришлари тўғрисида бормасдан, балки норманинг жуда бир ғалати вариантлари тўғрисида боради. Характери акцентуацияланган ўсмирларда характерни белгилаб берадиган айрим белгилар бир қадар меъёридан ортган, кучайган бўлади. Бу ўринда умумий патологик белгилар бўлмайди. Акцентуацияланган характер хусусиятлари ҳамма ерда ва ҳаммиша ҳам намоён бўлавермайди. Улар аксари маълум бир шароитлардагина юзага чиқиб қолади. Шуниси муҳимки, характернинг бу хилдаги хусусиятлари ижтимоий жиҳатдан дурустроқ мосланишга, яъни қониқарли социал адаптацияга тўсқинлик қилмайди, бордию тўсқинлик қилса ҳам қандай бўлмасин бирор қисқа муддатгача тўсқинлик қилиб туради. Акцентуацияланган шахснинг энг нозик жойига таъсир қиладиган одатдан ташқари шароитлардагина адаптация одатда бузилиши мумкин. Масалан, акцентуацияланган характерида кишиларга тез эл бўлиб кетиш, тиниб-тинчимаслик сингари хусусиятлари бўлган ёш йигит учун одамлардан мажбуран ажралиб, ёлғиз қолиш дилга озор етказувчи омил бўлиб ҳисобланади. Акцентуацияланган шахснинг энг заиф жойига таъсир қилмайдиган руҳий шикастга одам анча яхши бардош беради, ҳар ҳолда бунга жавобан тамомила табиий реакция билан чекланиб қолади.

Юриш-туриши касаллик тусига кириб, ўзгариб қолганлиги муносабати билан клиникамизга келиб ётган, аммо психоз ва ақлий қолоқлик ҳодисаларидан ҳоли бўлган 300 та ўсмирнинг 174 тасига психопатия деб диагноз қўйилди, «юриш-туриши айнаб қолган» 126 ўсмирда эса акцентуациялар бор, деб топилди.

Психопат-ўсмирларнинг деярли ярмида (49 процен-

тида) юриш-туришнинг делинквент эканлиги аниқланди. Акцентуацияланган характерли ўсмирларда делинквентлик 29 процентни ташкил этди.

Делинквент юриш-туриш дейилганда, аввалги суҳбатлардан эсингизда бўлса керак, биз, қатор айб-ғуноҳлар, ножўя қилиқлар, қонун-қоидаларни арзимас даражада бузиш ҳолларини тушунамизки, буларни ҳали криминал, яъни жиноят кодексига мувофиқ жазо беришга арзигулик жиддий қонунбузарлик ва жиноятлар, деб ҳисоблаб бўлмайди.

Биз текшириб кўрган ўсмирлардаги делинквентликда биринчи ўринни прогуллар (60 процент), майда-чуйда нарсаларни ўғирлаш, масалан, боғ ва экинзорлардан мева ёки сабзавотларни ўғирлаш (57 процент), ўз тенгқурлари билан уришиш (52 процент) ташкил этди. Делинквентликнинг бошқа кўринишлари — гўдаклар ва ўз тенги нимжон болаларнинг майда-чуйда нарсаларини, ўйинчоқларини олиб қўйиш, фақат учини мақсадида велосипед ва мотоциклларни олиб қочиш, тиламчилик қилиш, қимор ўйинларга кўп қўшилиш сингари ҳодисалар анча кам учрайди. Қайси ўсмирларда беқарор типдаги психопатиялар ва акцентуацияланган характер бўлса, шу ўсмирлар делинквентликка кўпроқ мойил бўлишади, булардан кейин характерида эпилептоид ва истероид типдаги ўзгаришлар бор ўсмирлар туради.

Бу ўринда шунини таъкидлаб ўтиш муҳимки, гап делинквентлик тўғрисида борадими, ичкиликка ружу қилиш тўғрисида ёки ҳатто ёшликдан жиноят қилиш тўғрисида борадими, характер нуқсонлари ўсмирларнинг юриш-туришидаги у ёки бу ўзгаришларнинг намоеън бўлиши учун қулайлик туғдирадиган замин бўлиб ҳисобланади, холос.

Капиталистик давлатлардаги каби ўсмирнинг делинквент ва қонунга хилоф юриш-туришига сабаб бўладиган иқтисодий ва ижтимоий сабаблар бизнинг мамлакатимизда йўқ. Жамиятга қарши ҳодисалар ўз моҳияти

билан совет тузумига ёт. Коммунизм сари олға қараб борилган сайин бундай ҳодисалар барҳам топиб боради ва бутунлай йўқолиб кетади. Лекин улар ҳозирча бор, шунга кўра уларга қарши кун сайин жуда актив кураш олиб борилмоқда.

Жамиятимизда ўсмирлар юриш-туришида ўзгаришлар пайдо қиладиган сабабларнинг бири деб оиладаги болалар тарбиясининг камчиликларини эътироф қилиш керак. Феликс Эдмундович Дзержинский «болаларнинг гуноҳ иш қилиши ёки хизмат кўрсатиши ота-оналарининг ақл-заковатига ва виждонига кўп даражада боғлиқ»¹ деб ёзган эди. Тарбиямиздаги болалар шахсиятининг шаклланиб бориши, уларнинг ҳаётда тўғри йўл танлай олиши ота-оналарнинг ўз фарзандлари ички дунёсига қанчалик диққат бериб қарашларига, фарзандларининг юриш-туриши, ўқишига қизиқиш-қизиқмаслигига, ота-оналарнинг педагогика асосларини эгаллаб олиш учун интилиш-интилмаеликларига (бунинг учун эса бизда барча шароитлар яратилган!) боғлиқдир.

Равшанки, болалар тарбиясида оиланинг биринчи даражали роль ўйнаши ўқувчиларимизнинг келажаги учун жавобгарликдан мактабни озод қилмайди. Баъзи педагогларнинг ўз вазифа ва бурчларини фақат ўқитиш, махсус билимларни беришдан иборат деб ўйлаши, «қийин болалар» дан қутилишга ҳаракат қилиши, ўқув процессини ташкил этишда камчиликлар бўлиши ўсмирлар ва ёшларга таълим ва тарбия беришдек муҳим ишда жуда кўнгилсиз оқибатларга олиб бориши мумкин.

Лекин ёлғиз оила ва мактабнинг ўзигина ўсмирларнинг жамиятдаги юриш-туришларида ўзгариш пайдо бўлиб қолишига қаршилиқ кўрсатиши мумкин ва керак деб бўлмайди. Ўсмирларнинг делинквент ва қонунга тўғри келмайдиган юриш-туриши юзага чиқа олмайдиган шарт-шароитларни яратишда катта ёшли ҳар бир одам

¹ Дзержинский Ф. Дневник и письма. М., «Молодая гвардия», 1956, 106-бет.

қатнашиши мумкин ва шарт. Барча жиноятларнинг 25 процентдан кўпроғини ўсмирлар иғво солувчи катталарнинг иштироки билан қилишади-да, ахир. Бундан ташқари, жабр кўрганларда ва атрофдаги кишиларда кичик ёшдаги безориларга қаршилик кўрсатиш ва уларнинг қонунга хилоф ишларига барҳам бериш учун одатда журъат топилмайди.

Проблеманинг яна бир томони бор. Жиноятчилик сабабларини ўрганувчи ва бунинг олдини олиш чораларини ишлаб чиқувчи Бутуниттифоқ Илмий-текшириш институтининг маълумотларига қараганда, вояга етмаганларнинг қонун бузиши қисман жиноий жавобгарлик тўғрисидаги қонунларни яхши билмаслигидан келиб чиқади. Масалан, сўраб кўрилган ўсмирларнинг кўпчилиги совуқ қурол ясаш ва олиб юриш жиноят эканлигини билишмаган; улар жиноий жавобгарлик камида ўн олти ёшдан кейин бошланади деб юришар, кўпчилиги эса ҳатто фақат ўн саккиз ёшдангина бошланади, деб ўйлашар экан.

Спиртли ичимликлар истеъмол қилишга келганда, ўсмирлар алкогольнинг жисмоний ва руҳий саломатликка, хусусан ёш организмга қандай зарарли таъсир қилишини ҳали яхши билишмайди.

Бу нарса ёшларимиз орасида ҳақ-ҳуқуқ ва медицинага тааллуқли билимлар пропагандасини тағин ҳам кучайтириш зарурлигини кўрсатади.

Бироқ, бугунги суҳбатимизнинг асосий мавзуга қайтайлик ва ўсмирларнинг ўз табиатидаги, характеридаги нуқсонлар хилига қараб ичкиликка ҳар хил ҳирс қўйиши тўғрисидаги сўзни давом эттирайлик.

Бесаранжом, жонсарак ўсмирлар болаликда шошма-шошар бўлиши, ўқишни истамаслиги, доим хурсандчилик ва ўйин-кулги, боқи-беғам бўлиб юришнинг пайдидан бўлиши билан ажралиб туради. Уларни деярли ҳеч йўлга солиб бўлмайди, бундай ўсмирлар қалтис иш қилишга доим тайёр туради, лекин шу билан бирга қўрқоқроқ

бўлади ва ота-онасининг ғазабидан чўчиб туради. Улар маданий малакаларни қийинчилик билан эгаллайди ва доим катталарнинг кўз-қулоқ бўлиб туришига муҳтож бўлади. Бундай болалар ўйин-кулги ва хурсандчилик пайдан бўлиб, ёшлигиданоқ чека бошлайди, мактабга боришдан қочиш учун баҳона қидиради. Усмирлик ёшига етиб қолганида эса улар кўпинча безориларча ҳатти-ҳаракатлар қилиб, спиртли ичимликлар, баъзида эса наркотикларни ҳам истеъмол қилиша бошлайди.

Эпилептоид психопатиялар ва акцентуациялардан иборат характер нуқсонлари, сиртдан қараганда эпилепсия билан оғриган баъзи беморлар шахсидаги ўзгаришларга ўхшаб кетади, шу муносабат билан улар шундай ном билан, яъни эпилептоид психопатиялар ва акцентуациялар деб аталади. Эпилептоид тип учун кайфу руҳиятнинг жуда нотайин бўлиб, айнаб туриши, тутоқиб кетиш даражасигача етиб борадиган тажанглик, шилқимлик, ҳаракатлар, эмоциялар, тафаккурнинг суст бўлиши, аламзадалик, қасоскорлик, кек сақлаш, ҳамма нарсада бачканалик, майдакашликка интилиш, ҳаддан ташқари эҳтиёткорлик, амрни ўтказишга уриниш, ўз тенгқурлари ичида етакчи бўлишга ҳаракат қилиш, гоҳо одатдан ташқари нарсаларга майл қўйиш характерлидир, мана шундай майл, жумладан, ичкиликка алоҳида ҳирс қўйиш билан, чунончи асосан кучли ичимликларни ичиш, ҳа деганда ўзини тўхтатиб қола олмаслик («учиб қолгунча» ичишга эҳтиёж сезиш), мастлик вақтида ўзини тута олмаслик, бемаъни қилиқлар қилавериш билан ифодаланади, мастлик тарқаганидан кейин ўсмир ўзининг қилган қилиқларини ҳеч бир эслай олмайди.

Истероид тип биринчи галда ҳаддан ташқари худбинлик, мудом атрофдагиларнинг диққат марказида бўлишга интилиш, атрофдагиларнинг ҳурмат-иззатига, раҳм-шафқатига сазовор бўлиш, уларни қойил қолдиришга уриниш билан намоён бўлади. Истероид ўз шахсига нафрат билан қаралишини унга нисбатан бепарво

бўлишдан кўра ортиқ кўради. Мана шунинг учун атрофдагилардан ажралиб туриш ва ҳар қандай қилиб бўлса ҳам, одатдан ташқари ғалати одам бўлиб кўриниш мақсадида бўлар-бўлмасга ёлғон сўзлаб, ўринсиз хом хаёл гапларни гапираверади. Сиртдан ҳиссиётга берилувчан бўлиб кўриниши қалбининг бўм-бўш эканлигини, самимияти ва чуқур туйғулари йўқлигини яшириб туради, аммо ҳислари ортиқ даражада қўзғаб, ўзини сипо қилиб кўрсатади ва бутун важоҳати билан қуруқ савлат бўлиб туради. Спиртли ичимликларга ружу қўйишга келганда истероид одамларнинг кўпчилиги одатини кўз-кўз қилишни мўлжаллаб ичади. Истероидлар орасида хроник алкоголизм учраши ниҳоят даражада камдан-кам кўрилади. Муккасидан кетган алкоголик деган гап атрофдагилар назарида унга обрў бермаслигини билиб, истероид одатда ўзини шинаванда ичувчи қилиб кўрсатишга, «фақат шампан» ёки «фақат коньяк» ичадиган одам қилиб кўрсатишга уринади. Бундай ўсмир одатда, озгина ичади, лекин ҳеч маст бўлмасдан бир талай ичкилик ича оламан, деб ёлғон гапиришдан ҳам тоймайди.

Модомики, психопатиялар ва акцентуацияларнинг типлари тўғрисида гап очилиб, биз ҳозир юриш-туриши бошқачароқ ўсмирларнинг ичкиликка ҳирс қўйиши тўғрисидаги масалага ўтишимиз керак экан, гипертим ва шизонд деган типларни ҳам қисқача таърифлаб чиқишимиз зарур, булар, гарчанд беқарор ва эпилептоид типларга қараганда камроқ бўлса-да, қуйида айтиб ўтилганидек, делинквентликка жуда яқин турадиган ичкиликвозликка ҳар қалай мойил бўлишади.

Гипертим психопатиялар ва акцентуацияларда ўсмирлар жуда серҳаракат, одамга тез эл бўлиши, сергаплиги, ўзини мустақил тутишга, шўхликка интилиши, катталар билан ўзаро муносабатларда ўзини бир қадар эркин тутишга уриниши билан ўз тенгқурларидан ажралиб туришади. Улар бақироқ, тиниб-тинчимас, бесаранжом бўлишади, ўз тенгқурлари билан тез қўшилишиб

кетишади, бошлиқ ўрнига ўтиб олишга ҳаракат қилишади. Бундай ўсмирлар мактаб ўқув материални нардан-бери ўзлаштириб олади ва кунт билан меҳнат қилишга ноқобил, сабри чидамайдиган бўлади, дарсларда кўпинча интизомни бузади. Уларнинг ўзлаштирувчанлиги дамба-дам ўзгариб туради: табелида гоҳо «иккилар», гоҳо «бешлар» кўпайиб кетади. Гипертим ўсмирларнинг кайфу руҳияти ҳамиша жойида, гоҳо қувноқ бўлади. Ахён-аҳёндагина жаҳли чиқиб, аччиғланиши мумкин. Гипертим одамлар жуда чидамли бўлишади. Уларда ўзини ёмон сезиш ҳоллари одатда бўлмайди, улар иштаҳаси карнай бўлиши билан ажралиб туради, кечқурун дарҳол ухлаб қолади ва эрталаб доим тетик бўлиб туради.

Мажбурий бекорчилик уларни йўлдан чиқариб қўйиши мумкин, улар ёлғизликка, иш куни жуда қаттиқ таъин этилган муассасада ўтиришга аранг чидайди. Улар мустақилликка интилади ва катталарнинг ортиқча авайлашига, ҳар нарсага кўз-қулоқ бўлиб туриши, йўл-йўриқ кўрсатиб, панд-насиҳатлар қилишига тоқат қила олмайди.

Атрофдаги ҳамма нарсага жуда қизиқиб қараши, ҳаддан ташқари қизиқувчан бўлиши суриштирмай дўст тутиниб, таниш орттираверадиган шундай ўсмирни гоҳо қинғир йўлга юрадиган тўда орасига олиб киради. Шу ўртоқлари билан бирга у жон-жон деб хурсандчилик қилади, ичишиб улфат бўлади. Гипертим оз-оздан ичишни афзал кўрадию, лекин осонгина тез-тез ичиб туриш кўчасига кириб қолади. Гипертим тип акцентуацияларда бир қадар соф кўринишда намоён бўлади. Психопатияларда биз ўсмирнинг характерида ҳар хил ўзгаришларни кўрамиз, гипертим-нотайин вариантни кўпроқ учратамиз, бунда одам ҳаддан ташқари серҳаракат, кўтаринки руҳда бўлиши, бошлиқ, етакчи бўлишга интилиши устига хурсандчилик ва қалтис иш қилишга уриниши биринчи ўрнига ўтиб қолади, натижада ўсмир ўзининг кундалик вазифаларига бепарво бўлиб қолади ва делин-

квентлик, ичкиликвозлик, жинсий алоқаларда бифарқлик йўлига киради.

Шизоидлар ёки, бошқача айтганда, «галати одамлар», «патологик одамовилар» атрофдаги дунёдан ажралган бўлиб, бошқа кишилар билан мулоқат қилишга эҳтиёж сезишмайди, одамлар билан алоқа ўрнатишга ноқобил бўлишади ва буни ишташмайди. Шизоид болалар тўполон қилиб юрган болалардан четда, якка ўзи ўйнашни ёшликдан афзал кўради, соатлаб жим ўтириб, катта ёшли одамларнинг гап-сўзларини тинглаш билан вақт ўтказади. Ўсмирлик даврида ҳам шизоид ўз тенгқурларидан ажралган бўлади ва одатда бошқа болалар билан қўшила олмаганлиги учун қийналиб юради. Турган-битгани зиддиятларга тўла. У бир вақтнинг ўзида совуққон ва жуда ҳиссиётга берилувчан, ишонувчан ва кўп гумонсирайдиган, сергак, фаолиятсиз, ланж ва аллақайси бир нарсада ҳайрон қоларлик даражада актив ҳамда ниҳоят даражада мақсадга интилувчан бўлади; у ҳеч нарсадан ҳеч нарса йўқ бировга нафрат билан қараши ва унга жуда эл бўлиб қолиши мумкин, ҳаддан ташқари қайсарлик қилиши ва тўсатдан мулойим бўлиб қолиши мумкин. Шизоидлар ҳаминша кўп фикр қилишади ва хаёл суришга мойил бўлишади. Лекин истероид «одамларга кўрсатиб», намоёншкорона хаёлга берилса, шизоид фақат ўз-ўзи учун хаёл суради. Шизоид кўнглининг ҳужраси ҳаминша ним қоронғи, чунки туйнуқлари маҳкам бекитилган, ўзгаларнинг нигоҳидан пинҳон туради.

Ўсмирлар орасида хроник алкоголизм бирмунча кам учрайдиган ҳодисадир. Буларда ичкилик ичишга майл бўлиб туришини бирмунча актуал деб эътироф қилиш керак, бундай майл алкоголизм симптомлари пайдо бўлишига ҳали олиб келмаган бўлади. Ана шундай майл борлигини аниқлаш медицина ва педагогикага оид профилактика чора-тадбирларини ўз вақтида амалга ошириш учун каттагина аҳамиятга эгадир.

Ўсмирлар орасида учрайдиган алкоголизм хавfli бўлиб, тез орада ичкилик касаллигига олиб бориши, кўп ўтмай шахсиятни ўзгартириб қўйиши унинг учун характерлидир, шахсият ўзгаришлари ижтимоий адаптациянинг бузилишига олиб келади. Катталардаги хроник алкоголизмни турмушдаги пиёнисталикдан ажратишга имкон берадиган белгилар ўсмирларда бут бўлмаган шаклдагина учрайди, шу билан бирга болалар ва ўсмирларда хроник алкоголизмнинг баъзи белгилари ривожланмаган ҳолда кузатилади. Бемор нечоғлиқ ёш бўлса, касалликнинг клиник белгилари ҳам шунчалик нотайин бўлади.

Спиртли ичимликларга ўрганиб қолишни ҳаммадан кўра кўпроқ учрайдиган симптом, деб ҳисоблаш керак. Бу симптом катта ёшдаги ичкиликвозлардан кўра анча қисқа муддатда шаклланиб олади. Ёшлар ўзининг шу тариқа ўрганиб қолганлигини кўпинча билмай қолишади. Шундай бўлса-да, уларнинг алоҳида ҳис-туйғуга тушишига қараб, шу тариқа ичкиликка ўрганиб қолганлигини билвосита йўл билан билиб олса бўлади. Гап спиртли ичимликлар тўғрисида келганда, улар шу даражада актив бўлиб қолишадикки, ичкилик топиш учун ўғирлик қилишдан ҳам қайтишмайди.

Аҳён-аҳёнда, бир тасодиф билан ичиб туриш одати фақат қисқа вақт давом этади. Тез орада қандай бўлмасин бирор тахлитга кирган ўрганиш пайдо бўлади. Турмушдаги пиёнисталик даври болалар ва ўсмирларда амалда бўлмайди. Ичкиликка толерантлик (чидамлилик) тез кучайиб боради, шунинг натижасида аввалги дозалар 3—4 барабар кўпайиб қолади; организмга алкоголь киришига жавобан юзага келадиган қусиш рефлeksi сўниб кетади. Баъзи касалларда мастлик даврида хотира бузилиб турадиган бўлиб қолади. Кўпларнинг маст бўлиш типни ўзгаради: эйфория, яъни кайф чоғ бўлиш ўрнига, одам ғазабга тушадиган, бошқаларга ташланадиган бўлиб қолади.

Бироқ, миқдору меъёрни билмайдиган бўлиб қолиши болалар ва ўсмирлардаги хроник алкоголизмнинг асосий белгиси деб ҳисоблаб бўлмайди, чунки улар кўпинча катталардек бўлиб кўринишга уриниб, фақат болалик ғурури билан меъёрни билмасдан ичаверишади. Вазиятга парво қилмайдиган бўлиб қолиш диагностик жиҳатдан каттароқ аҳамиятга эгадир. Алкоголизм авж олиб, кучайиб борган сари болалар ва ўсмирлар уйга, кейинчалик эса мактабга ҳам маст ҳолида келаверадиган бўлиб қолишади. Бу нарса ахлоқнинг ёмонлашгани ва ҳатто бузилиб кетганидан дарак берадики, энди уни жуда даҳшатли белги деб ҳисоблаш керак.

Юриш-туриши бузилиб қолган 300 та ўсмир орасидан биз 6 процент, яъни 18 кишида хроник алкоголизм бор, деб топдик. Бироқ, шу ўсмирларнинг яна 23 проценти спиртли ичимликларни суиистеъмол қилиб юрар экан. Алкоголизм ва спиртли ичимликларни суиистеъмол қилишга мойиллик психопатлар орасида ҳам, акцентуацияланганлар орасида ҳам амалда бирдек учраб турди. Характер нуқсонларининг типига келганда, алкоголик ўсмирлар нуқул нотайин типдаги (тўққиз киши) ва эпилептоид типдаги (тўққиз киши) одамлардан иборат бўлиб чиқди. Ичкилик ичиб туришга мойиллик типологик жиҳатдан олганда анча хилма-хил экан: патологик ҳирс қўйишга бориб етмаган даражада спиртли ичимликларни суиистеъмол қилиш нотайин типдаги ўсмирларнинг 45 процентиди, эпилептоид ўсмирларнинг 35 процентиди, табиатида истероид типдаги нуқсонлар бўлган ўсмирларнинг 28 процентиди ва гипертим ҳамда гипертим-нотайин типдаги нуқсонлари бўлган ўсмирларнинг 26 процентиди қайд қилинди. Шизоидлар спиртли ичимликларни камдан-кам ҳоллардагина суиистеъмол қилишади.

Нотайин типдаги психопатиялари ва акцентуациялари бор ўсмирларда хроник алкоголизм ҳамда спиртли ичимликларни суиистеъмол қилиш одатининг кўпроқ

учраб туриши бу ўсмирларнинг хурсандчилик қилишга жуда ўч бўлишига боғлиқ. Ичкилик ичиш улар учун айшу ҳузур қилишнинг энг асосий қисмларидан биридир. Вино ёки ароқ ичишдан асосий мақсад (айтгандек, кучли ичимликлардан кўра винони кўпроқ маъқул кўришади) сунъий йўл билан кайфни чоғ қилишга интилишидир. Табиийки, кайфу руҳиятни ўзгартиришга кифоя қила оладиган миқдорда ҳаддан ташқари кўп ичимлик ичилмайди, шундай бўлсада, бу хилдаги ўсмирлар маст бўлиб қолган пайтида кўпинча жиззаки, ғазабкор, ҳужумкор бўлиб қоладикки, бундай ҳодиса ичкиликка ҳирс қўймасидан илгари табиатида психопатияга хос хусусиятлар бўлмаган ёшларда анча кам учрайди. Табиатида психопатия белгилари бор касалларга даво қийинчилик билан қор қилади, уларнинг бир қадар тузалиб қолган даврлари (ремиссия даврлари) қисқа муддатли бўлиши билан ажралиб туради.

Ичкиликка энди ўрганиб келаётган гипертим типдаги ўсмирларнинг мастлик вақтидаги юриш-туриши кўп жиҳатдан нотайин типдаги кишиларнинг мастлик кўринишига ўхшаб кетади. Бироқ, гипертимлар ичкилик касаллиги даражасигача бориб етмайдиган пиёнисталик даражасида узоқроқ туришади. Афтидан, уларга хос бўлган тиниб-тинчимаслик, кўп нарсага завқ билан қизиқиш, бирор иш қилишга уруниш, келгусини мўлжаллаб аниқ режалар тузиб юриш уларни хроник алкоголизм авж олиб боришдан бир оз сақлаб туради.

Эпилептоид ўсмирнинг ичкиликни суинистёмол қилиш йўли нотайин ва гипертим типдаги ўсмирларнинг мастлик вақтидаги юриш-туришидан кескин фарқ қилади. Эпилептоидлар организмга бир оз миқдор спиртли ичимлик юборилганидан кейин кўпчилик ҳолларда рух енгил тортиб, кайф чоғ бўлганини сезишмайди. Мастлик ҳолида улар одатда ғазабкор, ташланишга, нарсаларни синдириб, бузишга мойил бўлишади. Юқорида айтиб ўтилганидек, қанча ичаётганини одам тез орада билмай

қолади. Худди шундай тезлик билан кўнгилда қайтариш қийин бўлган ичиш ҳаваси пайдо бўлади. Бундай ўсмирлар кучли спиртли ичимликларни кўпроқ маъқул кўришади. Мастлик даврида улар билан қандай ҳодисалар рўй берганини эслаш қобилияти анча тез йўқолиб боради. Мастлик ҳолатида хотиранинг бузилиши катталардаги хроник алкоголизмда кўриладиган палимпсестларга жуда ўхшаган бўлади. «Лахтак хотира» деб шунини айтилади. Палимпсестлар деб эса қадимги пергаментларга айтилади, буларга олдинги ёзувлар деярли тамом кетказилганидан кейин янги матн туширилган бўлади. Алкоголик хотираси бузилишининг номи ҳам шундан олинган, алкоголик мастлик пайтида ўзи билан рўй берган ҳодисалар тўғрисида фақат узук-юлуқ хотираларнигина эсида сақлаб қолади.

Шизоид ўсмирлар гоят даражада кам учрайдиган ҳоллардагина ичкиликвозлик йўлига киришади. Бунда улар фақат оз-оздан ичкилик ичиб туришади. Гоҳида уларда спиртли ичимликларга руҳий қарамликка ўхшаб кетадиган бир аҳвол вужудга келадики, бу нарса кайфни чоғ қилишга интилиш, эркинлик, озодликка чиқиш, атрофдагилардан ажралиб қолишга барҳам бериш, уятчанликни йўқотишни исташдан келиб чиқади.

Характерида истероид хусусиятлар бўлган психопатлар ва акцентуацияланган шахслар ўзларининг ичкиликка ружу қўйиб қолганини кўпинча ошириб-тошириб гапиришади, шу билан ҳам ўз тенгқурлари орасида нима биландир ажралиб турмоқчи бўлишади. Ростмана ичкилик касаллиги учун характерли даражада спиртли ичимликларга жисмонан жуда қарам бўлиб қолиш ҳодисасини биз шизоид ва истероид ўсмирлар орасида кўрганимиз йўқ.

Конформ ўсмирларга келганда, ҳамкорларимиздан бири, доктор Амплеев конформ типда сезиларли акцентуацияланган ўсмирда хроник алкоголизм бўлганини хабар қилдики, бундай кузатув анча кам учрайди. Мана

шу ҳодисани қисқача тасвирлаб ўтишдан аввал «соф» конформ тип фақатгина акцентуациялар кўринишида учрашини таъкидлаб ўтишим керак. Жуда эҳтимолки, конформ типдаги психопатиялар учрамайди ҳам. Конформлик деганда одамнинг фақат ўз атрофидаги кўпчилик кишилар фикри ва дид-завқларига кўр-кўрона тақлид қилишини, мустақиллиги ва эркинлиги мутлақо бўлмаслигини тушунниш расм бўлган. Бу хилдаги йигитча ҳамиша ҳам худди «ҳаммага ўхшашга». ҳаракат қилади. Бу гап уй ашёлари сингари майда-чуйда нарсаларга ҳам, дунёқараш сингари жуда жиддий масалаларга ҳам тааллуқлидир. Айни вақтда «ҳамма» деганда у кичик бир коллективни тушунади, шу коллективдан орқада қолишни истамайдию, аммо унда ажралиб туришга, бошчи бўлишга ҳаракат ҳам қилмайди. Конформ ўсмир ёки йигитчага микросоциал муҳит (бир ҳовлидаги ўртоқлари, сирдошлари) нинг таъсири ҳаддан ташқари зўр бўлади. Мана шунинг учун ҳам бундай ёш «улфатчилик учун» дарров ичкиликвозликка қўшилиб кетиши мумкин.

Психопатиялар ва акцентуацияларда ичкиликка ҳирс қўйишининг умумий манзараси ана шунақа. Характерида нуқсонлари бўлган ўсмирнинг пиёнистага, вақт ўтиши билан эса хроник алкоғолликка ҳам айланиб кетишига каттагина хавф бўлганлигидан ҳар хил типдаги психопатиялари ва акцентуациялари бор ўсмирларга нисбатан қўлланиладиган медицина-педагогика чора-тадбирлари ва психотерапевтик усул-амалларни белгилаб олишга ёрдам бера оладиган йўл-йўриқларни ишлаб чиқиш зарур ва кечиктириб бўлмайдиган иш бўлиб қолади, зеро характернинг ҳар бир типдаги нуқсонларида олиб бориладиган даволаш-тарбиялаш ишининг тактикаси ўзига хосдир.

Ичкиликвоз ва, балки, алкоғолликка айланиб қолиш хавфи ҳаммадан кўра кўпроқ бўлган нотайин типдаги

Ўсмирни қаттиқ қўллик билан ушлаб туриш зарур. Бундай ўсмирлар билан қилинадиган ўзаро муносабатларда ота-оналар билан педагогларнинг тутадиган асосий йўллари қатъият, зўрлик ўтказиш, буюришдир. Доим кўз-қулоқ бўлиб, текшириб туриш, қаттиқ тартибга амал қилишни талаб этиш, айб-гуноҳлари учун жазо бериш нотайин типдаги ўсмирларда юриш-туриш бузилиб қолмаслигига ёрдам беради. Қаттиқ режимли ёпиқ муассасаларда бўлиш ва соғлом меҳнат шароити бундай ўсмирларга яхши таъсир қилади. Ҳамкоримиз, доктор Ивановнинг текширишлари, масалан, кун тартиби қаттиқ белгилаб қўйилган арктик денгиз мактабида ўқувчи ўсмирлар орасида акцентуациялар худди шу ўсмирларнинг тенқурлари — ўрта мактаб ўқувчилари орасидагига қараганда анча кам учрашини кўрсатиб берди.

Эпилептоид ўсмирлар кайфу руҳияти кескин ўзгариб турадиган даврларда тинчликка муҳтож бўлишади. Бундай ўсмирларнинг ўз саломатлиги, ўзининг эсон-омонлиги тўғрисида ортиқча қайғуриши психотерапия ва педагогик тарбия учун бу ўринда қулай омил бўлиб хизмат қилади. Тинч шароитда шошмасдан, бафуржа суҳбатлар қилиб туриш зарур. Аввал эпилептоид характерининг яхши томонларини — унинг пухта иш қилиши, эҳтиёткорлиги, ҳамма нарсанинг батартиб бўлишини яхши кўриши, аксари у ёки бу ҳунарга қобилияти борлигини таъкидлаб кўрсатиш ўринлидир. Кўнгилни кўтарадиган суҳбатдан кейингина ўсмир шахсиятининг ёмон томонларини: жаҳлдорлиги, дарғазаблиги, эмоционал реакцияларда ўзини тута олмаслиги, кайфу руҳияти айнаб, кўпинча кўнгли қоронғи тортиб, тажанг бўлиб юришини хушмуомалалик ҳамда сермулозиматликни йўқотмаган ҳолда оҳиста ва мулоғимлик билан муҳокама қилиб чиқиш мумкин. Мана шу хусусиятлар тарбиянгиздаги ёш киши ёки беморга кўп жиҳатдан халал беришини кўрсатиб ўтиш, кейин эса унга ғашга тегадиган вазиятлардан нарироқ бўлишга ўзни ўргатиш, жаҳл чиқиб турган

пайтда ёлгиз қолиб, севган иш билан шуғулланишга интилиш керак, деб маслаҳат бериш зарур. Сен спиртли ичимликлар ичишдан ҳар қандай йўллар билан ўзингни сақлашинг керак, деб тушунтириб бориш лозим, бу ўсмирларга. Чунки характерининг хусусиятлари ҳисобга олинадиган бўлса, жаҳлдорликни кучайтирадиган ва кўнгилни баттар қоронғи қилиб қўядиган мастлик уни хавфли оқибатларга олиб бориши мумкин.

Гипертим ўсмир билан алоқа боғлаш дастлаб анча осон бўлади, лекин эндигина гап қовушиб қолай деб турган пайтда фикрлар риштасини узиб юбормаслик учун нуқул қуруқ панд-насихат қилаверишдан эҳтиёт бўлиш керак. Маҳкамроқ алоқа ўрнатиш учун врач ёки педагогнинг хайрихоҳ, самимий бўлиши, ёрдам беришга интилиши, мушкул аҳволдан чиқиш учун биргалашиб нажот қидиришга тайёр туриши ҳаддан ташқари муҳим бўлади. Лекин бу — бетакаллуф муомала қилса бўлаверади, деган гап эмас. Ўсмирлар пинжига кириб, ялпоқланиб тақлид қилишга уруниш ҳам ярамайди. Гипертим ўсмир ўз кўнглига врач, педагог, ниҳоят ота-оналари яқин бўлиб қолганлигини сезади, чунки уларнинг ўзи тамомила мустақил одам эканликлари шундоққина кўришиб, тушунарли бўлиб қолади. Бундай ўсмирнинг ҳормас-толмас куч-қуввати, иш-ҳаракатга, одамлар билан мулоқатда бўлишга рағбати, ҳавас, қизиқишларини тўғри йўлга солиб юбориш учун унга ёрдам бериш керак. Ўзидан кўра сал каттароқ соғлом ёшлар коллективи гипертим ўсмирга айниқса яхши таъсир кўрсатади. Бундай ўсмирлар учун ёшларнинг меҳнат лагерлари, туристик походлар қизиқарли ва кўнглига ёқадиган бўлади.

Истероид ўсмир билан дастлаб алоқа боғлаш, балки, бундан ҳам, осонроқ бўлар. Бироқ, бундай ўсмирга медицина ва педагогика йўли билан сезиларли таъсир бериб бориш анча қийин. Бу ўринда гипнознинг имкониятларига ҳаддан ташқари ортиқча баҳо бериб юборилади. Истероид шахсни шу шахсиятнинг моҳиятини ташкил

этувчи худбинликдан ҳеч қандай гипнотизер халос қила олмайди. Истероиднинг худбинликларини қаноатлантира оладиган, ҳеч кимга зиён-заҳмат етказмай, унга ва атрофидагиларга қандайдир бирор фойда бериши мумкин бўлган фаолият турини истасанг-истамасанг қидириб топиш учун уриниб кўришга тўғри келади. Бу ўринда бадий ҳаваскорликка мурожаат қилиш жуда ўринлидир. Ўсмирнинг ўз ҳоли-қудратига қараб касб тандаб олишига ёрдам бериш керак, чунки ўсмирлар ўз имкониятларига ортиқча баҳо беришга мойил бўлишади. Отаналарга маслаҳат қилиб, салбий характердаги хилма-хил намойишкорона қилиқларга алоҳида аҳамият бермаслик керак деб айтиш ўринлидир, шунда болаларнинг юриш-туришидаги худбинлик мустаҳкамланиб, стереотип шаклига кириб қолмайди. Истероид ўсмирларнинг қилиқ ва қилмишларига бамайлихотирлик билан қараш лозим, мудом шуларни гапиравериш ҳам, жазосиз қолдиравериш ҳам ярамайди, бундай қилмиш-қилиқларга одам ўзининг ёмон муносабатда бўлишини қаттиқ жоғоро ва уруш-жанжал қилмасдан, лоақал оқилона билдириб қўйиши керак бўлади.

Шизоидларга келганда улар билан чинакам алоқа боғлаш ҳаддан ташқари қийин. Ишонч қозонишга уруниб қилиб кўрилган хатти-ҳаракатларнинг ҳаммаси одам билан раён келганда гаплашадиган, кимни ёқтириб, кимни ёқтирмаслигини ҳеч қачон билиб-тушуниб бўлмайдиган шизоиднинг тепса тебранмас писмиқлиги олдида қўпинча беҳуда бўлиб қолаверади. Аксари суҳбат врачнинг мажбурий монологидан бошланади. Афтидан, одамлар билан умуман муомала қилишнинг оғирлиги ва гаплашиш қийин бўлган одамларнинг тақдирлари тўғрисидаги проблема суҳбат учун бу ўринда ҳаммадан яхши мавзу бўлади. Ўсмир қўшимча саволсиз бирдан ўзи гап бошлаб қолса, балки, бутунлай бошқа мавзуда гап очса ҳам у вақтда расмий ва чинакам контакт ўртасида енгил қийин бўлиб турган говни бузилган

деб умид боғлаш мумкин. Гапга тушиб қолган ўсмирнинг сўзини бўлиб қўйиш эҳтиётсизлик бўлур эди. Майли, у кўнглидагиларини гапириб олсин. Гапи тамом бўлиб қолаётганини сезган заҳоти (шизоид ўсмир билан суҳбатлашиш вақтида шундай бўлиши мумкин ва кўпинча шундай бўлади ҳам) врач суҳбатни ҳеч кутилмаган мавзуга буриб юборгани маъқул. Шизоид ўсмирлар микроколлективда ишлаш билан боғлиқ бўлган касб-қорни эгаллашни орзу қилиб юрадилар. Лекин худди мана шундай кичик коллективда одамлар бир-бири билан жуда яхши муносабатда бўлиб туриши ва бир-бирини яхши тушунадиган бўлиши зарур. Шунга кўра, бундай ўсмирга шу йўлдан боришни маслаҳат кўриш ўринли бўлмас.

Ўсмирлар коллективида ичкиликка қарши олиб бориладиган пропаганда алкоғолнинг саломатлик учун қандай зарарли таъсир кўрсатишини ҳамда пиёнисталик, бузуқлик, ахлоқсизликдан иборат ҳодиса эканлигини ўсмирларга тушунтириб беришдек мақсадни кўзламоғи керак. Ўзининг саломатлигига ортиқча аҳамият бериб юрадиган эпилептоид учун спиртли ичимликлар соғлиқ учун ҳалокатли эканлигини кўрсатувчи далиллар, чамаси, айниқса ишончли бўлиб чиқса, кўпчилик бошқа ўсмирлар учун масаланинг ахлоқий эстетик томони каттароқ аҳамиятга эга бўлади.

Ўмуман ўсмирлар билан ва, хусусан, характеридаги нуқсонлар туфайли юриш-туриши бошқачароқ бўлиб қолган ёшлар билан ишлаш оиладан, педагоғлар билан социолоғлар, психиатрлар билан психолоғлар томонидан доимо ва кўп зўр бериб боришни талаб қилади. Психопатиялари ва характер акцентуациялари бор ўсмирларни яхши мослаштириб олишдек қийин вазифа тўла-тўқис ҳал қилинади, деб умид қилиш керак, чунки бу вазифани ҳал қилиш ҳар қанча мушкул бўлгани билан жамиятимизнинг қурби етмайдиган нарса эмас.

*

* *

Бир ой сезилмасдан ўтиб кетди.

Профессор Клячко клиникасида Вячеслав Сергеевич кўп нарсаларни кўрди ва кўп нарсаларни эшитди, психологияга онд монография ва журнал мақолаларини титкилаб кўриб, кўп нарсаларни билиб олди. Музей ва кўргазмаларни айланиб чиқишга ҳам улгурди, у. Таассуротларга тўлиб-тошган ҳолда уйига қайтиб келди.

Белов келганининг эртаси куни Петр Петрович олди-га борди. Петр Петрович уни бўлғуси ўсмирлар бўлимининг ремонтдан чиқарилиб, топ-тоза қилиб ярқиратиб қўйилган биносига бошлаб борди ва яқин кунларда асбобускуна ва ашёлар, бўлим дорихонасини бут қилиш, ўрта ва кичик медицина ходимларини излаб топиш ҳамда буларни ўқитиш масалалари билан шуғулланиш кераклигини тушунтирди. Бинони айланиб чиққандан кейин хоналарни тақсимлаш: палаталар, кабинетлар, овқат сузиладиган хона билан ошхона, дам олиш ва ўйнаш хоналарини ажратиш керак — янги бўлим очилиши муносабати билан Петр Петрович бир талай масалаларни муҳокама қилиш учун доктор Беловни яна ўз кабинетига таклиф қилди.

Бир ярим соатлардан кейин Вячеслав Сергеевич бош врач кабинетидан чиқиб келар экан, Петр Петровичнинг секретари унинг олдига келиб, юборилган жойининг адреси ёзилмаган почта конвертини унга узатди.

— Хайриятки, пулни тўлаб оладиганидан эмас экан! — деб ҳазиллашди доктор Белов, аёл кишининг чиройли дастхати билан ёзилган касалхона адреси ва ўз фамилиясини ўқиб чиққанидан кейин. У конвертни очди ва унда хат ўрнига театр билети борлигини кўриб, ҳайрон бўлди. Лоақал қисқа бўлса ҳам хат чиқиб қолармикин деган умид билан конвертни яна бир марта қараб чиқди, аммо бошқа ҳеч нима топмади.

Доктор Белов ўзининг ҳувиллаб турган ва ҳали деярли бўм-бўш кабинетига келиб — бу кабинетда фақат ёзув столи ва унинг ёнида стул бор эди, холос — марму-

рий корпусдан то ўзининг бўлимига келгунча бутун йўл бўйи ва ҳозир ҳам мана шу кутилмаган ва ғалати тухфа тўғрисида ўйлаётганини сезиб қолди. У билетни кўздан кечира бошлади. Катта театрдаги «Травиата» га олинган билет экан у. Вячеслав Сергеевич театр билан унча иши йўқ, операни эса ҳечам ёқтирмасди. Уни симфоник музыка кўпроқ қизиқтирар, у органни севарди, фортепиано музикаси концертга жон-жон деб борарди. Композиторлардан унга Бах билан Шопен ёқарди, булар ҳар жиҳатдан ҳар хил, ҳатто замон эътибори билан ҳам бир-биридан жуда узоқда эди. Опералардан эса у фақат Глюкнинг «Орфей» ини, шунда ҳам ўз уйидаги диванида ётиб олиб, грампластинкадан эшитиши мумкин эди.

Лекин ҳозир қаердан келиб қолганини худо биладиган шу билет уни қайси жойга чорлаётганида эмас эди, гап. Ўз адресини ёзмасдан конверт бериб юборган экспедитор қизиқтираётган эди, уни. Дарвоқе, билетни бирга ишлашаётган аёллардан ҳар бири, равшанки, ёшгинаси (мана шуниси шубҳасиз эди!) юбориши мумкин-ку. Ниҳоят лоп этиб унинг эсига бир фикр келиб қолди. Бу шак-шубҳасиз, Лидия Степановна-ку, ахир, шу аёлни у ҳазил аралаш гоҳо чанғида сайр қилишга, гоҳо қайиқда айланиб юришга таклиф қиларди. «Оббо, шаддодэй! — деб ўйлади илжайиб, Вячеслав Сергеевич. — Қизиқ, ўзи келармикин ё келмасмикин? Буни қаранг-а! Ўз қўли билан бериб қўяқолмасдан, почта яшчигидан юборибти-я!»

Жумбоқ ечилган эди. Вячеслав Сергеевич ўзининг топқирлигидан мамнун бўлиб, чеҳраси ҳам очилди. Телефон трубкасини олиб, ўн биринчи бўлим номерини терди ва Лидия Степановнани чақирди.

— Салом, Лидочка!

— Салом, Вячеслав Сергеевич! Зиёрат қабул!

— Хўш, қайиқ сайрига нима дейсиз?

— Мен доим тайёрман. Фақат эссиз, қор ёғиб турибди, деразага қаранг.

— Сиз шўх экансиз, Лидия Степановна...

— Бу нима деганингиз, Вячеслав Сергеевич?

Лидия Степановна овозида доктор Белов бир қадар ўйноқлик сизди. «Ҳаммаси равшан»!

— Биламиз-билаамиз, ҳеч гуллаб қўймаймиз! Ҳамма сини биламиз!

— Хўш, нимани биласиз?

— Уч кун кутайлик. Мени ҳеч нарса пайқамаган деб ҳисобланг!

— Оббо, Вячеслав Сергеевич-ей, сиз энди бўлим му-дири, муътабар зот бўлиб қолган бўлсангиз ҳам, шум-сизда!

— Э, э, э! Масъулиятли мансабдор шахс билан сиз қандай қилиб бу қадар бетакаллуф гаплашасиз? Майли, инсонпарвар ва олижаноб ишингиздан қолдирмайман, сизни! Тез орада кўришгунча!

— Бизнинг бўлимимизга кириб туриг, меҳмонга ке-ларсиз деб доим кутамиз сизни, бизларни унутиб қўй-манг, Вячеслав Сергеевич. Омон бўлинг.

Вячеслав Сергеевич телефон аппаратининг ричагини босиб, гудогини эшитганидан кейин тағин номер терди — бу сафар бошқа бўлим номерини — ва ўзининг дўсти доктор Гладковни чақириб беришни илтимос қилди.

— Геннадий? Бу сенмисан?

— Йўқ, мен эмасман, Славик.

— Доим қизиқчилик қиласан-да.

— Сенчалик бўлишимга анча бор!

— Меникига борайлик, мен сенга жуда ғалати китоб олиб келганман.

— Сен билан бир гурунглашгим бор, Славик, соғин-дим. Уғлимдака қилиб айтадиган бўлсам, суюндим. Ле-кин яхшиси сен меникига келақол. Хотиним ҳам хурсанд бўлади. Уғлим мудом сени сўрайди. Шунақа лозимат учун мен такси оламан.

— Ҳозир кира ҳақи қанақаки — унга тушганинг бур-нингдан чиқади.

— Бутун бир ҳафта тийиб юрдим ўзимни. Лекин энди бор-е, дедим.

Доктор Белов кийимини алиштирди ва аллақайси бир куйни миғирлаб хиргойи қилиб, эшикка қараб юрди. Дарвозага улар дўсти билан бир вақтда келиб қолишди. Шу орада такси ҳам чиқиб қолди ва дўстлар ҳўл бўлиб қолган йўлдан физиллаб кетишди.

Геннадий Иванович ҳаш-паш дегунча дастурхон тузди — хотини ўғлини олиб келиш учун боғчага кетган бўлса керак, — дастурхонга мева-чева ва консерваларни қўйиб, шўрвани иситди.

— Хўш, гапир-чи. Ленинград қалай? Профессор Клячко ишлари ёқдими?

— Клячко — ақли бутун одам. Балли у шоввозга. Расо ишлайдиган, ақлли одам-да. Ҳамкорлари ҳам ажойиб кишилар экан. Ленинград бўлса, ўзгариб кетибди. Охирги марта борганимга анча бўлган-да ахир. Қадимги иморатлар пардоздан чиқарилиб, янгиланган. Янги қурилишлар кўп. Ҳашаматли, гўзал шаҳар, ажойиб одамлар. Лекин барибир Москвада яхшироқ. Урганишда...

Геннадий Ивановичнинг хотини, Татьяна беш яшар Петяни бошлаб келиб қолди.

— Ойи, қара бизникига ким келибди! — деб ташланди гўдак, доктор Беловга. — Нима олиб келдинг?

Шунақа дейдими, одам, Петя? — Ўғлининг бунақа одобсизлигидан ҳижолат тортиб деди Таня. — Салом, Слава!

— Салом, салом. Олиб келганим электр...

— Темир йўлми?

— Ҳа, темир йўл.

— Яшанг! Менда ҳозир биттаси бор эди, бутун уйни гир айлантриб йўл қураман ва иккита электровоз юргизаман.

Петя темир йўл деталлари солинган қутичани чангалланча қўшни хонага қараб югурди.

— Хўш, раҳматни ким айтиши керак?

— Же ву ремерси боку, месъё!

— Мен у билан французчани машқ қила бошладим, — деди Геннадий Иванович хурсанд илжайганча — Қобилияти шунақаки, асти қўявер!

— Ҳа, бўпти, — деб луқма ташлади Тая, гарчи унинг юзида ҳам мамнунлик барқ уриб турган бўлса-да.

— Сизлар бахтиёрсизлар, оғайнилар! Хонадонингизда кўнглим яйрайди.

— Аллақачон уйланиш керак эди!

— Узим ҳам ўйлаб юрибман...

Геннадий Иванович китоб жавони ёнига бориб, пастки тоқчага териб қўйилган грампластинкаларни титкилай бошлади.

— Дарвоқе, биласанми, доктор Литвиненко эртага кандидатликни ёқлар экан? — деб ўгирилди у Беловга.

— Э, отасига балли!

— Зиёфатига борасанми? Айтганча, буни энди зиёфат эмас, балки офтобда қатиқ ичишган қариндошнинг туғилган куни ёки шунга ўхшаган бир нарса дейишади... ВАҚ нинг газабини кўзгамаслик учун. Ичкиликвозликка қарши кураш беозор зиёфатларни ҳам ўз домига тортиб кетди...

— Йўқ, иложим йўқ. Бўлимни ташкил қилишга тегишли ишлар кўп. Лекин илмий советга, балки, кириб кўрарман, тухумдан энди чиққан алломага гул тутқазиб, сўзларини эшитиб кўрарман. Илгарилари доим тескарисини қилар эдим: ҳимояга бормасдан, зиёфатларда ҳозир бўлишни қўймасдик. Лекин ҳозир иш ошиб-тошиб ётибди... Ёш ўтган сайин ташвишлардан ҳолироқ бўлиб бориш керак эди, биз бўлсак, зўр берганимиз, зўр берган...

— Шунақа бўлиши керак-да, ўзи, Слава!

— Рост, сен ҳақсан. Узиям шунақа бўлиши керак!

Геннадий Иванович қидираётган пластинкасини ахирги топиб, радиолани қўйди ва дискига пластинкани оҳиста ўрнаштириб, адаптерини секин устига туширди.

Таня билан Вячеслав Сергеевич стол орқасидан чиқиб келишди ва уччалалари креслоларга бемалол ўрнашиб олишди.

* *
*

Вячеслав Сергеевич конференциялар залининг эшигини очганида илмий совет мажлиси расо авжга чиққан эди. Доктор Литвиненко ўз диссертациясидаги материалларни баён қилаётган экан. У авторефератининг кириш қисмини — баҳс қилинаётган масалалар юзасидан адабиёт обзорини — ўқиб бўлиб, энди ўз кузатувларини баён қилишга киришди.

— Алкоголизм одамнинг ёшлик вақтида бошланган бўлса (бунда биз шартли равишда ёши 25 гача бўлган касаллар группасини ажратамиз), бунда касалликнинг анча тез авж олиб боришига ёрдам берадиган ва клиник манзарасига қандайдир бирор хилдаги хусусиятларни киритиб қўйиши мумкин бўлган аллақандай бир қўшимча омиллар бор, деб тахмин қилиш мумкин. Ёш одамларнинг спиртли ичимликларга ружу қўйиб қолишида, афтидан, худди шу омилларнинг ўзи роль ўйнайди. Мана шу омилларни аниқлаб олиш учун ҳам биз ушбу тадқиқотни ўтказдик. Кузатувимизда хроник алкоголизм билан оғриган 16 ёшдан то 25 ёшгача 100 та бемор бор эди.

Касалликнинг клиникаси ва ўтишини таққослаб кўриш учун 75 кишидан иборат етук ёшдаги контрол касаллар группаси ҳам ўрганиб чиқилди. Бундан ташқари 15 ёшдан 19 ёшгача бўлган ўсмир ва ёшлар группаси текшириб кўрилди. Булар мастлик ҳолатида жамоат тартибини бузганлиги учун милиция назарига тушиб қолган ёшлар эди (ҳаммаси 119 киши)...

Вячеслав Сергеевич залга кўз югуртириб, бўш ўрин қидириб топди ва ўзига диққатни жалб қилмаслик ҳам-

да тингловчиларга халал бермаслик учун секингина бо-
риб бўш стулга ўтирди.

— Қасаллик тарихларини анализ қилиб чиқиш шуни кўрсатдики, — деб сўзида давом этар эди диссертант, — асосий гурпуада касалликнинг «клиник» босқичи, яъни бошланган пайти кўпчилик беморларимизда 13 ёшдан 19 ёшгача бўлган даврга тўғри келган (77 та касалда), Қасалликнинг 20 ёшдан 22 ёшгача бўлган даврда бошланиши 100 тадан 12 кишида, 23 ёшдан 24 ёшгача бўлган одамларда бошланиши 4 кишида ва 25 яшар одамларда бошланиши — 2 кишида кўрилган. Шундай қилиб, касалларимизнинг жуда кўпчилик қисмида хроник алко-голизмнинг дастлабки белгилари 19 ёшгача бўлган даврда пайдо бўлган.

Текшириш ўтказилган вақтга келиб касаллик 100 та беморнинг 62 тасида энди узил-кесил шаклланиб олган ва хроник алкоголизмнинг расо авжига чиққан босқичи бошланган эди, шу билан бирга 31 кишида касаллик 16—19 ёшга, 22 кишида — 20—22 ёшга, 9 кишида 23—24 ёшга келиб қарор топган. Бу ўринда биз пиёнисталикдан алкоголизмга ўтишнинг дастлабки симптомларигина эмас, балки касалликнинг рўйи-рост белгилари ҳам аксари ёшлик, ўсмирлик даврида юзага келиб, намоен бўлишини кўриб турибмиз.

Бу серрақам хулосаларни тинглаб, мияга жо қилиш Вячеслав Сергеевичга қийин бўлди, у гап-сўзининг калавасини йўқотиб қўйди. Шунинг учун бугун эрталаб доктор Литвиненко унга илиқ сўзларни ёзиб, совға қилиб берган авторефератни халатининг чўнтагидан олиб, док-ладни текснга қараб кузатиб борди.

— Бизнинг беморларимизда ҳам, худди катта ёшда-ги алкоголикларда бўлгани каби, касалликнинг дастлаб-ки кўринишлари пайдо бўлишидан аввал ичкиликка ружу қўйилгани маълум бўлди, лекин, ичкиликни шу та-риқа суинистёмол қилиш ҳали касаллик тусига кириб қолган ҳирс тусини олмаган эди. Ичкиликни шундай сун-

истеъмол қилиб юриш даври 22 та касалда атиги 6—12 ойни, 71 кишида 2 йилдан 5 йилгача ва 7 та касалда 6 йилдан 7 йилгача муддатни ташкил этган. Хроник алкоголизмга дучор бўлган катта ёшдаги контрол одамлар группасида бошқача манзарани кўрамиз. 75 та одамнинг биронтасида бўлсин касаллик асосий группадаги ёшларнинг кўпчилигида бўлганидек, алкогольни шу қадар қисқа муддатларда сунистеъмол қилишдан кейин бошланган эмас. Пиёнисталикдан алкоголизмга ўтиб бориши учун катта ёшдаги одамларга спиртли ичимликларни камида 7 йил (75 кишидан 4 тасида), лекин аксари бундан ҳам кўра кўпроқ муддат керак бўлган.

Шундай қилиб, ёшларда хроник алкоголизм симптоматикаси жуда қисқа муддатларда қарор топиб олади ва касаллик шиддат билан ёки ниҳоят даражада тез суъбат билан ривожланиб боради. Хўш, ёшларда хроник алкоголизмнинг шу тариқа тез авж олиб боришига нима ёрдам беради? Касалликка олиб келадиган омилларни алкоголизмга дучор бўлган катта ёшли одамларга тегишли шундай нарсалар билан солиштириб кўриб чиқайлик.

Маълумот даражаси тўғрисидаги масала устида тўхтаб ўтамиз. Асосий группада касаллардан олитаси бошланғич маълумотга эга, 71 таси беш-тўққиз синфни тугатган, 20 таси ўрта маълумотли, биттаси ўрта махсус маълумот ва иккитаси олий маълумот олган кишилар эди. Мана шундан текшириб кўрилган барча одамларнинг 77 процентини маълумоти паст одамлар ташкил этганлиги аниқ кўриниб турибди. Дуруст, асосий группамиздаги шу кўрсаткичга ёшларнинг етарли ҳажмда маълумот олишга ҳали улгурмай қолганлиги ҳам қисман таъсир қилган. Шундай бўлса ҳам, кўпчиликни ишга киришлари биланоқ ўқишни ташлаб юборган ёшлар ташкил етар эди. Ўз маълумотини оширишдан кейинчалик шу тариқа воз кечилганлигида ҳам спиртли ичимликларни сунистеъмол қилиш каттагина роль ўйнаган. Бу

Ўринда биз ўзига хос нуқсонлар доирасига тўқнаш келамиз: ёш киши маълумотининг паст даражада бўлиши ва, афтидан, қизиқишларининг бир қадар чекланиб қолганлиги спиртли ичимликларга барвақт рағбат уйғотиб қўйган, ичкиликни сунистеъмол қилиши эса мактаб, техникум, институтда ўқишни давом эттириш учун унга ҳалал берган.

Катта ёшли контрол одамлар группасида манзара бошқача. Улар орасида атиги 10 киши бошланғич маълумотга, 37 киши тўлиқсиз ўрта, 12 киши ўрта маълумотга, 7 киши ўрта техника маълумотига, 9 киши олий маълумотга эга бўлган. Маълумот даражаси билан спиртли ичимликларга ружу қўйиб қолишнинг бир-бирига боғлиқлиги контрол касаллар группасида анча суетифодаланган.

Иккинчи контрол группада (119 киши) яна маълумот даражаси кўрсаткичларининг анча паст бўлганлигини кўрамиз. Булар орасида 101 киши бошланғич ва тўлиқсиз ўрта маълумотга эга бўлган.

Ёшлар ўқув юртларини ташлаб кетганликлари учун улар бошқа бир микромуҳитга тушиб қолишган. Ёш йигит меҳнат коллективига қўшилар экан, атрофида кўзига ташланадиган нарсаларнинг ҳаммасига ҳаминча ҳам тўғри баҳо беравермайди, мутлақо. Ёшларга хос максимализм, катталардек бўлиб кўринишга интилиш кўпинча йигитчани шунга олиб келадикки, «биринчи ойликни ювиш», «уч кишилик ҳалфана»ни таклиф қиладиган одамларни, бошқача айтганда, уни катта киши қаторига киритаётгандек бўлиб кўринган одамларни, у ўз атрофидаги кишилардан кўра афзалроқ деб билади. Шуниси қизиқки, асосий группамиздаги ёшлардан 64 киши меҳнат фаолияти йўлига кирган пайтидан ичкиликни сунистеъмол қила бошлаган. Атиги 16 киши ишга кирганидан кейин кўп ичкилик ичадиган бўлиб қолган, 20 киши эса завод-фабрика ёки қурилишга келишидан аввал ҳам ичиб юрган.

Иккинчи ёшлар контрол группаси учун ҳам худди шундай кўрсаткичлар характерлидир. 119 кишидан фақат 11 таси ўқувчи бўлиб чиқди, 108 таси эса ишмайди-ганлардан экан. Айни вақтда ичкилик сунистеъмор қилина бошлаган вақт 104 кишида меҳнат ҳаёти бошланишига тўғри келади. Бу нарса ёшлик даврида ўзига хос таб бўлишини яна бир қарра исбот қилади: ёш йигит камчиликни ташкил этадиган «юриш-туриши бошқачароқ» одамларнинг ёмон таъсирига анча осон берилади ва ўзининг шундоққина атрофидаги кўпчиликнинг яхши анъаналарини унча ўзига сингдиравермайди. Шу муносабат билан ҳозирги кунда кенг расм бўлиб қолган мураббиялик алоҳида аҳамиятни касб этади. Тажрибали ва ҳаммининг ҳурматига сазовор бўлган катта ёшдаги одамлар корхонага келган ёшларга тамомилан янги ижтимоий ролга ўтиб олишнинг муҳимлигини жуда яхши тушуниб етиш учун ёрдам беришади, меҳнатда ва турмушда тўғри йўл тутишга ёрдам қилишади.

Хроник алкоголизмнинг барвақт бошланишида оиладаги тарбиянинг шарт-шароитлари, оиланинг расм-русумлари, жумладан ичкиликнинг одат бўлиб қолганини ҳам муҳим ролни ўйнайди.

Биздаги асосий касаллар группасидан 52 процент ёшларда тарбия шароитларининг ноқулай бўлганлиги аниқланди, бундай нобор тарбия асосан ичкиликвоз оталар туфайли оилада бўлиб турадиган доимий жанжалларга алоқадор эди. Биздаги беморларнинг кўплари отасиз тарбияланган, уларнинг оналари эрлари нуқуд ичкилик ичиб олиб, ҳар хил қилиқлар қилаверганидан улардан ажралиб кетишган. Равшанки, бундай оилаларда болалар кўпинча зарур даражадаги диққат-эътибор ва назоратдан маҳрум бўлиб қолишган. Баъзида ота-оналарнинг ўзи болалар ва ўсмирларнинг ичкилик ичишини тўғридан-тўғри рағбатлантириб уларга «қиттак» бериб сийлашган, дастурхон атрофида ичиб ўтириб, болаларига ҳам ичкилик беришган.

Ичкиликни одам нечоғлик барвақт тотиб кўрса, вақти билан унинг хроник алкоголик бўлиб қолиш эҳтимоли шунча кўп бўлиши қадимдан маълум. Рус врачиси ва педагоги Пётр Францевич Лесгафт ёзганидек, алкоголизм, унинг ўзи образли қилиб ифодалаб берган қуйидаги схемага мувофиқ авж олиб боради: «Аввалига ромли конфет, кейин ром билан конфет ва, ниҳоят, ромнинг ўзи».

Отанинг ёки, камроқ учрайдиган ҳодисани ҳам айтадиган бўлсак, онанинг ичкиликбозлиги, шунингдек, ҳам ота, ҳам онанинг ичкиликбозлиги болалар тарбиясига ёмон таъсир қилади. Шу маънода нобоп деб айтса бўладиган оилада ўсаётган ўғил ёки қиз ярамас одатдан ёмон сабоқлар олади, ўзини тарбиялаб бораётган пиёнистларнинг фикрлари ҳамда юриш-туришларидан кўп намуна олади. Ёлғон гапириш, одобсизлик, атрофдаги дунёга фақат манфаатни ўйлаб муносабатда бўлиш — мана шуларнинг ҳаммасини болалар дарров ўзига олади.

Мисол учун касаллик варақасидан кўчирма келтирмасдан, балки журналист М. Яковлевнинг «Правда» да босилиб чиққан очеркидан парча келтиришни ўзимга эп кўраман.

«... Олег ҳали иккинчи синфда ўқиб юрган чоғларида ота-оналари уни завод олдига олиб келишганини эслайди. Отаси ҳурмат-тахтасига ишора қилиб, фаҳр билан: «Кўрдингми ўғлим, кимдан намуна олиш керак» деди. Онаси ҳижолат тортиб ва қувонч билан жилмайиб ёнида турипти; Харьков авиация заводининг бошқа илғорлари орасида унинг фото расми ҳам ҳурмат тахтасида чирой бериб турган эди. Кранчи Валентина Николаевна меҳнатсеварлиги, жўшқин табияти, меҳрибонлиги учун ҳурмат қилишар эди.

Қўшнилари уларнинг уйига келиб, ҳурмат-эҳтиром билан; «Юрий Иванович, йўқ дема, умид — фақат сенинг олтин қўлларингдан» деб илтимос қилишганида, Олег

фахрланган эмас дейсизми? Отаси шунақанги ҳам дуррадгор, ҳам ёғочсоз устаки, тенгини топиш қийин. Олег бутун онаси билан ўрмонга боришганини ҳам эслайди. Ушанда отаси бир-икки рюмка ичган, онаси бўлса; «Шўр пешоналар ичаверсин, менинг кўнглим шундоқ ҳам хурсанд» деб ҳазил қилиб, вино деган нарсани оғзига олмас эди.

Энди бўлса, ота-оналари унинг учун бегона бўлиб қолишган, Олег эса уйга йўл йўқлигини жуда яхши билди. Дарҳақиқат, ўн етти ёшда меҳнат билан тарбиялаш колониясида жазо муддатини ўтаб, шундай деб ўйлаш даҳшат-ку! Мана бир ярим йилки, у ота-оналаридан ажралиб қолган, лекин вақт уни юмшатгани йўқ. Аксинча, ўзининг хатти-ҳаракатларини, бекордан-бекорга ва аламига чидолмасдан кўчаларда вақт ўтказиб юрганларини пушаймон билан ўйлаш оиладаги чидаб бўлмас аҳролни дам-бадам эшлашга мажбур этади.

Ота-оналари қачон ичадиган бўлиб қолишди? Харьковнинг янги микрорайонидаги Сунгаит кўчасида алоҳида квартира олишганидан кейин, кўп ўтмай шундай бўлди. Вақт ўтиши билан тафсилотлар эсан чиқиб кетди-ю, лекин Олег бир нарсани яхши эслаб қолди. Еттинчи синфда энди унинг ўзи ичадиган бўлди. Уша вақтга келиб онаси заводдан кетиб қолди — янги дугоналари ошхонада енгил-елпи ишлаб, кун ўтказса бўлади, деб уни йўлдан оздирдилар. Кранчи идиш-товоқ ювадиган бўлиб қолди. Ишга маст бўлиб келганлиги учун ошхонадан бўшатиб юборишганидан кейин, у ЖЭК га фаррош бўлиб ишга кирди. Лекин, худди боягидек сабаб билан тез орада бу ердан ҳам кетишга тўғри келди. Кейин уни озик-овқат магазинига фаррош қилиб ишга олишди.

Отаси ҳам қўлига асбоб олган замонларни унутиб қўйган эди: у бир оз нафасни ростлаб, дўстлари билан «уч кишилашиб» улфатчилик қилса бўладиган пайт қачон келаркин деб, яшиқларни бир жойдан иккинчи жойга ташир эди. У хотини ишлайдиган ўша магазиннинг

Ўзида юк ташувчи ва ўриндош қоровул бўлиб ишламоқда эди. Эру хотин ҳар куни кечқурун уйига кайф билан келишиб, столга яна шиша қўйишарди. Кимгадир камроқ тегиб қоладиган бўлса, жанжал кўтариларди. Олдинма-кейин келишиб қолган пайтларида ичкиликни бекитиб қўйишарди.

Уларнинг яшириб қўядиган жойларини ўгли биларди — ёлғиз қолган чоғларида вино олиб ичар, чекарди. Мактабга боргиси йўқ, у мактабда «қийин бола» деб ном чиқарган эди. Ота-оналар мажлисларига отаси билан онаси боришмасди. Бола кўчама-кўча дайдиб юрарди. Бир куни мактабдаги кечага маст бўлиб келди, лекин уни киритишмади, шунда у директор кабинетининг деразасига гишт отди. Мактаб маъмуриятининг сабру бардошига у ҳали-ҳали ҳайрон.

Колония бошлигининг сиёсий-тарбиявий ишлари бўйича ўринбосари Анатолий Иванович Никонов, тажрибали ва моҳир мураббий бўлиб, ҳукм қилинганларга биринчи танишув вақтида одатда: «Жиноят қилиш учун нима мажбур этди?» деб савол беради. Ўсмирлар бошларини қуйи солиб, елкаларини қисишади. Колонияда анализ қилиб кўрилганида маълум бўлганидек, жиноятларнинг кўпчилиги қандай бўлмасин бирор тарзда ичкиликка алоқадор бўлган: ичиш учун пул топиш мақсадига ўғрилиқ қилишган...

Олегнинг «ўз» ресторани бор эди. У сочини елкасига тушадиган қилиб узун қўйди, каттакон узук тақиб олиб, костюм буюриб тиктирди. Ота-оналари аҳён-аҳёнда, эси ўзига келиб қоладиган онларда пул, буюмлар қаердан келаяпти деб қизиқиб қолишар эди. Кийиб туриш учун «танишимдан олдим» деб қисқа жавоб берарди у.

15 ёшида катталардек бўлиб кўринишни жуда кўнгли истаб қолди. Ўзига ўхшаган шундай «дайди» ўсмирлар билан бирга ёнгарчиликда йўлаклардан пана топишар ва ҳар бири бошқаси олдида ўзини кўнни кўргандек кўрсатмоқчи бўлиб, ичкиликка пул йиғишар-

ди. Йўлдан озган шу болаларнинг қаламга олинмаган ўз кўча қонунлари бор эди. Олижанобликка ҳеч даҳли йўқ қонунлар. Олег мушти билан ўз гапини ўтказишни ўрганиб олди. Ичкилик учун йўловчидан «қарз олиб турадиган», қизлар тўғрисидаги сурбетларча гап-сўзларга қўшилиб турадиган бўлди.

Бир куни Олег ўз мактабидаги ўнинчи синф ўқувчиси Александр билан бирга «сайрга» чиқди. Таламоқчи бўлиб бир қизга ҳужум қилганликлари учун уларни қўлга олишди. Ўша қизнинг театрға билет тарқатиб юришини, доим пули бўлишини билишарди. Улар ресторанга боришмоқчи эди...

Ҳозир Олег ўн етти ёшда. Устида кўк куртка, сочи тақир олинган, ранги сўлғин, оқариб кетгандек бўлиб кўринади. Кўришишга келадиганлар хонасида ҳам мен худди шундай болаларни кўрдим. Узун стол орқасида ўтиришипти, рўбарўда эса худди шундай стол орқасида оналари. Булар ҳеч гапирмасдан, ғоятда яқин ва шу билан бир вақтда жуда узоқ бўлиб қолган болаларига тикилиб, унсиз йиғлашади нуқул. Болалари паришонлик билан кўзларини жовдиратиб, деворга қарашади.

Олег колонияда бўлган бир ярим йил мобайнида уни бу хонага фақат бир марта чақирди. Ота-оналари шу ерга ҳам кайф билан келишипти. Кўришиш учун отасига рухсат беришмади. Онаси «ўғлимни лоақал бир кўрай» деб аранг кўндирди. Уғли ўз онаси — барвақт сўлиб қолган аёлга лоқайдлик билан қараб, унинг лунжларида ғайри табиий қизилликни, кайфдан ялтираб, мастона бўлиб турган кўзларини кўрди. Тескари ўгирилиб олди. Нима тўғрисида ҳам гапиришлари мумкин эди, улар? Укам қанақа деб сўради, холос... Онаси бу ерга бошқа келгани йўқ. Уғлини бориб кўриб келганидан кейин қўшниларига: «Қайтиб келганидан кейин яна қадимги ишини қилади, деб қўрқаман» деб кўнглидаги гапларини айтди.

...Ота-оналарнинг ичкиликка берилиб кетишидан бо-

нига фалокат тушган бир оиланинг тарихи, тўғрироғи, божиеси ана шунақа. Илгарига танишлар авваллари ҳурматли бўлган одамлардан юз ўгиришди, ота-оналар туғлидан маҳрум бўлиб қолишди».

... Табиийки, фақатгина бола тарбиясининг ўзига раҳна етиши билан қолмайди. Алкоголикларнинг оилаларида болалар касалманд, нимжон бўлиб ўсишади. Нега деганда ичкиликбозлик оиланинг бюджетига катта таъсир кўрсатиб, рўзгор шароитларини яхшилашга ҳалал беради. Пиёниста ота тўполон кўтариб, сурбетларча уруш-жанжал қиладиган, ичиб олганидан кейин хотини билан болаларини уйдан ҳайдаб чиқарадиган, уларни уриб турадиган бўлса, болалар одатдагича ўқиш ва яшашга иложи қолмайди, уйқуга қонишмайди, мудом қўрқиб, асабий бўлиб юришади, жиззаки ва қўзғалувчан, ҳадиксирайдиган, пассив, гоҳо руҳи эзилиб юрадиган бўлиб қолади. Ота-оналарининг ичкиликбозлик қилиши — «қийин» болалар проблемасини пайдо қилувчи сабабларнинг бири, «болаларнинг асабий бўлиб қолишига», аниқроқ айтганда, болаларда невротик ҳолатлар пайдо бўлишига олиб келадиган сабабларнинг биридир. Невротик ўсмир, айниқса пиёнистанинг даҳшатли дўзахга айланиб қолган оиласида тарбияланувчи ўсмирнинг ичкиликбоз бўлиб қолиш эҳтимоли нормал оиладаги ўсмир ёки йнгитга қараганда анча кўп бўлади. Шундай қилиб, ичкиликка ҳавас қўйиб қолган ёшларнинг шўрпешоналиги уларнинг пиёниста ота-оналардан туғилганидан, яъни насли нобоб бўлганидан кўра кўпроқ оиладаги ноқулай вазиятда тарбияланганига боғлиқдир.

Насл-насаб, ирсиятнинг ўзига келганда эса, алкоголизм, спиртли ичимликларга ҳирс қўйишнинг тўғридан-тўғри наслга ўтиб бориши тўғрисида бу ўринда сўз ҳам бўлиши мумкин эмас. Баъзи жисмоний ва асабий руҳий ўзгаришлардан иборат бўлиб чиқадиган носпецифик ирсий мойиллик тўғрисидагина гапириш мумкин.

Касалларимизнинг насл-насаби, ирсияти ўрганилган

нида 56 кишининг уруғ-аждодидида алкоголизм, 6 процент кишининг уруғ-аждодидида руҳий касалликлар борлиги аниқланди; 38 процент кишида насл-насабнинг айнамаганлиги топилди. Шундай қилиб, 100 та бемордан 62 тасида наслу насаб айнаган бўлиб чиқди. Оилада алкогольлик ёки руҳий касалликка учраган одам бўлса, бу ҳол болаларни ўстириб тарбиялаб келаётган бутун оиланинг турмуш шаронтига жиддий таъсир кўрсатмасдан қолмайди. Ирсият омилли оиладаги тарбия шаронтлари билан шу қадар маҳкам боғланганки, бу иккала омилдан ҳар бири алоҳида-алоҳида қанчадан таъсир кўрсатиши туришини аниқлаб олиш жуда қийин.

Қатта ёшли алкоголиклардан ташкил топган контрол группадан 75 кишидан атиги 34 тасида ирсият айнамаганлиги топилдики, бу тахминан 45% ни ташкил этади.

Ичкиликка ружу қўйишга ҳамда хроник алкоголизм пайдо бўлишига йўл очадиган омилларнинг аҳамиятига тўғри баҳо бермоқ учун кишининг ичкиликни нечоғлик кўп сунистеъмол қилишини — алкоголь ичишга жавобан организм кўрсатадиган индивидуал реакциясининг кучига нисбатан олганда нечоғлик тез-тез ва қанчадан ичиб туришини, ичганида ҳам, нечоғлик кучли ичимликлар ичишини назарда тутиш зарур.

Биз ичкилик истеъмол қилишининг учта даражасини тафовут қиламиз: спиртли ичимликларни гоҳ-гоҳида, тасодифан, кўп деганда ойига бир-икки мартадан озроқ миқдорда, шартли қилиб айтганда, 100 миллилитр ароққа тенг миқдорда ичиш, асосан, ойига икки мартадан кўра сал бот-ботроқ қилиб, одатда анчагина маст бўлгунча бирмунча кўпроқ миқдордаги ичкиликни сунистеъмол қилиш ва, ниҳоят, ароққа айлантириб ҳисоблаганда 250—350 миллилитрга тенг келадиган каттагина миқдордаги вино ёки ароқни мунтазам, камида ҳафтасига икки марта сунистеъмол қилиб юриш.

Ичкиликка ружу қўйиб келинаётган дастлабки пайтларда касалларимизнинг 7 проценти ичкиликни гоҳ-гоҳи-

да ва оз-оздан ичиб юрган, 71 проценти ичкиликни гоҳ-гоҳида сунистеъмом қилиб турган ва 22 проценти ичкиликни доим сунистеъмом қилиб борган.

Шундай қилиб, касалларимизнинг кўпчилигида (100 тадан 71 тасида) алкоголизм бошланишидан олдин гоҳ-гоҳида, бир тасодиф билан ичкиликни сунистеъмом қилиб туриш даври бўлиб ўтган.

Ниҳоят, ёш киши шахсиятининг хусусиятлари, назаримизда, хроник алкоголизмнинг бошланишида муҳим роль ўйнайди. 100 та ёшдан 59 тасида қадаҳни биринчи бор қўлга олишдан илгари патологик шахс ўзгаришлари бўлганлиги топилган. Гап психопатик характер хусусиятлари (касалликнинг 38 процентиди), калла суяги шикастланишининг оқибатлари (15 процент), туғма ёки турмушда пайдо бўлган жисмоний камчиликлар муносабати билан характер ўзгаришлари (касалларнинг 6 процентиди) тўғрисида бормоқда. Қатта ёшли контрол алкоголиклар группасида ичкиликка ружу қўйишдан олдин характерида нуқсонлари бўлган касалларнинг сони анча кам — 22 процент бўлиб чиқди.

Ёшларда хроник алкоголизм пайдо бўлишида характер нуқсонларининг қатта роль ўйнаши уларда учрайдиган алкоголизм клиникасининг хусусиятларини ўрганиш учун, ёш алкоголикларни даволашнинг энг маъқул йўлини танлаб олиш учун, хроник алкоголизмнинг яна қўзиб қолишига йўл қўймаслик ва бу касалликнинг олдини олиш учун қатта аҳамиятга эга.

Энди беморларимиздаги ичкилик касаллигининг клиникаси ва ўтишини кўздан кечириб чиқиб, ёшларда учрайдиган хроник алкоголизмнинг баъзи хусусиятларини кўрсатиб ўтишга уриниб кўрамиз.

Аввал ичкилик касаллиги пайдо бўлмасидан олдин характерида нуқсонлари бўлмаган касаллар кенжа группасини (100 тадан 41 та касални) шу нуқтага назардан таҳлил қилиб чиқайлик.

Бу беморларда спиртли ичимликларни сунистеъмом

қилишдан то ичкилик касаллиги пайдо булгунча ўтган давр 6 ойдан 7 ойгача борган, шу билан бирга жуда кўпчилик ҳолларда 2 йилдан то 5 йилгача муддат орасида бўлган. Бунинг маъноси шуки, илгарилари қандайдир бирор руҳий касаллиги бўлмаган ёшларда ҳам хроник алкоголизм вояга етгандан кейин ичкиликни сунистеъ-мол қила бошлаган одамлардагига қараганда анча тезроқ пайдо бўлиб, шаклланиб боради. Қиттак тотиб кўриш ёшлар учун айниқса хатарли!

Бу кенжа гурппадаги беморлар спиртли ичимликларни нечоғлик тез-тез истеъмол қилиб турган ва мастлик даражасигача ичилганда ичкилик миқдори нечоғлик кўп бўлган бўлса, шунча тезроқ хроник алкоголик бўлиб қолишган. Ёш беморларда ичкилик хуморининг синдроми асосан психопатологик компонентлардан (асабийлик, маъюслик, депрессия, узук-юлуқ васваса гаплардан) иборат бўлди, лекин соматоневрологик компонент (умуман ланжлик ҳис қилиш, бош оғриши, юрак соҳасининг санчиб туриши, бутун аъзойи баданининг қалтираши, ҳаддан ташқари кўп терлаш ва бошқалар) ё бутунлай бўлмади, ёки жуда суст ифодаланган эди.

Ана шу кенжа гурппадаги ёшларда спиртли ичимликлар таъсири билан шахсиятнинг патологик ўзгаришлари катта одамлардагидан кўра анча эртароқ бошланди. Бу ўзгаришлар аввал эмоционал сферага, яъни одамнинг ҳис-туйғуларига тааллуқли эди. Беморлар тез аччиғланадиган, тажанг, қўзғалувчан бўлиб қолишди, уларнинг кайфу руҳияти кўпинча бузилиб турадиган бўлди. Деградация кўринишлари кейинчалик аста-секин кучайиб борди.

Ичкиликни биринчи бор тотиб кўрмасидан олдин ҳам шахсиятида патологик ўзгаришлар бўлган иккинчи кенжа гурппадаги касалларда хроник алкоголизм янада қисқароқ муддатда, аксари жуда шиддатли суръат билан шаклланиб борди.

Ёшларда алкоголизм пайдо бўлишининг олдини олиш

ишининг муҳим томони спиртли ичимликларни суниетез-мол қиладиган ёшлар ва ўсмирларни мумкин қадар эр-тароқ аниқлаб олиш ва буларга нисбатан даволаш-про-филактика чора-тадбирларни қўлланишидир. Бу нарса алкоғолизм бошланишига йўл қўймаслик ҳамда ёшлар-даги касалликларнинг қўзиб туриш ҳолларини барта-раф этиш учун имкон беради.

* * *

Яна икки кун ўтди ва доктор Белов яқинда унга юбо-рилган билети билан Катта театрға борди. У уйига ки-риб ўтирмасдан, вақтни ўтказиш ҳамда шаҳарни чарх айланиб юрмаслик учун: нега деганда шаҳар марказига касалхонадан бориш уйдан боришга қараганда анча яқин эди, ишида бир соат ортиқроқ ўтириб қолди.

Театрға у ҳар қалай жуда эрта келди ва фойеда узоқ айланиб юриб, буфетга кирди, чекиш хонасида ҳам ўтирди. Ҳар қаёққа кўз югуртириб, Лидия Степановнани беҳуда қидирай эди. У ҳеч қаерда йўқ. «Чамаси у би-летдан фойдалана олмай қолганда, билетни менга юбо-риб қўя қолган, бугун эҳтимол, навбатчи бўлиб қолган бўлса керак».

Тамоша бошланишига бир неча минут қолганида Вя-чеслав Сергеевич бекорчиликдан чарчаб, партерга қараб йўл олди ва ўз креслосини топиб унга ўрнилашиб олди-да, программани ўқишга тушиб кетди.

Тамошабинлар бирин-кетин тўпланишар, виқор би-лан шошмасдан келиб киришар эди. Уларда ҳали етар-лича запас вақт бор, парда кўтарилиши олдидан бўла-диган шошқалоқлик ҳали бошланган эмас.

Учинчи қўнғироқ чалинди. Шунда доктор Белов Ле-вобережная станциясидаги пионер лагерда кўрган ўс-мир қиз Тая Иванованинг креслолар қатори орасидан ўтиб, унга қараб келаётганини тўсатдан кўриб қолди... Фақат энди бу бир қизалоқ бўлмасдан, балки ўн тўққиз-

йигирма ёшларга бориб қолган қиз эди. У яқин келиб, салом берди ва ёнига ўтирди.

Вячеслав Сергеевич хаёлини тўплаб олиш учун кўзларини бир лаҳза кафти билан бекитди. Ёнидаги креслода ўтирган қизга қараб қўйди. Ҳа, бу Таня эди. Лекин, ё раббим! Таня Иванова ҳам ҳозир худди унинг ўзи сингари қирқ ёшлар чамасида бўлиши керак-ку ахир... Демак бу Таня эмас! Ана шундагина у ахири билиб қолди: ахир бу ўзи Ленинградга кетмасидан аввал даволамоқчи бўлган Таня Иванова-ку! Лекин уни таниш қийин эди. Унинг бутун қиёфаси яхши томонга ўзгариб кетипти. Чеҳраси бутунлай бошқача. Бундан ташқари ҳар бир психиатрга қадимдан маълум бўлган феномен ҳам ўз ролини ўйнапти: стационарда касалхона кийимида юрган бемор ўзининг одатдаги кийимида кўча ёки уйда бўлса, энди тамомила бошқа одамдек бўлиб кетади!

— Салом, Танечка! Демак, менга билетни сиз юборган экансизда?

— Ҳа, мен. Сиз шунақанги кўп ишлайсизки... шунингчун мен сизни кундалик ишларингиздан, юмушларингиздан лоақал бир пас бўлса ҳам, нари қилмоқчи бўлдим. «Травиата» ни яхши кўрасизми?

— «Травиата» ними? Ҳа, албатта. Мен операни жуда яхши кўраман... Хўш, нега сен ўз адресингни ёзиб, ичига хат солиб қўймадинг?

— Агар... ўзингиз бир вақтлар даволаган бемор қиз сизни таклиф этганлигини билсангиз, келмай қоларсиз деб хавфсирадим.

— Ҳаа...

Увертюра бошланди, шунда гап-сўзни тўхтатишга тўғри келди. Вячеслав Сергеевич антракт бўлишини кўнгилни қийнайдиган сабрсизлик билан кутди. У кўз узмасдан Танечкага қарагиси келардию, лекин уялар ва саҳнада устма-уст қуйилиб-қуйилиб, пайваста бўлиб келаётган кую қўшиқлар тугамагунча бирон марта ҳам

қарагани йўқ. «Жин урсин, худди биздаги конференцияларнинг ўзи-я! Қачон тамом бўлар экан бу?»

Лекин шифтдаги каттакон қандил ярақ этиб, ён томонлардаги сонсиз-сапоқсиз лампалар ёнғунча юз йил ўттиёв. Шунда Вячеслав Сергеевич енгиллик билан тин олди.

— Юр, Танечка, вестибюлга, эшик олдига — деб таклиф этди у. — Мен бир чекиб олардим. Чекиш хонаси эса дим бўлиб кетган.

— Яхши, — деб рози бўлди Таня.

— Хўш, ишларинг қалай?

— Жуда жойида. Қизиқ иш топдим, бир йилдан кейин институтга кириш учун тайёрланиб юрибман. Умуман хилма-хил яхши ўзгаришлар бир талай.

— Қойил. Сендан жуда хурсандман.

— Бунинг ҳаммасига Сиз айбдорсиз, — деди Таня ўз ҳазилидан кулиб. — Агар Сиз бўлмаганингизда мен ҳеч нарсани тушунмаган бўлардим, бордию, тушунсам ҳам, барибир даволанмаган бўлардим, балки. Янги турмуш бошлашим кераклигига Сиз мени қандай қилиб ишонтирганингизни мен билмайман, ақлим етмайди... Раҳмат, Вячеслав Сергеевич!

Доктор Беловнинг назарида Таня унга ғалати бир қараб қўйгандек бўлиб кўринди... Шундай қарадики, гўё у... — «Менга шундай кўрингандир. Балки ростдир?».

— Ээ, нимасига раҳмат! Ҳар қандай врач шундай қила олар эди. Мен унчалик бир иш қилганим йўқ. Антабус буюрдиму, Ленинградга кетиб қолдим...

— Йўқ, гап антабусда ҳам эмас. Бу нимадир бошқа бир нарса. Бу санъат. Врачлик қилиш кўп жиҳатдан ҳанузгача илму фандан кўра кўпроқ санъатга ҳам боғлиқ бўлиб келаяпти-ку, ростми, ахир! Мен Сизга тушунтириб бера олмайман, уддасидан чиқа олмайман.... Лекин Сиз чинакам жодугарсиз ва буни, назаримда, ўзингиз билмайсиз!

— Сен шунчаки серзавқ қизсан, ҳамма гап шунда.

Лекин, фикрингдан қайтариб ўтирмайман сени. Акс ҳолда тилсиму жодунинг ҳаммаси чиппакка чиқиб, худо кўрсатмасини, сен аввалги ҳаётингга ҳам қайтиб қоласан.

— Энди ҳеч қачон бунақа бўлмайди!

Шуида Вячеслав Сергеевич назарида Тания унга яна тағин аллақандай бир майинлик билан қараб қўйгандек бўлиб туюлди.

— Танечка! — деб журъат этди у. — Мен бўлсам сени алдадим. Операни жиним ҳеч ҳам ёқтирмайди!

Таниянинг чеҳрасида ранжиганлик аломати аниқ кўринди.

— Агар сен чиндан ҳам кундалик юмушларни байрамга айлантирмоқчи бўлган бўлсанг, кел... кел... бу ердан ҳозирнинг ўзида қочамиз, ичамиз... кечир мени, унутиб қўйибман... мен сенинг учун бир қадаҳ шампан ичаман, менинг сўққабош («сўққабош» сўзини айтиб туриб Вячеслав Сергеевич синчиклаб Танияга қаради ва шунда бу сўздан алланечук бўлиб кетгандек кўринди кўзига)... сўққабош ҳужрамда ўтирамин.

Тания иккиланиб қолди.

— Бу унча ўнғай эмас.

— Бўлмасин шак-шубҳалар, йўқолсин хурофот!

— Хўп, яхши, мен розиман.

Улар кийинишиб кўчага чиқишди. Шу ернинг ўзидаёқ бўш такси келиб қолди. Ярим соатдан кейиноқ улар Вячеслав Сергеевичнинг уйида бўлишди.

Доктор Белов холодильникдан бир шиша шампан вивоси олиб, диван ёнидаги журнал столчасига қўйди. Кейин, қадаҳлар, мева суви, апельсин, бутербродлар олиб келди. Овозини чиқармасдан шишани очиб, ўз қадаҳига шампан, Танияга эса мева суви қўйди.

— Майли, сен учун! Ҳаммаси бахайр бўлсин!

— Раҳмат, мен эса Сизнинг бахту саодатингиз учун ичаман.

Улар узоқ жим қолди. Вячеслав Сергеевич ўзига

яна ярим қадаҳ қуйиб ичди ва яна бир қадаҳ қуйиб яна бир марта ичди.

— Сизнинг ишингиз осон эмас, Вячеслав Сергеевич.

— Э, ҳамма нарсага кўникиб кетасан...

— Мана, бир актёр театри бор. Менга эса, психиатрлар битта тамошабин актёридек бўлиб туюлишади. Психиатр ҳамиша диққат қилишга мажбур, ўз пациенти олда доим роль ўйнаши керак. Бедаво дардга учраган беморга дардининг иложи йўқлигини кўрсатмасдан, ҳар бирининг кўнглига ишонч ва тетиклик солиб туриши керак... Алкоголикни унинг алкогольк эканлигига ишонтиришнинг ўзи бўладими!

— Ҳамма нарсага кўникасан, Танечка!

— Психиатрларнинг ўзи руҳий касалликларга учрашадими? Биласизми, одамлар нима деб айтишларини...

— Уйлайманки, бунақаси бошқалардагидан кўра кўпроқ учрамаса керак.

— Психиатрия касалхонасининг шарт-шароитининг ўзидан одам касал бўлиб қолиши мумкинми?

— Уйлайманки, бўлмайди. Аксинча. Чинакам хасталикларни кўрганингдан кейин сендаги ҳамма иллатлар ва майда-чуйда нарсалар ҳеч гап эмаслигини тушуна бошлайсан. Шундай қилиб, психиатрия соҳасида ишлаш кишини бир қадар соғломлаштиради ҳам. Бордию, психиатр ёки психиатрия касалхонасининг ҳамшираси чиндан ҳам касал бўлиб қолса, у ҳолда бу нарса ҳаётимизнинг кўп қисмини руҳий касаллар орасида ўтказишимизга боғлиқ эмас. Бордию, бизнинг орамизда касалланиш бирмунча кўпроқ бўлса ҳам, бунинг важи маълум жиҳатдан, «нусқи урган», психоз нишонлари бор одамларнинг ёшликда баъзан психиатрия, философия, психологияга рағбат қўйишларидир....

Яна жим қолишди.

— Бошқа планеталар, бошқа системаларда одамлар бормикин?

— Билмайман, Танечка.

- А негә сиз уйланмайсиз?
- Мен биладиган аёлларнинг ҳаммаси бўйи мендан баланд.
- Ёлғон! Бўйингиз ўртачадан баланд-ку!
- Қанақасига баланд... Мана сен менга қараганда анча баландсан-ку.
- Аксинча! Мен анча пастман!
- Баҳелашма, Танечка, сен баландсан. Акселерация... Эшитганмидинг?
- Эшитганман. Лекин Сиз мендан баландсиз!
- Баҳсдан нима фойда, кел, ўлчаб кўрамиз.
- Қелинг!

Улар дивандан кўтарилишиб, бир-бирига жуда яқин бўлиб рўбарў туришди. Вячеслав Сергеевич индамасдан Таняга тикиларди.

— Ана айтмадимми, Сиз мендан баланд экансиз. Доктор Белов Таяни қучди ва лабларини билинар-билимас чаккасига теккизди. Тая енгилгина уни четлаштирди.

— Керак эмас, Вячеслав Сергеевич. — Барака топинг. Мен Сизга қандай кўз билан қарашимни, Сиз менинг учун кимлигингизни билганингизда эди!

Вячеслав Сергеевич диванга ўтириб, қадаҳга бир қултум шампан қуйди ва ўнғайсизлик ҳиссидан халос бўлиш учунгина, бирор нарса билан банд бўлиш учунгина уни ичиб бўшатди. Тая ёнига келиб ўтирди. Кафтлари билан сочларини силади.

- Сиз мендан хафа бўлманг!
- Нима деганинг бу, Танечка?
- Биласизми, мен секин борай. Сиз мени кузатманг. Сал кайфингиз бор, бирор кор-қол бўлиб ўтирмасин. Ухлаб тиниқиб олишингиз керак.

— Қачон бўлса ҳам яна келасанми?

— Албатта келаман. Фақат яқин кунларда эмас. Ҳозир менинг учун қийин пайт. Янги ишга ўрганишиб кетишим керак.

— Балки, адресингни қолдириб кетарсан?

— Э, мен албатта келаман, чин сўзим! Хайр, Вячеслав Сергеевич!

— Хайр, Танечка. Мен жуда зориқиб кутаман.

Таня пальтосини кийди. Улар эшна хонасига чиқишиб, лифтни чақиришди.

— Балки, кузатиб қўярман сени, ҳар қалай?

— Йўқ, Вячеслав Сергеевич, бунн таъқиқлайман! «Иттифоқ» бўлиб танишувимизни гап қайтаришдан бошлаш ярамайди-ку, ахир!

У лифт кабинасига кириб олди, унинг эшиклари тақ этиб ёпилди. Шунда бу Вячеслав Сергеевичга аллақандай даҳшат бўлиб туюлди.

— Мен кутаман! — деб бақирди у ва бошини қуйн солиб ўз уйига қараб юрди.

* * *

Эртасига Вячеслав Сергеевич ёзув столини бўшатиш ва ўзининг лаш-лушларини — идорада тутиладиган ҳар хил майда-чуйда нарсалар, қоғоз, копиркани — янги кабинетига олиб келиш учун ўн биринчи бўлимга борди.

У ординаторлар хонасига кайфи чоғ бўлиб кирди, аввалги ҳамкорлари ҳам уни шунга яраша кутиб олишди.

— Қимматли дўстлар! Сиз энг иқтидорли илм аҳллари сиз! Диссертация қилиб ёзган нарсаларингизнинг фойдаси йўқ, деб илгари айтган гапларимнинг ҳаммаси бошдан оёқ сафсата! Сиз ақлли, олижаноб, ажойиб одамлар сиз!

— Сенга нима бўлди! Славик? Уйланиб олдингми ё? Маслаҳатларимизни қулоғингга олибсан-да?

— Балки шундайдир! Ҳар қалай яхши кўриб қолдим ва, назаримда, мени ҳам яхши кўришадил!

— О! Мана буниси қойил! Хўш, ким экан у?

— Ҳозирча сир.

— Табриклаймиз сени Слава. Ҳасад ҳам қиламиз сенга.

Обижўш олиб келиб, чағир-чуғур қилишиб чой ича бошлашди. Кейин ўз ишларига қараб тарқаб кетишди. Кабинетда ёзув столи ғаладонларидан қоғозларини олишга киришган Вячеслав Сергеевич билан Алексей Петровичгина қолди. Алексей Петрович иш кунининг кўп қисмининг столда ўтириб ўтказар эди.

— Шунақа қилиб бу ростми? Ҳазиллашаётганинг йўқми?

— Нимани сўраяпсан, Алёша?

— Осмондаги никоҳ юлдузи узилиб ерга тушишини айтаяпман-да...

— Рост, уйланмоқчиман.

— Ўзимизникилардан бирига эмасми? Қаердан экан у?

— Сир қилиб айта қолай. Таня Иванова эсингдами? Яқинда бўлимимизда даволанган, Ленинградга кетаётганимда сенга топшириб кетган эдим уни.

— Жуда яхши эсимда. Лекин...

— Хўш?

— Сен кечир мени, жаҳлнинг чиқмасин, Вячеслав Сергеевич, лекин, биринчидан, жуда кўп таваккал қилмоқчисан — ҳар қалай у сал кам маромига етиб қолган алкоголик ва бунинг бари нима билан тугаши номаълум. Иккинчидан, бу ишингда ҳаммага маъқул одобга қарши алланарса бор... Врач ва унинг беморимиш...

— Хўш, «кеч келган муҳаббат-чи»?!

— Гапинг рост. Бу сўзларнинг ҳаммаси китобларда чиройли бўлади. Лекин, ҳаётда-чи... Сенга ола қарашади, ғийбат қилишади. Ҳаммаям эмас, албатта, лекин ғийбатчилар топилади.

— Парвойимга келмайди!

— Тўғри. Балки мен ҳам шундай қилардим, ҳаммасига қўл силтаган бўлардим.

Алексей Петрович бирдан жилмайди.

— Ҳа, сенга нима бўлди Алёша? — деб унга қаради Белов.

— Бир минут!

Алексей Петрович ўз столининг галадонини титкилаб, ундан қалин китоб олди ва сарлавҳасига кўз югуртирди.

— Ҳа! Мана топдим! Эшит, Славик, бу ерда буюк Назон сенинг тўғрингда ёзипти.

Алексей Петрович ўзини маҳаллий декламатор куйига солиб, тантанавор овозда оҳанг билан шеър ўқиди:

Аёл қисматининг қисқиқлиғи
Сатта гуноҳларга ботгани ҳаққи,
Висол хаёлидан воз кечиб мангу,
Сўққабаш яшади, у, тўшаги қаттиқ...
Ноумид бўлмади дунёдан йигит:
Мармардан бир гўзал яратди ўйиб,
Севиб қолди уни, ўзи яратиб қўйиб!...

— Хўш, қалай? Қоил шеърми? Ёқдимми? Овидий зўра? Сенинг шу куйга тушишингни минг тўққиз юз олтинчи йил илгари каромат қилибдия, у! Ишончим комилки, Кипр ҳайкалтароши сенинг худди ўзинг эканини билиб олгандирсан?

— Яхши шеър экан. Раҳмат, Алёша. Орамизда доноси ўзингда... Оғир пайтда кўнгилни шунақа кўтариш йўлини фақат сен биласан.

* * *

Вячеслав Сергеевич ўз бўлимига қайтиб келганидан кейин ичкиликка нимани бақамти қўйса бўларкин, ёшларни ундан қандай қилиб асраса бўларкин, деган ўй-хаёлларга толди. «Ҳар қалай асосий ўринни спорт машғулотларига бериш керак, — деб ўйлар эди у, — чунки спорт билан ичкилик, аслини айтганда бир-бири билан сиғиша олмайди».

У бундан неча-неча йиллар илгари ҳали студент бўлиб юрган чоғларида спорт секциясига бирга қатнайди.

ган ўртоғи уни туғилган кунига таклиф этганини эслади. Вячеслав Сергеевичнинг спортга қизиққан ўша ўртоғи бир йўла спортнинг бир неча тури билан шуғулланар эди. Шунда ҳам ютуқларга эришарди. Унинг хонаси турли-туман спорт ашёлари билан тўлиб-тошган эди.

Меҳмонга қизлар ҳам келишди. Ёшлар орасида одат бўлиб қолгани сингари, туғилган кунини байрам қилаётган уй эгаси — мезбон сал ичиб олганидан кейин ўзининг жисмоний кучини намойиш қилиб кўрсатмоқчи бўлди.

Штанга ёнига келиб, уни кўкрак баравар чиқарди (бу штанганинг юки қиёсан кам эди, авваллари Вячеслав Сергеевич шу ўртоғи бу юкка яна учдан бирини ҳам қўшиб бемалол кўтарганини бир неча марта кўрган) ва даст кўтаришга уринган эди, гурс этиб снарядни ерга тушириб юборди. Ҳижолат бўлиб, қип-қизариб кетди. Иккинчи марта уруниб кўрди. Яна удда қилолмади! Полни чақа қилиб қўймаслиги учун уни штангадан қайтариб четга олишга тўғри келди.

Бу йигитча илгарилари ҳам спиртли ичимликларни ниҳоят даражада кам ичарди. Энди бўлса умуман улардан нари юрадиган бўлиб қолди, ўшандан кейин оғзига бир томчи ҳам олмай қўйди. Ва тўғри қилди. Спортнинг ҳар қандай турида аъло ёки лоақал дурустроқ натижаларни қўлга киритмоқчи бўлсанг, ичимликдан бутунлай воз кечгин, деб ишонч билан айтиш мумкин.

Гап фақат ютуқларга эришиш устида эмас, спортчи зўр бериб машқ қилиш билан бирга ичкилик ҳам ичиб юрадиган бўлса, ўз саломатлигига путур етказиб қўйиши деярли турган гап. Бунда юрак-қон томирлар системаси айниқса катта хавф-хатар остида қолади.

Оз миқдордаги спиртли ичимлик ҳам мускуллар кучини қирқиб, чидамини пасайтиради, нафас органлари ва қон томирлар системаси фаолиятини издан чиқаради. Алкоголь бош ва орқа мияга қаттиқ таъсир кўрсатиб, керак бўлиб қолганида ҳал қилувчи лаҳзада спортчига

бутун куч-қувватини тўплашга имкон бермайди, реакцияларининг сусайиб қолишига, ҳаракатлари уйғунлигининг бузилишига олиб келади.

Ичкиликнинг озгинаси ҳам спортчини анча узоқ вақтгача сафдан чиқариб қўйишини ҳам айтиб ўтиш керак. Ҳаммамизга суюкли бўлган, жаҳон рекордчиси ва олимпия ўйинлари чемпиони, шуҳрат қозонган спортчи Владимир Куц спиртли ичимликнинг ҳидига ҳам тоқат қила олмайман, деб айтарди. «Ичилган ҳар юз грамм ароқ спортчини икки ҳафтагача спорт формасидан чиқариб қўяди» деб ёзган эди у.

Бразилиялик машҳур футболлист, уч карра жаҳон чемпиони Эдсон Арантес до Насименто (Пеле) ҳеч қачон чекмаган ва спиртли ичимликлар ичмаган эди. У ўзининг болалар ва ўсмирларга нечоғлик зўр таъсир кўрсатишини билиб, қанчадан-қанча пул беришмоқчи бўлганларида ҳам сигареталар ёки ичкиликларни реклама қилишга рози бўлмади. Клубининг командасидаги ўртоқлари жаҳон Кубоги учун ўйинлардаги ғалаба учун, деб шампанли қадаҳларини кўтаришган тантана вақтида ҳам Пеле қадаҳида сув бўлган эди.

Ичкилик натижаларни жуда пасайтириб юборишини спортчиларнинг ҳаммаси билишади. Шундай бўлса ҳам врачларнинг маслаҳатлари ва тренерларининг талабларига парво қилмайдиган ўзига ишонган ёки енгилтак ўт-олов шоввозлар топилди туради. Олий классдаги спортчилар орасида ҳам шундайлари учрайди.

Ичкилик энг атоқли спорт мастерларини ҳам сўзнинг том маъноси ва мажозий маъноси билан айтганда ҳалок қилади. Бунга жуда эҳтиёт бўлиш керак. Спортчи қатъий қилиб ўз-ўзига: «Йўқ, ичимлик ичмайман!» деб чўрт кесиб айтиш билангина қолмаслиги керак. Гап интизомни бузиш, спортчининг ичкилик ичишига нисбатан барча спорт коллективларида мутлақо тоқат қилинмайдиган руҳ яратиш тўғрисида ҳам бормоқда. Токи, биргина тренер ёки команда капитани эмас, балки ҳар бир

спортчи ҳам ичкиликка қарши курашда иштирок этадиган бўлсин.

Умуман олганда спортнинг ўзи ичкиликвозлик ва алкоголизмга қарши курашнинг энг яхши воситасидир. Нега деганда одамлар ўқиш ёки ишдан бўш вақтда нима қилишни, нима билан шуғулланиш, қаерга боришни билмаганликлари учун ҳам кўпинча ичкиликка қўл уришадиган ахир.

Санъат, музика билан шуғулланиш, ҳар хил нарсаларни коллекция қилиб йиғиш ва хусусан спорт ичкиликвозликнинг оммавий профилактикасида ғоят катта ролни ўйнайди.

Спортчилар орасида спорт интизомини қўпол равишда бузиш ҳоллари ҳали учраб турадиган бўлса ҳам, спорт билан актив шуғулланиш жуда кўпчилик ҳолларда ичкиликвозликка амалда йўл қўймайди, чунки одамга жисмонан кўп зўр келиб туриши ва спорт жамиятларидаги қаттиқ интизом спортчилар орасида ичкиликвозликни жуда камдан-кам учрайдиган ҳодиса қилиб қўяди. Бундан ташқари спорт коллективидаги бутун вазият, машқларга жуда қизиқиш, натижалар учун курашда ҳаддан ташқари ҳаяжонланиш, диққат-эътибор ва куч-қувватни тўплаш ва маълум мақсадга қаратиш — мана шуларнинг ҳаммаси одам ўз-ўзини қўзғатадиган қандай бўлмасин бирор хилдаги сунъий воситаларга спортчининг аҳамият беришига йўл қўймайди.

Ҳурмат зинасига чиқиб, ўз Ватани гимни янграқ овозлари остида «Смирно!» ҳолатида қотиб турган спортсменга аллақандай гайри табиий қўзғатувчи моддалар, «кайфни чоғ қиладиган ичимликлар» на даркор? Бусиз ҳам у ғоятда зўр қониқиш, ниҳоятда катта шодлик ҳис қилиб туради-ку.

Зўрма-зўраки шод бўлиб, кайфни яхшилаш учун ичкилик ичиш чин эркак деб айтиб бўлмайдиган бемаъни, тайини йўқ кишиларнинг, ўз шахсиятидаги камчиликларнинг ўринини: «Кеча бўлса мен расо маншат қилдим-да!

Кеча бир литр ароқ ичибмана! Сен шунақа қилолмасдинг ака!» деб аҳмақона мақтанишдан бошқа нарса билан бекита олмайдиган одамларнинг қисматидир.

Спорт машғулотларига янада кенгроқ доирадаги ёшларни жалб қилишимиз учун Совет Иттифоқида ҳар йили қуриб берилаётган муҳташам ажойиб спорт иншоотларидан ташқари, кўпдан-кўп кичик спорт комплекслари ҳам зарур бизга. Биз спорт иншоотларини меҳнаткашлар ҳамда тарбиямиздагиларнинг турар-жойига яқинлаштиришимиз, шаҳардаги ҳар бир ҳовлини, ҳар бир қишлоқ атрофини машқлар ўтказиб туриладиган жойга айлантиришимиз керак.

Айтганча, янги спорт майдончалари ва бошқа комплекслар яратиш процессининг ўзи, бунда ёшлар албатта, айниқса актив иштирок этадиган бўлгани учун, «бўш вақт проблемасини» қисман ҳал қилиб ҳам беради. Комсомоллар ва пионерлар шаҳардаги ҳар бир ҳовлида, қишлоқдаги ҳар бир кўчада кичик спорт комплекслари барпо этиш ишларини бошлаб юборар экан, мана шу ишларга, кейинчалик эса спорт машғулотларига ҳам қўшилиш учун атрофдагиларни ҳаммадан кўра яхшироқ тарғиб қилган бўлишади. Шунда кўплар пивохонага бормасдан спорт иншоотлари қурилишига келадиган бўлишади. Кейинчалик магазиннинг вино сотиш бўлимига бориш ўрнига ўзларининг бўш вақтларини ўз қўллари билан барпо этилган спорт майдончаларида ўтказишади.

* * *

Уша кун кечқурун Вячеслав Сергеевич эртарақ ётиб олиб, расо уйқуга қониб ухлаш, дам олишни орзу қилган эди. Лекин бу гал ҳам мириқиб ухлаб бўлмади. Уйига келса, газеталардан бирининг редакцияси томонидан доктор Беловга юборилган хат уни кутиб турган экан, бу хатни ёшлар ёзишибди. У кечки овқатини еб бўлиб, ёшларнинг саволларига жавоб бериш учун ёзув машинкаси ёнига ўтирди.

* * *

«Унингчи синф ўқувчиларининг газета редакцияси томонидан менга юборилган хатида болалар мана бундай деб ёзишти: «Ароқ, вино ва бошқа спиртли ичимликларни нимага ишлаб чиқаришар экан? деган савол бизни кўпдан бери жуда қизиқтиради. Булар жуда кўп бало келтирадику, ахир. Ичкилик ичиш туфайли одамларнинг бахтсиз ҳодисаларга учраб қолгани, саломатлигига катта путур етгани, оиланинг бузилиб кетгани тўғрисидаги гап-сўзларни кўп эшитишга тўғри келади. Бундай даҳшатларни эшитишни истамаймиз, биз! Уйлаймизки, одамлар ичкиликсиз ҳам тирикчилик қила олишади!».

Бу — анчайин саволлардан эмас. Шу саволга жавоб бериш учун уруниб кўришдан аввал хат эгалларининг тугган йўли, уларнинг ичкиликка муросасизлиги, жуда ёмон кўз билан қараши менга жуда ёққанини айтиб ўтмоқчиман. Агар бу болалар шу муносабатини умрбод сақлаб қолишса, чиндан ҳам спиртли ичимликлар туфайли одамнинг бошига тушадиган кўпгина балою офатлардан омон қолишади. Хат эгаларининг шу муносабатининг ўзида улар томонидан ўртага қўйилган саволга қисман жавоб бор. Барча ёки деярли барча одамлар ичкилик ичишга нисбатан худди шу хилда ёмон муносабатда бўлишадиган бўлса, у ҳолда ичкиликвозлик ва алкоғолизм проблемаси, аслида, ҳал бўлган бўлади.

Шундай қилиб, ичкиликка қарши курашда тақиқлаш ва чеклаб қўйиш чоралари эмас, балки огоҳлантириш, олдини олиш воситалари ҳал қилувчи аҳамиятга эга. Спиртли ичимликларни кўкка кўтариб мақташ ярамайди. Нега деганда гап вино-ароқ маҳсулотларининг ўзида ҳам эмас, балки гап, бу маҳсулотларга одамларнинг қандай муносабатда бўлишидадир. Ароқнинг ўзи унга талабни туғдирмайди, балки ароққа бўлган талаб шу ичимлик ишлаб чиқаришни стимуллайти.

Хат ёзган мактаб ўқувчиларининг одамлар ичкилик-

сиз ҳам тирикчилик қилишлари мумкин-ку, деган асосий фикрларига ҳам бир қадар қўшилиш мумкин. Чиндан ҳам, ичкиликка майл қўйишни соғлом одамга хос бўлган физиологик майл ва эҳтиёжлар (овқат, сув, уйқу ва бошқаларни исташ) қаторига киритиб бўлмайди. Агар гап бир тасодиф билан ичиш ёки турмушдаги ичкиликвозлик тўғрисида бораётган бўлса, у ҳолда алкоголга «биологик» талаб, унга майл борлиги тўғрисида эмас, балки одат ва расм-русумлар туфайли келиб чиққан ўзига хос кайфу руҳиятни ўзгартириш «эҳтиёжи» борлиги тўғрисида гапириш мумкин. Ижтимоий важ-сабаблар билан спиртли ичимликлар ичиш шаклларини биология позициялардан туриб кўздан кечириб бўлмайди. Ичкилик ичиш одати ва расм-русумларига қарши активлик ва изчиллик билан доим кураш олиб бориш, тўғри тарбия бериш, гигиеник чора-тадбирлар, ҳар бир одамнинг бўш вақтини тўғри уюштириш учун жамиятнинг ғамхўрлик қилиши — мана шуларнинг ҳаммаси кайфу руҳиятни ўзгартиришга бўлган умуминсон «эҳтиёжини», ёрқин кечинмаларга бўлган «эҳтиёжни» ижтимоий жиҳатдан фойдали йўналишга солиши мумкин.

Спиртли ичимликларга майл қўйиш биологик жиҳатдан олганда ҳаёт учун муҳим эҳтиёж бўлмаганлигидан одамлар чиндан ҳам ичимликсиз яшашлари мумкин. Одам маёт қилувчи ичкиликсиз бемалол тирикчилик қилиши мумкин, ҳафталаб (бутун бир ҳафта мобайнида бир томчи ҳам сув ичмай кўрингчи!), ойлаб (бутун бир ой ухламай кўрингчи!), йиллаб (бир йилгача овқат емай юра оладиган одам йўқ), бутун умр тирикчилик қилиши мумкин. Шунда ҳам бу одам ўлмайди, балки аксинча саломатлиги, умри, меҳнат қобилиятига барака киради, холос.

Хроник алкоголикнинг ичкиликка ружу қўйиб қолишига келганда унинг бундай ҳирси биологик жиҳатдан аҳамиятли, туғма бўлмасдан (аслида бунинг тескариси!), одам ўзини ичкилик билан мудом заҳарлаб бори-

ши туфайли пайдо бўлади ва шунда организмда муқаррар рўй берадиган касаллик ўзгаришларини акс эттиради. Модомики шундай экан, хроник алкоголикнинг спиртли ичимликларга ҳирс қўйиб, ружу қилиши касалликка алоқадор патологик ҳодисадир. Ва у узоқ муддат, неча йиллар давомида ичкиликвозлик қилиш натижасидагина пайдо бўлади. Шундай қилиб, алкоголик ўзини ўз ихтиёри билан касаллик ҳолатига олиб келади. Лекин, ичкиликка жуда ружу қўйиб қолган, ҳирси анча кескин ифодаланган алкоголик ҳам ароқ ва винодан бутунлай ва узоқ вақт воз кечадиган бўлса, ўлмайди, аксинча, спиртли ичимликлар туфайли путурдан кетиб қолган саломатлигини тиклайди, жамият орасидаги ўз ўрнини топиб олади.

Ҳа, биологик нуқтаи назардан олганда одамлар спиртли ичимликларсиз бемалол тирикчилик қилишлари мумкин. Лекин, гап шундаки, маю шароб ичиш одатининг кўп асрлик тарихи бор, ичкилик одамларнинг турмушига қадимдан ва маҳкам расм бўлиб кириб қолган, у кўпдан-кўп урф-одатлар, маросимлар, байрамлар билан маҳкам чатишиб кетган, мурувват, яхши муносабат тўғрисидаги бир талай тасаввурлар билан боғланган. Шу муносабат билан, афсуски, спиртли ичимликлар ишлаб чиқаришни батамом ва ҳамма жойда тўхтатиб қўйишни талаб қилишнинг имкони йўқ, мутлақо.

Редакцияга хат ёзишган болалар, аслида, қуруқ қонунни ёқлаб чиқишган. Қуруқ қонун деган нарсанинг маъноси шуки, бунда ҳамма турдаги спиртли ичимликларни ишлаб чиқариш, сотиш, чет элдан келтириш жиноий жавобгарлик деб саналиб, бунда иштирок этган одамлар қонун билан жазоланади. Қуруқ қонун тўғрисидаги гап янги гап эмас. Ичкиликни батамом тақиқ қилиб қўйиш ҳаракати асримизнинг бошларида айниқса кенг кўламга кириб, ёйилиб кетди. Россия ва бошқа кўпгина мамлакатлардаги талайгина врачлар, олимлар, юристлар, ёзувчилар қуруқ қонунни қизгин ёқлаб чиқиш-

ди. Чунончи Жек Лондон 1913 йилда мана бундай деб ёзган эди: «Бахтиёр қисматми, омадми, тасодифми — нима десангиз денг, барибир! — фақат шу туфайли мен Арпа дони ўти ичидан омон ўтдим (арпадан виски, яъни ароқ қилинади; «арпа дони» иборасини Жек Лондон мажозий маънода ишлатган ва бу ибора биздаги «оби замзам», «мўйсафид» иборасига тахминан тўғри келади. — Авт.). Ҳаётимни поймол қилишга, мансабу мартабамни адойи тамом қилишга, ҳаётга бўлган муҳаббатимни сўндиришга бу оташу аланганинг қурби етмади. У ўз чўғи билан шу муҳаббатни жизгинак қилдию, лекин бу муҳаббат худди жанг майдонида барча ўртоқлари ҳалок бўлиб кетган бўлса ҳам, танҳо сақланиб қола олган жангчи каби бир мўъжиза билан омон қола олди. Дарё-дарё бўлиб қон оққан урушни бошидан кечирган кимса «Йўқолсин уруш!» деб нидо қилгани каби, мен ҳам: «Йўқолсин ичкилик! Еш одамларнинг умрларига бу заҳарни сочманг!» деб жар соламан. Урушни тўхтатишнинг бирдан-бир йўли — урушмай қўйишдир. Ичкилик-возликка барҳам беришнинг ягона усули ичкиликни сотмай қўйишдир... Маргимуш ва кучаладан, тиф ҳамда сил бациллаларидан гўдакларни асраш йўлини биламиз. Арпа донига ҳам худди шундай чораларни кўрсангизчи! Тақиқлаб қўйинг уни! Қовоқхоналар учун патент ва рухсатномалар берманг. Арпа дони ҳар бир қадамда ёшларнинг кўнглига васваса сола олмайдиган бўлсин!»

Бир қанча мамлакатларда, жумладан Россияда (1914 йили), АҚШ да (1920 йили) қуруқ қонун жорий қилинган эди. Лекин, кўп афеус-надоматлар бўлсинки, ҳаёт бу чоранинг фойдасиз эканлигини кўрсатиб берди. Ичкиликвозлик билан алкогольизм камаймасдан, балки ниҳоят даражада айнаган, ниҳоятда бир мудҳиш шаклларга кириб қолди. Шунинг натижасида жамиятнинг ахлоқига катта зарар етди, хўжаликка кўп раҳна тегиб, қанчадан-қанча одамларнинг саломатлигига зиён-заҳмат етди.

Қуруқ қонунни жорий қилиш оқибати ўлароқ қўл

бола ароқ тайёрлаш ҳаддан ташқари кўпайиб кетди, спиртли ичимликлар ва уларнинг суррогатлари билан контрабанда ва яширинча йўл билан савдо қилиш авжига минди. Заводда ишлаб чиқариладиган спиртли ичимликларнинг ўрнини босувчи жуда заҳарли ичимликларни ичиш натижасида бахтсиз ҳодисалар сони кескин кўпайиб кетди. Масалан, ароқ ўрнига денатурат ичиш туфайли ўлиб кетган кишиларнинг сони Россияда 1915 йили шу жиҳатдан олганда анча қалтис келган 1914 йилдагига қараганда икки баробар кўпайиб қолди.

Учига чиққан ичкиликвозлар, айниқса хроник алкоголиклар қаттиқ таъқибга қарамасдан, спиртли ичимликлар ва заҳарли суррогатларни олиб-сотарлар қўлидан осмонга чиқиб кетган нарх-наво билан сотиб олишнинг эвини ҳар қалай қилар эдилар. Бу пиёнистанинг шусиз ҳам рамақижон бўлиб турган оилавий рўзгорига ахийри бориб ортиқча юк бўлиб тушар ва ўзига келиб қолар деб кутилаётган аҳволни баттар мушкуллаштириб қўяр эди.

Қуруқ қонун жорий этилган мамлакатларда пайдо бўлган яшириқча митти ичимлик фабрикаларида қанчадан-қанча энг қимматли озиқ-овқат маҳсулотлари йўқ қилиб юборилар эди. Чунончи, қуруқ қонун бизда ҳали бекор қилинмаган 1923 йили РСФСР да қўлбола ароқ тайёрловчилар 808 минг тонна ғаллани йўқ қилиб юборишди. Ҳолбуки, фабрика йўли билан худди шунча миқдорда спирт олиш учун (олганда ҳам тозаланганини олиш учун!) атиги 120 минг тонна ғалла сарфлашга тўғри келган бўлур эди. Бир йилда 688 минг тонна ғаллани ташкил этган шу зиён ўша кезларда жуда-жуда билинадиган эди. Мана шу нарса ҳам мамлакатимизда қуруқ қонунни бекор қилишнинг кўпгина сабабларидан бири бўлиб хизмат қилди.

Шундай қилиб, қандай бўлмасин бирор хилдаги қаттиқ қонунлар билан ичкилик ичишга мутлақо барҳам берса бўлади, деб ўйлаш соддаликдир. Бу ўринда зўр

диққат, сабру бардош билан узоқ иш олиб бориш зарур. Ичкиликка қарши кураш проблемаси бир талай йўлдош проблемаларни ҳам ўз ичига олади: бўш вақтдан маданий мақсадлар учун фойдаланишни ташкил этиш, одамларни спорт машғулотларига жалб этиш тўғрисидаги масала, ичкиликка қарши кенг миқёсда ва самарали мунтазам пропаганда олиб бориш тўғрисидаги масала ва бошқалар шулар жумласидандир.

Спиртли ичимликларни тақиқлаш чораларига келганда — булар ҳам қандайдир бирор ижобий ролни ўйнаши мумкин. Лекин гап қуруқ қонун тўғрисида, бир йўла бутунлай тақиқлаб қўйиш тўғрисида бормасдан, балки чекловчи чора-тадбирлар устида бормоқда. Спиртли ичимликлар сотиладиган вақтни чеклаб қўйиш, вояга етмаганларга, коржомандаги харидорларга шундай ичимликлар сотишни тақиқлаш сингари чораларнинг ўзи ҳозирги кунда сезиларли самара бермоқда. Спиртли ичимликлар баҳосини ошириш, жамоат жойларида маст бўлиб юрганларни жазолаш сингари чоралар ҳам, аслида, чекловчи чоралар жумласига киради. Спиртли ичимликлар сотиладиган дўконлар сонини мамлакатимизнинг кўп шаҳарларида камайтириб қўйилганлиги ҳам турмушни соғломлаштириш учун курашда ҳозирнинг ўзида ўз самараларини берди.

Ҳар бир одамнинг умумий маданиятини юксалтириш ва хусусан «меҳмондорчилик маданияти» ни юксалтириш учун кураш олиб бориш муҳим. Шу жиҳатдан олганда ёшлар тўғрисида қайғуриш айниқса зарур. Мастликнинг ҳеч мақтанадиган жойи йўқлигини, мастлик мутлақо одамнинг катта бўлиб қолгани, етилганини кўрсатадиган нарса эмаслигини тушуниб олиш учун ёшларга ёрдам бериш керак. Маст бўлиб юриш уят. Шундай ҳолатда жамоат жойида пайдо бўлиш, одамнинг яланғоч юриши билан тенг қилса бўладиган бир гапдир.

Кучи етмасдан, ихтиёрини рюмкага бериб қўядиган одам асл эркак эмас, асл эркак ўз жиловини маҳкам

қўлда тутиб тура оладиган, ахлоқ, одоб доирасида ўзини сақлаб тура оладиган, ўз майл-истаклари ва хоҳишларини бошқариб бора оладиган одамдир. Асл эркак — бу продали, саранжом-саришта одам, ўз ишининг яхши устаси, ўртоқлари ва дугоналари билан ўзаро муносабатларда олижаноблик кўрсата оладиган одамдир. Ҳар жиҳатдан бекаму кўст, соғлом одам учун, чин эркак киши учун ароқ жирканч бир нарса.

Ичкиликвоз ва алкогольликларда касалликнинг биринчи даврида спиртли ичимликка чидамнинг ортишидан иборат иллат пайдо бўлади. Бундай одамлар кўп ичиши ва маст бўлмаслиги мумкин. Мана шу нарса хатарли белгидир. Бундай одамлар ўз организмига ароқни шунчаки «сингдириб олишган» бўлади. Бунинг ҳеч бир мақтанадиган жойи йўқ. Асл эркак одам тез-тез нўш қилиб, ичкилик отиб, меъдаси ва нерв системасини «машқ қилдириб туриш» йўли билан ўз юриш-туриши ва ҳолатини идора этиб бормасдан, балки ичишнинг кези келганида бўлсин, ичкилик мўл-кўл турганида бўлсин, уни чеклаб қўйиб, эви билан иш тутади.

Кишининг ёлғондан кўнглини кўтарадиган, нобоп шодлик берадиган ва бошга аниқ бало соладиган мана шу ичкилик билан сунъий равишда ўз кайфини чоғ қилишдан қайси бир йигит, қайси бир қиз ва, ниҳоят, қайси бир етилган, тамомила катта ёшли одам умуман ва тўла-тўқис воз кечса, у, албатта ҳамманинг қўллаб-қувватлаши ва ҳурматиغا сазовор бўлади.

Машҳур шоиримиз Расул Ҳамзатов яхши маслаҳат беради:

Май ичгани шарафлайман бас,
Вафо қилмас, дунё бебақо.
Аммо дўстлар, умр май эмас,
Ичмаганлар ҳақдир, мутлақо!

Бу сатрларда асрлар давомида қиёмига етган доно фикрлар бор. Халқ эса ҳеч қачон хато қилмайди.

*
* *
*

Янги бўлимни ташкил этиш юмушлари билан бир ҳафта ўтиб кетди. Бир минут ҳам бўш вақт бўлгани йўқ. Ахийри бориб доктор Белов бўлимнинг касаллар қабул қилишга тайёр бўлганини Пётр Петровичга маълум қилди. Кундалик ташвишлар билан бўлиб Вячеслав Сергеевич Таяни бирон марта ҳам кўрмаганига унча қийналгани йўқ. Соғинишга вақт қолмаган эди. Бироқ, телефон трубкасида тўсатдан унинг овозини эшитиши билан бошида алланарса гурсиллагандек бўлиб туюлди.

— Вячеслав Сергеевич, бўлим мудирини бўлиб қолганингни мен билмабман ҳам! Аввалги телефонга қўнғироқ қилган эдим, у ерда Сизнинг энди бу ёққа ўтганингни айтиб, янги номерини беришди.

— Ҳа, Танечка, ўсаяпмиз...

— Мен сизни жуда кўрмоқчи эдим.

— Қачон ва қаерда сенга қулай бўлар экан?

— Мен Сизнинг ишхонангига борсаммикин, деган эдим. Бўладими?

— Албатта!

— Соат нечада?

Вячеслав Сергеевич Тая билан кинога бориб, кейин уни уйга таклиф қилсам, чакки бўлмас эди, деб чамалади. Шунинг учун иш кунининг охирида келгани маъқул.

— Соат бешда кела оласанми?

— Қела оламан. Бўлимнинг ўзи қаерда?

— Дарвозадан тўғри ўтиб, йўл бошигача келсан, иккинчи қават.

— Хайр!

— Қутаман, Танечка.

Вақт деярли тўхтаб қолгандек, секундларнинг ўтиши яхши бекитилмаган жўмракдан аҳён-аҳёнда бир томчи томиб қўйишидек туюлар эди. Қолган бир ярим соат ичида доктор Белов энди ҳеч нарса қила олмас, бўлимда тимирскиланиб юрар, медицина ҳамширалари ва

врачларнинг саволларига паришонлик билан жавоб берар эди. У Танияни ҳозир қаёққа таклиф қилиш мумкинлигини ўйлар эди — ресторанга таклиф қилсаммикин ёки киногами, ё бўлмаса шунчаки шаҳарда айланиб юришсаммикин. Улар нима тўғрисида гапиришишади? Гапларни олдиндан тайёрлаб қўйишнинг ҳожати йўқ, бу — ўз-ўзидан ҳал бўлади. «Наҳот, ҳозир мен уни яна кўраман?! Ё раббим, шу қадар бахтиёр бўлиш мумкинлигини билармидим, илгари!».

Эшикда қўнғироқ чалинди. Вячеслав Сергеевич бўлим эшигига қараб отилди ва ҳаяжондан калитни аранг қулфга солди. Жилмайиб эшикни очди. Зинада нотаниш аёл турар эди.

— Ҳаётингизни суғурта қилишни истамайсизми?

— Йўқ. Сизнинг идорангиз ўз жонига ўзи қасд қилганларга суғурта пули тўламайди-ку, ахир, — деб ҳазиллашган бўлди доктор Белов алам билан. — Қиринг. Балки биздагилардан бирор киши суғуртага ёзилиб қолар. — У агентни бўлимга киритиб, ўзи ўз хонасига қараб юрди.

Эвакуация йиллари, тинчгина қишлоқ, анҳор бўйидаги полиз, устига кўп қовун ва тарвуз ортилганида гоҳо чўкай-чўкай деб турадиган кичкина паромча тўсатдан кўз ўнгига келди. Шунда у офтобдан деярлик қоп-қора бўлиб кетган саккиз яшар бола бўлиб, паромнинг юкини енгиллатиш учун у билан ёнма-ён сузиб борар, онаси бўлса, арқонни тортар эди.

— Вячеслав Сергеевич олдингизга келишди, — деб кабинет эшигини очди санитарка.

— Қирсин, марҳамат қилиб Марфа Ивановна.

Доктор Белов стулдан туриб, эшикка кўз тикканча кўз-қулоқ бўлиб кутди.

— Мумкинми — деган Тания овозини эшитди.

— Қир, Танечка!

— Ёлғиз эмасман...

— Қираверинглар.

Кабинетга Таня, унинг орқасидан эса очиқ юзли бўйдор йигит кириб келди.

— Вячеслав Сергеевич, бу — Коля. Бугун ЗАГСга борган эдик, бир ойдан кейин тўй. Бу-чи, Коля, бизнинг Вячеслав Сергеевичимиз, сенга ҳадеб гапиравериб, қулоқ-миянгни қотираверган одамим — менинг янгидаги туғилишимга ёрдам берган доктор — шу киши.

— Табриклайман, сизларни, азаматлар... Қиринглар, киринглар, нима учун турибсиз? Қойил сизларга... Қанчалик бахтиёрсизлар! Сизларга нима совға қилсам экан? Коля, сен чекасанми?

— Чекади... — деб жавоб берди Таня куёви ўрнига.

— Беморларим менга бир куни биллур кулдон совға қилишган эди. Совғани бериб юбориш яхши эмасу, лекин мен, худо ҳаққи, чин юракдан совға қиламан. Шуниси ҳам борки, бунинг менга кераги йўқ. Мен чекишни ташладим. Бутунлай ташладим. Чиройли кулдон, тўғрими? Жуда чиройли кулдон. Бунақанги чиройли кулдонани мен бошқа ҳеч қачон кўрган эмасман...

Вячеслав Сергеевич ўхшовсиз ҳаракат билан столдан кулдонини олди ва сал бўлмаса, тушириб юборай деб уни Коляга берди.

— Фақат сен ҳам чекишни ташласанг бўларди, Коля...

— Раҳмат, Вячеслав Сергеевич, чекишни ташлайман, кулдонни бўлса, меҳмонлар учун асраб қўямиз.

— Уйга тез-тез меҳмон келиб тургани яхши. Одамлар олдингизга келиб тургани яхши. Бу жуда соз...

— Биз фақат бир лаҳзага, Сизни тўйга таклиф қилиш учун келган эдик.

— Раҳмат, азаматлар. Иложини қилсам... Албатта... Ҳозир иш ошиб-тошиб ётипти, бўлим янги. Фақат шу ернинг ўзида тунаш қолди.

— Биз ҳамisha Сизни орзиқиб кутамиз, Вячеслав Сергеевич, хайр.

— Хайр, доктор!

— Бахт тилайман! Доим омон бўлинг!

Вячеслав Сергеевич ёлғиз қолганидан кейин ярим соатлар чамаси қимирламай ўтирди. Кейин аста туриб, гўё ўз терисини сидириб олаётгандек зўрға халатини ечди, устига жома эмас, балки оғир совут кийгандек пальтосини кийиб олди.

— Вячеслав Сергеевич, дори-дармон олиш учун бериладиган талабномага имзо қўйиб беринг, — деб кирди ҳамшира.

У икки қатор қилиб ёзилган дорилар рўйхати тагига имзо чекди.

— Сизга нима бўлди, Вячеслав Сергеевич? Мазангиз қочиб қолдими? Рангингиз ўчиб турипти-я, юзингиз бўрдек оқариб кетипти....

— Йўқ, йўқ, Александра Матвеевна, уйга бора қолай... Эртагача. Ҳеч нарса эмас.

Доктор Белов бўлимдан чиқиб, кимсасиз кўчадан секин-секин юриб кетди, янги тушган қор устида қатор чизилиб, ёлғиз оёқ излари қолар эди. У бошини қўйи солган ҳолда мункайиб борар ва ўз уйининг тескарисига қараб кетаётганини ҳам сезмай, оёқларини аранг судраб секин-секин кетиб бормоқда эди.

ГЕННАДИЙ МИХАЙЛОВИЧ БЛИНОВ

От конфет с ромом...

Издательство «Медицина» УзССР, 700129, Ташкент, Навои, 30.

Таржимон А. Шомаҳмудов, Редактор Р. Сафоев, Бадний редактор О. Аҳмаджонов, Техредактор Л. А. Жихарская, Корректор М. Ҳайдарова

«Московский рабочий» нашриётининг 1978 йилги нашридан таржима

ИБ № 425

Теришга берилди 13.06.80. Босишга рухсат этилди 14.10.80. Қоғоз формати 84X108¹/₃₂. Қоғоз № 2. Гарнитура «Литературная». Юқори босма. Шартли босма л. 4,375. Нашр. ҳисоб л. 6,4. Нашр. № 337-79. Тиражи 20 000. Заказ № 532. Баҳоси 20 т.

УзССР Министрлар Совети нашриётлар, полиграфия ва китоб савдоси ишлари Давлат комитети Тошкент «Матбуот» полиграфия ишлаб чиқариш бирлашмаси, 3-босмаҳонасининг 1-дехи. Тошкент, Раднал пр., 10.